мамлакатимизга ёки бошқа ёш давлатга демократия-нинг қандайдир тайёр моделини ўтказиш кераксизгина бўлиб қолмай, балки унинг конкрет ўзига хослиги билан инсон ҳуқуqlари учун хавфли ҳамдир.

Ҳуқуқ ва демократиянинг ўзаро мустаҳкам алоқадорлигини алоҳида уқдириш лозим. Сиёсий ташкил топган жамиятда демократия ҳуқуқсиз бўлиши мумкин эмас. Давлат-ташкилий жамият қанчалик юқори даражада ривожланишга эришса, ундаги демократия принциплари мазмуни ва мустаҳкамланишининг шакллари сифатидаги ҳуқуқ шунча кўп аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон жамоатчилиги ёш, ривожланаётган давлатларнинг демократияга мустақил илгарилашни тезлаштирадиган ягона демократик маконга йўналтирилган. Бу тушунча стандарт иш услубларидан воз кечиши; барча қитъалар ва барча халқлардаги инсонпарварлик тажрибасидан энг яхшиларини ижодий эгаллаш ва мустақил танлашда мурувватли халқаро ёрдамни; ҳукумат ва ноҳукумат даражаларнинг уйғунлашувини мўлжаллайди. Буларда ривожланган давлатлардан ривожланаётган давлатларгагина эмас, балки икки томонлама ахборотлар алмашиш учун зарур шарт-шароитлар керак. Ягона демократик макон танланган қонуний ва демократик давлат ҳокимиятларини сўзсиз тан олиниши мўлжалланади. Улар турли мамлакатлар демократик кучлар билан одамлар ва ғояларни ўзаро ҳурматлаш ва айирбошлашдан келиб чиқади.

Буларнинг ҳаммаси тоталитаризмдан демократияга кескин ўтиш жараёнида журъатнинг табиий факторига бўлган салбий таъсири керакли даражада юмшатишга имкон яратади.

Ўзбекистон халқи ўзига зарурини танлади: бу — халқчил адолатнинг демократик фуқаролар жамияти, аралаш иқтисодиёт, дунёвий давлат XXI асрда республикамиз бутун Инсониятнинг умумий оиласига киради. Унда инсон ҳуқуqlари, демократия, барқарорлик ва тараққиёт гавдаланади.

## Конституция ва амалдаги қонунчилик

Мустақил Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституциясининг қабул қилиниши — инсон қонунлари соҳасидаги фаол қонун чиқарниш ишлари бошланишининг бошланишидир. Ў Конституция очиб берадиган кенг ҳу-

қий истиқболга таянади. Биринчидан, унинг олдида  
осий қонунлар комплексини тузиш ва қабул қилиш  
орпти. Иккинчидан, Конституцияга мувофиқ амалдаги  
оча қонунларни тартибга солиш лозим. Шуниси қу-  
нчлики, Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат  
б эълон қилингандан кейин парламент томонидан  
бул қилинган кўпчилик қонунлар Асосий Қонун ру-  
га жавоб беради. Конституцияда қонун чиқариш фао-  
тининг асосий йўналишлари негизи берилган. Қўйи-  
ана шулардан энг асосийларини кўрсатиб ўтиш мум-  
кун.

**Сиёсий ҳуқуқларга тегишли давлат қурилиши соҳа-  
бўйича:** сайлов тизими, Конституциявий суд тўғриси-  
и қонунлар, ҳокимиятларни бўлиш принципи билан  
лиқ турли давлат органларининг ҳуқуқий ҳолатини  
игиловчи қонунлар. Улар Олий Мажлис, Президент,  
зирлар Маҳкамаси, Олий Суд, Прокуратура, ички  
лар, маҳаллий бошқариш органлари тўғрисидаги қо-  
нунлардир.

**Иқтисодий соҳа бўйича:** ижтимоий йўналишдаги бо-  
ро иқтисодиётiga ўтишнинг ҳуқуқий асослари тўғриси-  
ги қонунлар. Бунда бозор тўғрисидаги қонунчиликнинг  
тлақо янги тизимини барпо этишга тўғри келади. Бу  
чада Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Ко-  
декси асосий негиз ҳисобланади. Савдо Кодексининг  
бул қилиниши анчагина муҳимдир. Бутун давлат ҳо-  
миятимизнинг сифати тўғридан-тўғри мамлакатимиз-  
нинг Бюджет Қонунчилигига боғлиқдир.

**Ижтимоий соҳа бўйича:** Оила ва никоҳ тўғрисидаги  
нунлар Кодекси, Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш,  
м таъминланган фуқароларни ижтимоий қувватлаш,  
жися таъминоти, меҳнат ҳақи индексацияси тўғриси-  
ти қонунлар, Меҳнат Кодекси.

**Маънавий соҳа бўйича:** халқ маданияти, фанни қул-  
б-қувватлаш, интеллектуаль мулкчилик тўғрисидаги  
жун.

**Халқаро соҳа бўйича:** ташқи сиёсий фаолият тўғри-  
лаги, республиканинг халқаро шартномаларини ра-  
фикациялаш ва бекор қилиш тўғрисидаги қонунлар.

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг умумий ид-  
ки мевасидир, чунки у халқнинг орзу-умиди, ўй-хаё-  
ни ифодалайди. У суверен республиканинг прогрес-  
з ривожидаги Асосий Қонуннинг энг юқори мавқеига  
та мос келади. У Ўзбекистон мустақиллиги Консти-

туцияси ва халқ бойлиги бўлиб қолади. Конституция халқ манфаати йўлидаги жамиятимизда ислоҳот заруратидаги шарт-шароитни яратишга йўналтирилган асосни яратди, инсон хуқуқини, барқарорлик ва ҳар бир оиласага муносаб турмуш тарзини кафолатлайдиган Ўзбекистоннинг янгиланиш ва тараққиёт йўлида яшаб, меҳнат қиласиган халиқ учун бундай Конституция ниҳоятда мос тушади.

## *II боб*

### **УЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА МУСТАҚИЛЛИК ҲАҚИДАГИ ФОЯЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

#### **I. Мустақиллик ҳақидаги фояларнинг шаклланиши**

Узбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон иниши фавқулодда юз берган ҳодиса эмас, балки ғуний ва табиий ҳолдир. Қолаверса, республикамиз стақиллигининг эълон қилиниши она заминимизда лар оша қўлни-қўлга бериб, елкама-елка яшаб, меҳқилиб келаётган ўзбек, қорақалпоқ, тоҷик, қозоқ бошқа қардош, қондош, диндош халқларнинг 150 ға яқин вақт мобайнида гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона, олли ёки тинч йўл билан олиб борган машаққатли, чилик ҳолларда фожиали курашининг маҳсулидир. Бу кураш ўтган асрнинг 40-йилларидаёқ бошланган. Тарихдан шу нарса маълумки, Ўрта Осиё рус чоми томонидан босиб олингунга қадар, бу ерда учта стақил давлат: Қуқон ва Хива хонликлари ҳамда Бую о амирлиги мавжуд эди. Пётр I давридан бошлаб Ўрта Осиёning битмас-туганмас табиий бойликларини, серпил ерларини қўлга киритиш, унинг меҳнаткаш хали и ўз манфаатлари йўлида хизмат қилдиришни орзу иб келган рус чоризми ўтган асрнинг иккинчи ярмиларидан эътборан бу ерда босқинчилик ҳаракатини бошлаб юборди.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, биз яқин вақтгача тарихий ҳақиқатга зид ҳолда Ўрта Осиё Россия-дўшиб олинган, ҳатто у Россияга ихтиёрий равишда тилган деган фикрни исботлашга ҳаракат қилиб дик, ҳақиқатни ёзган, айтган қишинларни тарихни талаштиришда, сафсатабозликда айбладик. Кейинги ларда шу масалага бағишлиланган бир қатор мақолава рисолаларда Чор Россиясининг Ўрта Осиёда олиб тан босқинчилик сиёсати фош этилиб, масалага аниқкиритилди.

Чор қўшинлари томонидан 40 йил давомида олиб тилган босқинчилик юришлари туфайли Ўрта Осиёда сия империясининг ҳукмронлиги ўрнатилиб, Ўрта

Осиё хонликларининг мустақиллигига барҳам берилди. Туркистон ўлкасида том маънодаги мустамлакачилик тартиблари жорий қилинди. Бу ерда бутун ҳокимият бевосита Россия императори томонидан тайинланадиган ва вазифасидан четлатиладиган генерал-губернатор қўлида тўпланган бўлиб, у ниҳоятда катта ҳуқуқларга эга эди. Вилоятларда бутун ҳокимият Туркистон генерал-губернатори билан келишилган ҳолда ҳарбий вазир тавсиясига биноан Россия императори томонидан тайинланадиган ва вазифасидан озод этиладиган ҳарбий губернаторлар қўлида эди. Туркистоннинг туб аҳолиси сиёсий ҳуқуқларидан маҳрум этилган эди.

Туркистон ўлкасида бутун ҳокимият ҳарбийлар қўлида бўлиб, улар маҳаллий ҳалқни истаганларича таладилар, эздилар, таҳқирладилар, кўнгилларига келган номаъқулчиликларни килдилар. Порахўрлик, майхўрлик, бошбошдоқлик зуравон чор маъмурларининг асосий машғулотига айланди.

Хива ва Бухорода Туркистон ўлкасидан фарқли ўла-роқ, ярим мустамлакачилик тартиблари жорий этилган эди. Хон ва амир чет мамлакатлар билан мустақил алоқалар ўрнатиш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Йиқи сиёsat соҳасида улар қофоздагина мустақил бўлиб амалда эса мустақил эмас эдилар. Хива хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатларни амалга ошириш ва хон ҳукуматининг фаолиятини назорат қилиш Амударё бўлими бошлиғига юклатиленди. Бухоро амири ва унинг ҳукумати фаолияти устидан назоратни амалга ошириш Бухородаги Россия империясининг сиёсий агентига юклатилган эди.

Чор Россиянинг Ўрта Осиёда олиб борган сиёсати узоқ йиллар давомида ҳар томонлама пухта ўйланган, тайёрланган, режалаштирилган. Ўлканинг битмас-туғанмас моддий ва маданий бойликларини шафқатсиз талаш, унинг меҳнатсевар ҳалқларини эзиш, уларнинг меҳнати эвазига мустамлакачиларнинг бойишини таъминлашни мақсад қилиб қўйган босқинчилик сиёсати эди. Лекин бу сиёсатини амалга ошириш осонликча бўлмади. Ўрта Осиё ҳалқлари Чор қўшинлари босқинчилик ҳаракатини бошлаган дастлабки дақиқалардан эътиборан ўз юртини душмандан ҳимоя қилиш, унинг мустақиллигини сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан курашдилар, ҳар бир қалъя, қишлоқ, ҳар бир қарич ер учун жон олиб жон бердилар. Шунга қарамасдан қу-

ролланиш жиҳатидан устун бўлган Чор қўшинлари, бирин-кетин Ўрта Осиёning шаҳар ва қишлоқларни бо-сиб олдилар, уларнинг кулини кўкка совурдилар, ҳимоя-чиларини ва тинч аҳолисини шафқатсиз қирдилар, бой-ликларини ёвузларча таладилар, бутун-бутун қишлоқлар-ни ёқиб юбордилар. Кейинги аниқланган маълумотлар-га кўра, Чор қўшинлари Гўк Тепада, Хўжандда, Анди-жонда, Чимкентда, Жиззахда, Оқмасчитда, Қўқонда, Пишпекда, Зираубулоқда минглаб кишиларни қириб ташлаган. Чор қўшинларининг Ўрта Осиёни босиб оли-ши жараёнида Қўшин ва тинч аҳоли орасидан жами 598 минг одам нобуд бўлган. Бу келтирилган маълу-мотлар Чор қўшинлари томонидан амалга оширилган қирғинликларнинг аниқланган бир қисмидир холос. Ко-мил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўрта Осиёни босиб олиш жараёнида Чор қўшинлари томонидан қириб таш-ланганлар сони юқорида келтирган рақамлардан анча зиёд бўлган.

Чор қўшинлари Ўрта Осиёни босиб олиш жараёнида шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилдилар, тарихий оби-даларни бузиб ташладилар, маҳаллий халқларнинг аср-лар давомида яратилган бебаҳо маданий меросини — қадимий камёб қўлёзма китобларни, қимматбаҳо буюм-ларни, хонликлар ҳужжатларини талон-торож қилди-лар.

Чор ҳукумати Ўрта Осиёда руслаштириш сиёсатини олиб борди. Бу ердаги халқларни абадий қулликда сақ-лаб қолиш мақсадида ўлкага оммавий тарзда рус фу-қаролари кўчириб келтирилди, туб аҳоли деҳқонлари-нинг ерлари тортиб олиниб, уларга берилди. Маҳаллий деҳқонлар эса сувсиз чўл ва қир-адирларга кўчирилди-лар. Уларнинг бир қисми чоракор ва мардикорликка маҳкум этилдилар.

Чориэмнинг пухта ўйлаб, аниқ режа асосида изчил-лик билан олиб борган мустамлакачилик сиёсати ту-файли Ўрта Осиё Россиянинг хом ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланди. Мустамлакачи-лар дастлабки даврларда ёқ ўлкадаги олтин, нефть, кў-мир ва бошқа ер ости қазилма бойликларини қидириб топиш ишларини қизитиб юбордилар. Ўрта Осиё тил-ласи, пахтаси, қора кўли, пилласи, турли хил қуруқ ва ҳўл мевалари Россия саноатининг асоснӣ хом ашё-сига айланди. Ўрта Осиёдан олиб чиқиб кетиладиган

хом ашё салмоғи йилдан-йилга ошиб борди. Жумдан, 1866 йилда Россия енгил саноатининг пахтага бган эҳтиёжининг 6,67 фоизи Туркистон пахтаси ҳисобга қондирилган бўлса, бу рақам 1886 йилда 7,70 фоиз, 1890 йилда 24 фоиз, 1902 йилда — 40 фоиз, 1907 йилда 52 фоиз, 1915 йилда — 68 фоизни ташкил қилди.

1887 йилдан 1900 йилгача Туркистондан пилла олиб чиқиши — 4,8, қуруқ мевалар — 157, гурунч — 336 бар бар ошди. Россиядан эса саноат моллари келтирилди. Уларнинг миқдори ҳам йилдан-йилга ошиб борди. Масалан, 1887 йилдан 1900 йилгача товарлар олиб келиш манфактура — 9,2, қанд — 7, темир ва пулат 1,7 баробар ошди.

Чоризм томонидан Урта Осиёning босиб олиниши во бу ерда мустамлакачилик тартибларининг жорий қилиниши, меҳнаткашларнинг ночор турмушининг янада ёмонлашишига олиб келди. Маҳаллий халқлар меҳнаткашлари икки томонлама, бир томондан маҳаллий федаллар, иккинчи томондан мустамлакачилар зулмига маҳкум этилди. Уларни эзиш, талаши янада авжига чиқди. Айниқса, аҳолидан олинадиган солиқларнинг йилдан-йилга ошиб бориши меҳнаткашлар аҳволининг янада ёмонлашишига олиб келди. Масалан, Сирдарё вилояти аҳолисидан олинадиган ер солиги 1870 йилдагига нисбатан 1871 йилда 37307 сүм 70 тийинга ортган, 1886 йилгача Тоцкент уезди аҳолиси ҳар йили тўлайдиган ер солиги 274 358 сүмни ташкил қилиган бўлса, бу рақам 90-йилларнинг урталарига келиб 510267 сўмга етди. Шу вақт ичидан Андикон уезди аҳолисиданundiриладиган ер солиги 468836 сўмдан 713602 сўмга, Марғилонда — 350 663 сўмдан 521131 сўмга кўпайди.

Мустамлакачилар маҳаллий аҳолининг маънавиятини таҳқирлаш, тарихий, маданий, ахлоқий анъаналарини бузиш, чеклаш, улкадаги миллий мактаблар ва мадрасаларни қисқартириш, хуллас, мусулмонларни маънавий қулликда тутиб турни учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилдилар. Бу ҳақда Туркистон генерал-губернатори А. Н. Куропаткин мақтаниб шундай деган эди: «Биз 50 йил туб жой аҳолини тараққиётдан жиловладик, мактаблар ва рус ҳаётидан четда тутдик».

Урта Осиё халқлари чор маъмурлари ва уларнинг маҳаллий малайлари томонидан кўз кўриб, қулоқ эшишмаган жабр-зулмга маҳкум этилди, оммавий кирон келтирувчи мустамлакачилик қуллигига тушди. оддий ин-

ий ҳуқуқлардан маҳрум этилди, миллий ва диний риятлари, ҳис-туйғулари, урф-одатлари, ор-номуси қирланди. Турор Рисқуловнинг ёзишича: «Приставнинг ҳокимлик суришлари шу даражага етдики, р хатто масжидларга құнғироқ осиш ҳаракатида бұлар. Үзларининг тұраликларини ва ҳукмронниклар күрсатмоқ учун намоз вақтида масжидга итлар бикириб келдилар».

Мустамлакачилар Туркистанда закот олишни бекорди, вақфларни даромаддан маҳрум қылдилар, Мака ҳажга борышни таъқиқладилар.

Миллий камситиши шу даражага бориб етгән эдикі, ікентдаги катта кучаларда үзбекларнинг миллий имларида юриши таъқиқланғанды, трамвайларда узлар учун алоҳида үриндиқсиз майдончалар ажраганды. Мустамлакачилар улуғ миллатчилик ғоясини а Осиё халқлари онғига сингдиришга очиқдан-очиқ ақат құлдилар. Туркистан генерал губернатори А. Н. Еропаткин 1916 йил 24 августда Тошкент шаҳар жағтчилиги олдиде сұзлаган нұтқида шундай деган: «Россияда яшовчи күпдан-күп әлатларининг барлық бир отанинг — давлатпаноқ император ҳазратларың болаларидир. Бу барча әлатлар она — буюк Rossининг фарзандларидир. Аммо бу күп соңли оиласындар бошқаларға нисбатан катта оға бўлишлари ло!».

Яқин вақтларгача күпчилик Совет олимлари (шу младан ушбу сатрлар муаллифи ҳам), асосан, Үрта іёning Россияга құшиб олинишининг ижобий томонини бүрттириб күрсатишига, уннинг салбий томонлашықида камроқ сұз юритишига ҳаракат қилиб келдилар. Одатда бу ҳодисанинг ижобий оқибатлари ҳақида борганда, биринчи навбатда, Үрта Осиё ҳудудида ічилика ва үзаро феодал урушларға барҳам берилген күрсатилар эди. Бу бор ҳақиқат, буни инкор этиб імайды. Лекин құшиб олинишининг ижобий оқибаты сифатида капиталистик ишлаб чиқарыш мұносаларининг Үрта Осиёға кириб келиши, заводлар, фабрикаларнинг, темир йулнинг қурилиши, телефон-телеграф, босмахоналар, рус тузем мектаблари, турли хилдий жамиятларнинг ташкил этилиши, рұзномалар вакыттарынан оның омаларнинг нашр этила бошлаши кабилар ҳақида борганда масалага ҳар томонлама, холисона, чустроқ қараш ва баҳо бериш лозим. Бу тадбирий чо-

ралар, амалга оширилган ишлар нима мақсадда қи-линганилиги, оқибат натижада кимлар учун хизмат қил-ганигини назардан четда қолдирмаслик ҳам зарур.

Биринчидан, Ўрта Осиёда чоризм томонидан амалга оширилган босқинчилик сиёсатини ҳеч нарса билан оқлаш мумкин эмас. Бу сиёсатнинг ижобий оқибатла-рини сунъий равишда ҳаддан ташқари бўрттириб курсатиш билан Россияга, рус халқига нисбатан дўстлик муносабатларини изҳор этиб бўлмайди. Бундай ури-ниш аксинча дўстлик ва ўзаро ҳурматни мустаҳкам-лашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Иккинчидан, биз шу вақтгача қўшиб олинишнинг ижобий оқибатлари деб мақтаб келган чора-тадбирлар маҳаллий халқларнинг манфаатлари нуқтаи-назаридан келиб чиқиб эмас, балки мустамлакачилар манфаати-ни кузлаб амалга оширилган эди. Заводлар, фабрика-лар, темир йулларнинг қурилиши, турли хил илмий жа-миятларнинг, типографияларнинг ташкил этилиши, те-лефон-телеграфнинг ишга туширилиши, ойномалар ва рузибомаларнинг нашир қилиниши оқибат-натижада Чо-ризмнинг Ўрта Осиёда мустамлакачилик, талончилик спёсатини тўла, бекаму кўст амалга ошириш, маҳал-лий халқларни эзиш, уларни итоатда сақлаб туриш, ўлканинг табиий бойликларини қидириб топиш, қазиб олиб кетиш, Чоризмнинг бу ерда олиб бораётган сиёса-тини маҳаллий халқлар онгига сингдириш, уларни қур-қитиш, таҳқирлаш, ўлкани руслаштириш мақсадида ташкил этилган эди.

Учинчидан, рус тузем мактаблари, гимназиялар ва бошқа ўқув юртлари ҳақида сўз боргандা, шуни эсдан чикармаслик керакки, улар Россия фукаролари учун ташкил этилган эди. Уларда таълим оладиганлар сафи-да туб аҳоли фарзандлари саноқли эди.

Туртинчидан, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб оли-нишининг ижобий оқибатларидан бири сифатида ма-ҳаллий халқларнинг рус халқининг инқилобий ҳарака-тига қўшилганлиги ҳақида сўз юритганимизда бу ҳара-катда уларнинг иштирокчилик даражаси қандай бўл-ганлиги, бу ҳаракат оқибат-натижада нима билан якун-ланганлигини ҳам чуқурроқ, атрофлича мулоҳаза қили-шимиз керак. Бугунги кунда шу нарса аниқ бўлдики, рус ишчиларининг инқилобий ҳаракатида Ўрта Осиё ҳалқларининг кўпчилик қисми фаол иштирок этмаган, бу ҳаракатнинг ғалабаси уларга ҳақиқий озодлик, эр-

нлик бермади. Мустамлакачиликнинг бир шакли ўрни иккинчиси эгаллади.

Мустамлакачилик зулмининг кун сайин кучайиши, ҳаллий халқларнинг ҳақ-ҳуқуқларини паймол қилишнг, таҳқирлашнинг авжига чиқиши, зуравонлик, таничилик, пораҳурлик, тұрачилик, буюк давлатчилик винизми, мусулмонларнинг миллий, диний ва маданий дриятларини, урф-одатларини, аңъаналарини менсислик, оёқ-ости қилиш каби иллатларнинг тобора чурроқ илдиз отиши Үрта Осиё халқларини жипслашыга, бир жон бир тан бўлиб умумий душманга — ризм ва унинг ўлгадаги маъмурларига қарши кураш-чорлади.

1856 ва 1873 йилларда Сирдарё вилоятида, 1869 йил Самарқанд шаҳрида, 1873-1876 йилларда Қўқонда, 79 йилда Марғилон уъездидә, 1880 йилда Хўжанд ва атепа туманларида, 1889 йилда Намангандада ва Ӯшда, 85 йилда Фарғона вилоятида, 1892 йилда Тошкент шаҳрида, 1898 йилда Андижонда мустамлакачилик зулға қарши маҳаллий халқларнинг ғалаёнлари ва қўзлонлари бўлиб ўтди. Бу ғалаёнлар ва қўзғолонлар узрининг миллий ва ижтимоий таркибидан, катта-киклигидаи, узоқ ёки қисқа вақт давом этганлигидан, арда иштирок этган турли табақа вакилларининг кўзган мақсадларининг мазмуни ва моҳиятидан, қатъи зар барчасининг мақсади оқибат-натижада ўлкада мустамлакачилик зулмига барҳам бериш, халқларнинг одлигига, мустақиллигига эришиш эди. Лекин тарқоқ, она ташкилий бирликка, ҳар томонлама, пухта ўйлаб ишлаб чиқилган ҳаракат дастури ва режасига, қул-аслаҳага эга булмаган қўзғолонларнинг барчаси чоршинлари томонидан ваҳшнийларча бостирилди, она минимиз қонга ботирилди. Шунга қарамасдан XIX асрнг иккинчи ярмида бу ерда бўлиб ўтган қўзғолонлар р томондан, чоризмнинг мустамлакачилик асосларига тта зарба берди, иккинчи томондан маҳаллий халқрнинг мустамлакачилик тартибларига қарши норозигининг янада кучайишига, сиёсий оигининг ўсишига, одликка ва мустақилликка интилишининг кучайишига тта таъсир курсатди.

Үрта Осиёда чоризм ҳукмронлигининг урнатилиши, мустамлакачилик тартиботларининг жорий қилиниши, ижтимоий ва миллий зулмнинг кучайиши, бунга қарши ҳнаткашлар норозилигининг кун сайин ошиб бориши,

бўлиб ўтган халқ қўзғолонлари ва иштирокчиларининг талаблари ва мақсадлари, халқ ҳаракатларининг ваҳшийларча бостирилиши маҳаллай халқларнинг ижтимоий-спёсий мафкурасига катта таъсир кўрсатди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўлкада юз берган иқтисадий, спёсий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришларга, бўлиб ўтган воқеалар ва ҳодисаларга ижтимоий-спёсий мафкуранинг турли оқимлари вакилларининг муносабати ҳар хил эди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ҳудудида ижтимоий-спёсий мафкуранинг иккита йирик оқими шаклланди. Биринчиси, хон, амир, йирик ер эгалари, руҳонийлар, ҳокимиёт вакилларининг ҳоҳиш-истакларини, мақсадларини, орзу-умидларини ифодаловчи феодал-клерикал, ижтимоий-спёсий мафкура. Мазкур оқим вакилларининг чоризмга ва унинг мустамлакачилик спёсатига, бу спёсатни бевосита ўлкада амалга ошираётганларга муносабатлари турлича эди. Бу оқим вакилларининг бир қисми мустамлакачиларга ва уларнинг ўлкада олиб бораётган спёсатига, юз бераётган ўзгаришларга кескин қарши чиқдилар. Улар ўлкада шариат қонунларига асосланган тартибларни тўла сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, мустамлакачилар ҳукмонлигига барҳам бериш, Туркистон ўлкасида хон ҳокимиятини тиклаш ғояларини илгари сурдилар. Иккинчи қисми эса мустамлакачилик муҳитига мослашишга ҳаракат қилдилар. Булар, асосан мустамлакачилар билан ўз халқини талашда, эзишда ҳамкорлик қилган, давлат маҳаллий органларида у ёки бу лавозимни эгаллаган мулкдорлар ва руҳонийларининг вакиллари эди. Улар маҳаллий аҳолини Россия императорига ва мустамлакачи маъмурларга итоат қилишга чақирдилар. Ўзларининг чақириқларини асослаш учун улар Қуръон ва шариат қонунларига мурожаат қилдилар. Жумладан, Эшон хўжанинг таъкидлашича: «Шариат уларга (туркистонликларга — Ж.Т.) ҳар қандай подшоҳга ва унинг ҳокимига (вакилига, амалдорига — Ж. Т.) итоат қилишини буюради, қаршилик кўрсатишни ва қўзғолон кутаришни таъқиқлайди». Эшон Бобохон Тўранинг ёзишича, подшоҳга қарши ҳар қандай норозилик «шариат урф-одатига ва қонунларига зиддир, норозилик, ғалаёндан фақат умумий зарар бўлади».

Юқорида баён қилинганлардан шу нарса маълум бўлдики, биринчи гурӯҳ вакилларининг мақсади мустамлакачиликка барҳам бериш, ўз халқини чоризм ва унинг

мурлари зулмидан озод қилиб мустақилликка эри-  
л, бу бир томондан. Иккинчи томондан эса асрлар  
омида Шарқда, шу жумладан, Ўрта Осиёда давлат-  
бошқаришнинг кенг тарқалган шакли якка ҳокимият-  
иқни — хон ҳокимиятини тиклаш — яъни орқага қай-  
. Агар масалага умумжаҳон демократик ҳаракати  
гаи назаридан ёндошиладиган бўлса хон ҳокимияти-  
тиклишга ҳаракат қилиш салбий баҳоланмоғи лозим.  
ин, маҳаллий шарт-шароит, ўлкадаги анъанавий  
татни бошқариш шакли, аҳолининг сиёсий мадания-  
даражасини ҳисобга олиб масалага ёндошиладиган  
са, хон ҳокимиятини тиклашга ҳаракат қилиш бу  
иҳий нуқтаи назаридан оқланадиган табиий ҳол эди.  
Ўзларининг шахсий ва табақавий манфаатларини  
, миллат манфаатларидан юқори қўйган, чоризм-  
малайлари бўлмиш маҳаллий бойлар, рӯҳонийлар,  
да амалдорларнинг вакилларидан иборат иккинчи  
ҳга мансуб бўлганлар эса, Ўрта Осиёда мустамла-  
ілик зулмини қўллаб-қувватлаш, ўз миллатдошлари  
диндошларини мавжуд тартибларга буйсиндириш,  
, талаш, ўлқанинг моддий ва маданий бойликлари-  
галон-торож қилинди чор маъмурлари билан ҳам-  
ияк қилиш, уларга ёрдам курсатиш йўли билан ўз-  
ининг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётда тутган мав-  
ши сақлаб қолиш, имтиёзларга эга булишни мақсад  
иб қўйган эдилар. Булар ўзларининг жирканч мақ-  
ари йўлида халқини, миллатини, Ватанини сотди.  
Шунинг учун ҳам булиб ўтган халқ қўзғолонлари  
аёнида уларнинг кўплари ўлдирилди, уйлари, мол-  
клари талон-торож қилинди.  
Ўрта Осиёда, шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳу-  
ида XIX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий-сиёсий  
куранинг иккинчи йирик оқими сифатида маърифат-  
варлик оқими шаклланди. Бу оқимнинг йирик намо-  
лари Аҳмад Дониш (1827—1897), Дилшод Барно  
(1840—1905), Саттархон Абдулғаффоров (1843—1902);  
аммад Аминхўжа Муқими (1851—1903), Зокиржон  
муҳаммад Фурқат (1858—1909) асарларида маҳал-  
халқ меҳнаткашларининг мустамлакачилик зулмига  
ци нафрати, озодлик, мустақиллик, истиқлол ҳақи-  
орзу-умидлари ўз ифодасини топган эди. Шуни ало-  
қайд қилиш лозимки, маърифатпарварларнинг Рос-  
а булган муносабати икки томонлама эди. Бир то-  
дан, улар илфор рус маданиятини, илм-фанини, ти-

лини ўрганишни тарғиб қиладилар, рус санъати, аданбети, фани, архитектураси, техника ютуқлари ҳақида илхомланиб гапирадилар, ўз ватандошларини бу ютуқлар сирларини ўрганишга, улардан фойдаланишга ундейдилар, рус халқи билан ўз халқлари ўртасида дүстлик муносабатларини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш ғояларини илгари сурадилар. Иккинчи томондан эса маърифатпарварлар рус чоризмининг олиб борган босқинчилк, мустамлакачилик, талончилик, зўравонлик сиёсатини кескин қоралайди. Жумладан, чоризмнинг Бухоро амирлигига нисбатан олиб борган босқинчилк, мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатлари ҳақида А. Дошиш шундай деб ёзган эди, Чор қўшиниларининг Самарқандни босиб олиши ва унинг Россия давлати таркибига киритилиши натижасида меҳнаткаш халқнинг аҳволи янада ёмонлашди. Чор Россиясининг маъмурлари турли баҳоналар билан Бухорага тез-тез келадиган бўлиб қолдилар. Бу олдиндан кўзда тутилмаган харажатларга сабаб бўлади. Бухоро ҳукмдорлари чор маъмурларининг кўнглини олиш мақсадида янги-яниги солиқларни жорий қиладилар. Буни кўрган мустамлакачилар янада фаоллашадилар, ҳар хил нарсаларни баҳона қилиб амир ва унинг амалдорларини айблашга ҳаракат қиладилар, бухоролик ҳукмдорлар эса бечора халқа нисбатан ўз зулмини янада кучайтирадилар. Оқибат-натижада меҳнаткашлар оммаси чидаб бўлмас даражада қашшоқлашди, мамлакат вайронага айланди.

Маърифатпарварлар ўлкадаги қолоқликнинг, ижтимоий ва мустамлакачилик зулмининг асосий сабаби сифатида саводсизликни, жаҳолатни, кўрсатадилар. Уларнинг фикрича, жаҳолатнинг ўлка ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётida тўла ҳукмронлик қилишининг асосий айборлари хонлар, амирлар ва уларнинг амалдорлари, реакцион руҳонийлар, мустамлакачи маъмурлардир.

Маърифатпарварлар келажакка комил ишонч билан қарайдилар. Улар келажакда мамлакатда жабр-зулмга, зўравонликка, инсонни таҳқирлашга барҳам берилишини, озодлик, тенглик, осойишталик, эзгулик тантана қилишини орзу қиладилар. Бундай ҳаётга эришишининг асосий шартларидан бири, уларнинг фикрича, халқ орасида зиё тарқатиш, ўқиши-ўқитиш ишларини тўғри йўлга қўйиш, илм-фанни ривожлантиришдир. Бу оқибат-натижада халқнинг сиёсий онгинининг ўсишига замин яратади.

сий онги юқори бўлган халқ зулмга, зўравонлика, ғилий камситишларга барҳам бериб, озодликка, мусиқилликка, истиқололга эришиш йўлларинй топишга ҳатат қиласди.

Юқорида баён қилинганларга умумий якун ясаб, шутаъкидлаш лозимки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Россиясининг олиб борган босқинчилик, мустамлалик, талончилик, зўравонлик сиёсати маҳаллий қларнинг қаттиқ қаршилигинга учради. Улар ўз Ванини ҳимоя қилиш ва унинг давлат мустақиллигини лаб қолиш, кейинчалик мустамлакачилик зулмига ҳам бериш учун мардоновор кураш олиб бордилар. кураш жараёнида мустақилликка эришиш йўллари ида илк ғоялар шакллана бошлади. Бу давр Ўзбетон халқлари тарихига мустақиллик учун курашнинг глабки босқичи сифатида кирди.

XX асрнинг бошларидан эътиборан Ўрта Осиё, шу ғладан Ўзбекистон халқларининг мустамлакачилик мига қарши мустақиллик учун курашишнинг янгири бошланди. Бу, энг аввало, асримиз бошларида кистон ўлкаси, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигиг иқтисодий ҳаётига капиталистик муносабатларнинг иб келишининг нисбатан тезлашиши, ўлканинг тайи бойликларини ташиб кетишнинг ортиши, ижтимо-ва миллий мустамлакачилик зулмининг кучайиши, наткашлар оммасининг тобора қашшоқлашуви, инхукуқлариниц, миллий, диний ҳис-туйғуларини пайқилишиниг авж олиши, аҳолининг ўз ҳукмдорларигарши нафратининг кун сайин ортиб бориши билан лиқ эди. Иккинчидан, мустақиллик учун курашни янбосқичига кутарилишига 1905—1907 йиллардаги бичи рус буржуа-демократик инқилоби, XX аср бошнида Туркия, Эрон, Ҳиндистон ва Хитойда бошланган ократик ҳаракатлар катта таъсир кўрсатади. Учинан, Россия татарлари, Қавказ орти халқлари ора-а кенг тарқалган маърифатпарварлик ҳаракати ва нг ғоялари ҳам Ўрта Осиё халқларининг миллий мусиқиллик учун курашишнинг кучайишига сезиларли сир кўрсатди. Турсинчидан, Туркистон ўлкасида кечча-ленинча ғояларни тарғиб қилувчи большевик-тўғаракларининг ташкил этилиши, рўзномаларнинг ир этила бошлаши, рус ишчилари, солдатлари ораси-иқилобий ғояларининг ёйилиши, бу ерда бўлиб утган шиларнинг иш ташлашлари, ғалаёнлари туб аҳоли

меҳнаткашларининг мустақиллик учун курашининг кучайшига катта таъсир кўрсатди.

ХХ аср бошларида ижтимоий ва миллий-мустамлакачилик зулмининг қучайиши, чор маъмурлари ва уларнинг маҳаллий ёрдамчи-малайлари зўравонлигининг авжига чиқиши, солиқларнинг ҳаддан ташқари ошиб кетиши, миллий, диний камситишлар, хўрлашлар мавжуд тузумга ва тартибларга, уларнинг ҳимоячиларига қарши маҳаллий халқлар нафратининг тобора ошишига сабаб бўлди.

1905 йилда Наманган ва Андижон уъездларида, 1906 йилда Тошкент шаҳрида маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар жараёнида чор маъмурлари томонидан йўл қўйилган ўзбошимчаликларга қарши оммавий фалаёнлар ва тартибсизликлар юз берди. 1905—1914 йилларда Туркистон ўлкасидағи, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги бир қатор заводлар, темир йўл устахоналари ва бошқа корхоналар ишчиларининг иш ташлашлари, стачкалари ва норозилик митинглари бўлиб ўтди.

Икки томонлама зулм, талончилик, зўравонлик, сиқув ва таъқиблардан сабр-косаси тўлиб тошган Туркистон халқи 1916 йил 25 июнда Россия императори Николай II нинг «Империядаги бегона халқлар эркак аҳолисининг ҳаракатдаги армия районларида ҳарбий иншоатлар ва шунингдек давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш» ҳақидаги фармонига жавобан 1916 йилнинг ёзида қўзғолон кўтарди. 4 юнла Хўжанд шаҳрида бошланган қўзғолон тез кунда Сармарқанд, Сирдарё, Фарғона, Еттисув, Қаспий орти вилоятларига ёйилди. Қўзғолоннинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи — меҳнаткаш халқ: деҳқонлар, ҳунармандлар, ишчилар эди. Қўзғолончилар Фармонга бўйсинмаслик, мардикорликка одам бермасликни асосий шиорлар сифатида кўтариб чиқсан бўлсаларда, қўзғолон аслида кун сайн кучайиб бораётган миллий-мустамлакачилик зулмига қарши қаратилган миллий-озодлик ҳаракати эди. Ҳаракат иштирокчиларининг бош мақсади ўлкада миллий-мустамлакачилик зулмига барҳам бериш, мустақилликка эришиш ва мамлакатни бошқаришни ўз қўулларига олиш эди.

Қўзғолон чор ҳукумати томонидан ваҳшийларча бостирилди. Шунга қарамасдан 1916 йил қўзғолони Ўрта Осиё халқларининг мустақиллик учун кураши тарихида энг оммавий-сиёсий амалий ҳаракат сифатида учмас из

қолдирди. Қўзғолон чоризмнинг бу ердаги ҳукмронлигига катта зарба берди.

XX аср бошларида Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон халқларининг мустақиллиги учун курашни ўзининг бош мақсади ва вазифаси деб билган оқимлардан бири, тарихга жадидчилик номи билан кирган, маърифатпарварлик ижтимоий-сиёсий оқими эди. Жадидчилик ҳаракати алоҳида, таъсирчан ижтимоий-сиёсий оқим сифатида 1905—1907 йиллардаги биринчи рус буржуа демократик инқилоби даврида шаклланди. Жадидлар ҳаракати ўзининг ижтимоий таркиби, унда иштирок этувчиларнинг дунёқарashi, кўзлаган мақсадлари, ҳаракатнинг турли минтақаларнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётдаги тутган мавқеи, ўз мақсадларини амалга ошириш учун тутган йўллари нуқтаи назаридан бир хил эмас эди. Лекин шунга қарамасдан мазкур ҳаракат иштирокчиларини бир-бирига яқинлаштирадиган, бошини бир-бирига қовуштирадиган, кучларни бирлаштиришга ундайдиган муаммо бу озодлик, миллий мустақиллик ва истиқлол муаммоси эди.

Жадидчилик ҳаракати Ўрта Осиёning турли минтақаларида турлича кечди. Туркистондаги жадидлар Хива ва Бухорадаги жадидчилардан бир оз фарқ қилиб, бир томондан, том маънодаги мустамлака ўлка шароитида ўз фаолиятини амалга оширган бўлсалар, иккинчи томондан, ўзларининг жисплиги, ўз ғояларини матбуот орқали тарғибот қилиш, сиёсий ҳаётда иштирок этиш имкониятлари нуқтаи назаридан улардан маълум даражада илгарилаб кетган эди. Шунингдек, Бухоро жадидларининг маърифатчилик фаолияти ҳукмрон доираларнинг кескин қаршилигига учраган бўлса, Хива жадидлари фаолияти бундай қаршиликка дуч келмади ҳисоби. Туркистон жадидлари ўз фаолиятининг бошидан охиригача ислоҳотчилик ғояларига содик қолган бўлсалар, Бухоро ва Хива жадидлари бу борада маълум тадрижни ўз бошидан кечирдилар. Биринчи жаҳон уруши йилларида Хива жадидларининг октябрь инқилобидан сунг эса Бухоро жадидларининг сўл қаноти вакиллари инқилоб тарафдори сифатида майдонга чиқдилар ва шу йул билан мустақилликка ва истиқлолга эришмоқчи бўлдилар.

Туркистон, Бухоро ва Хива жадидлари учун умумий бўлган хусусият шундаки, уларнинг барчаси ўз мамлакатларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан қолоқлигининг, ижтимоий ва миллий-мустамлакачилик

мұлдыннинг, маҳаллий халқларнинг сиёсий ҳаётдан четтегі талаптарының, қоғамның мустамлакачилар да уларнинг маҳаллий ҳамтотындырып томонидан таланаётганлардың, миллий ва диний манбаатлары, ҳис-түйғулары, урф-одатлары, аньшындары таҳқирланыптыннан асосий сабабини сауда-сизликтен деб билишларидир.

Шу муносабат билан жадидлар Туркистан, Бухоро және Хивада эски, соғ диний, схоластик мактаблар янында үкитиладын оврӯпача мактаблар орнанды, халқ таълим министерствине бутун ўрта асрчилик тизимиңнен давр талабига жавоб берадын дүнёвий тизим билан алмаштиришни ёқлаб чиқдилар. Улар табиий ва ижтимоий фанларни ўрганишни күзде тутивчи дастурлар орнанды, дарслеклар ва құлланылар ёзишли. Жадидлар бир қатор шаҳар ва қышлоқларда янындыннан мактаблар очыб үзларнинг маориф соҳасында ислоҳотлар үтказып ҳақидаги ғояларини ҳаёт синовидан үтказышига аракат қылдилар. Жадидларнинг маориф соҳасидаги ишлари, айниқса Бухорода, эскилик тарафдорларының руҳонийлар, амир ва юқори мансабдорларнинг кескни қаршилигига учрады.

Миллий мустамлакачилик зулмінде, қолоқликка барып бериш инсон ҳуқықи ва әркинліктернің қимоя құттышы, мустақиллікка әркінліктернің муҳым гарови, халқнинг ижтимоий, сиёсий-ҳуқықий онгинаң үстіриш деб билгандын жадидлар үлкән көңіл миқәсда тарғибот ишларнан олиб борадилар. Улар түрли хил жамиятлар, широкаттар, нашриётлар, китоб магазинлари, жамоатчылық күтубхоналары ташкил қыладилар. Түрли хил номларда рузыномалар ва ойномалар нашар қилиб, уларнинг саҳиғаларында ижтимоий ва миллий мустамлакачилик зулмінде мустақамлаш мақсадында үрнатылған тартиблардың танқид остига оладилар: руҳонийларнинг жохиллигі ва мутаассиблигінің, чөр маъмурлары, уларнинг маҳаллий малайлары — мінгбошилар, оқсоқоллар, амир ва діннен амалдорларниннан талончилик, зұравонлық сиёсаттін, давлат органларында күндан-күнга авж олиб боратылған пораҳұрлық, ўзбошимчалик, қонунсизлик, тұрағчылық каби иллатларни фош қыладилар; маҳаллий ҳукмдорлар зұравонлигінің жағбр-зұлмини чеклаш, бошқарышта солиқ ယиғиши тартибга солиш ҳақидаги ғоялар билан чиқадилар.

Дастлаб Туркистон жадидлари үлкадаги юз берәтган жабр-зулм, зуравонлик, ҳокимиятни суинистеъмол қилишга, хўрлашлар ва камситишларга барҳам бериш мақсадида халқ номидан Туркистон генерал-губернаторига, чор ҳукуматига, юқори мансабдор шахсларга мурожаат қиладилар. Ўзларининг мурожаатлари жавобсиз қолдирилганини кўрган жадидлар ҳеч бўлмаганда дин, суд ишлари ва кундалик турмуш соҳаларида мустақиллик берилишини талаб қилиб маҳсус лойиҳалар ишлаб чиқадилар, уларни ҳаётга тадбиқ этиш учун ҳаракат қиладилар. Бухоролик жадидлар эса жамиятдаги иллатларга барҳам бериш, халқни маърифатли қилиш, илм-фанни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва бу билан истиқлолга кенг йўл очишида масъулиятли вазифани доно ва адолатли амир ва унинг худодан қўрқувчи, одобли вазири ҳал этиши мумкин деб ўйладилар. Амалда жадидлар бунинг аксини қўрдилар.

Жадидлар мустақиллик ва истиқлолга эришишнинг моддий заминини яратиш масаласига алоҳида эътибор берадилар. Улар рўзномалар ва ойномалар саҳифаларида маҳаллий саноатни ривожлантириш, миллий банк лар очиш, йўллар, сугориш иншоатлари қуриш, қишлоқ хужалигини, ички ва ташқи савдони тараққий эттириш, мамлакатдан фойдали қазилмалар ва бошқа моддий бойликларни ташиб кетишини чеклаш, уларни қайта ишлаб тайёр маҳсулот чиқаришини ўлканинг ўзида ташкил қилиш; четга хомашё ўрнига тайёр маҳсулот чиқаришга эришиш, ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини жорий қилиш каби нафақат ўша давр учун, ҳатто ҳозирги давр учун ҳам долзарб бўлган муаммоларни кўтариб чиқадилар.

Жадидлар ўз мамлакатларининг истиқлолини ва тараққиётини замонавий билимлар билан қуролланган етук мутахассисларсиз тасаввур эта олмаганлар. Шу муносабат билан улар маҳаллий халқлар болаларидан замонавий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берадилар. Жадидлар кадрлар тайёрлаш муаммосини ҳал этиш мақсадида маҳсус жамиятлар, жамғарма фондлари ташкил қиладилар, маблағ тўплаш учун турли томошалар уюштирадилар. Жадидлар ана шу тўпланган маблағлар ҳисобига Оренбург, Қозон, Уфа, Истамбул сингари ўшà даврдаги мусулмон маданияти марказларига талабалар жўнатадилар.

Жадидлар мамлакат ҳаётига демократик сиёсий-хуқуқий институтларни жорий қилишни ўз Ватанлари исдиғоми ва тараққиётининг муҳим шартлари деб билганлар. Шу муносабат билан улар демократик сиёсий-хуқуқий институтлар, уларнинг афзалликлари, маҳаллий халиклар учун фойдали томонлари ҳақидаги foяларни мусулмонлар орасида тарғибот қилишга алоҳида эътибор берадилар. Бу борада туркистонлик жадидлар бошқа минтақалардаги жадидлардан бир мунча илгарилаб кетгани өдилар. Улар рўзномалар ва ойномалар саҳифаларига ривожланган Оврупо мамлакатларида кенг тарқалган давлатни бошқаришнинг демократик шакллари, сайловлар, уларнинг моҳияти ва мамлакат ҳаётида тутган ўрини, тўғри, эгри, очиқ ва ёпиқ сайловлар ва уларнинг ўзиги хос хусусиятлари, вакиллик органлари ва уларни ташкил қилиш принциплари, депутатларни сайлаш тартиби ва уларга қўйиладиган талаблар ҳақида кенг тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб борадилар. Туркистонлик жадидлар айниқса мусулмонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берадилар.

Россиядаги 1917 йил Февраль буржуа демократик ишқиlobига қадар ўз мамлакатларининг келажагини Конституцияли монархия билан боғлаган туркистонлик, маърифатли монархия билан боғлаган бухоролик жадидлардан фарқли ўлароқ ҳолда хивалик жадидларнинг сўл қаноти вакиллари 1914 йилнинг ёзидаёқ истиқлол ва тараққиётга монархия тузумига барҳам бериш ва республика тузумини урнатиш орқали эришиш мумкин деган фикрга келган өдилар.

1916 йилдаги қўзғолонга туркистонлик жадидларнинг муносабати масаласига келганда шуни таъкидлаш керакки, улар қўзғолонни маъқулламаган өдилар. Умуман улар мустақиллик ва истиқболга қуролли қўзғолон билан эмас балки тинч йўл билан эришиш тарафдори өдилар.

XX аср бошларидағи Ўзбекистон халқларининг мустақиллик учун курашига умумий якун ясад шуни қайд қилиш лозимки, бу давр чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига, социал ва миллий зулмига, жаҳолатга, миллий камситишлар ва хўрлашларга қарши курашнинг, демократик foяларни ўлкада ёйишнинг муҳим босқинчи сифатида тарихга кирди.

## 2. Мустақиллик ҳақидаги ғоялардан воқеликка

Россияда 1917 йил Февраль буржуа-демократик инқилоби натижада Чор ҳукуматининг ағдариб ташланиши ва Мубаққат ҳукуматининг ташкил этилиши, унинг томонидан чиқарилган демократик мазмундаги ҳуқуқий ҳужжатлар чекка ўлкаларда, жумладан Туркистон улкаси, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигига мустақиллик учун курашнинг янада кучайишига катта турткىй бўлди. Кураш майдонида янги ижтимоий-сиёсий кучлар, жамиятлар, фирқалар пайдо бўлди. Уларнинг асосий мақсади битта—мустақилликка эришиш эди. Лекин, мустақилликка эришиш йўллари, усуслари келажакда ташкил этиладиган давлат орғанлари ва бошқа масалалар бўйича улар уртасида маълум фарқлар ҳам мавжуд эди. Бу биринчидан бўлса, иккинчидан, бу учта минтақада мустақиллик учун кураш жараёни бир хилда кечмади.

Февраль инқилобидан сўнг Туркистондаги турли ижтимоий-сиёсий кучлар ва оқимларнинг мустақиллик учун иштилиши кескин, очиқдан-очиқ сиёсий тус олади. Февраль инқилобидан сўнг Туркистонда мустақиллик учун курашда асосан руҳонийлардан ташкил топган «Шурон-Уламо» ва жадидлардан «Шурои-Исломия» ташкилотлари алоҳида фаоллик кўрсатдилар. Уларнинг дастурий ҳужжатларида Туркистоннинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва диний соҳалардаги мустақиллиги масаласи биринчи ўринга қўйилди. Жумладан, 1917 йилнинг апрель ойида «Шурои-Исломия»нинг ташаббуси билан утказилган умуммусулмонлар қурултойида Россия Демократик Республикаси таркибига кирувчи Туркистон муҳториятини ташкил қилиш ғояси илгари суррилди. Шу йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган умуммусулмонлар қурултойида қабул қилинган. «Туркистон ўлкасининг келажак сиёсий тузилиши» ҳақидаги резолюцияда Россия республикаси таркибига кирувчи, вилоятларда барча халқларнинг миллий-маданий ўз-ўзини бошқариш принципига асосланадиган Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Каспийортӣ вилоятлари иттифоқидан иборат «Туркистон федератив республикаси» номи билан аталадиган миллий-ҳудудий муҳторият ташкил қилиш кўрсатилган эди.

«Резолюция»да күрсатылышыча, Россия республикаси уруш вақтида ташқи четараларини қуриқлаш, жиңиоят ва фуқаролик судлари, маърифий-маданий мұассасаларни (Россия фуқаролари учун) бошқариш, Туркистан үз тасарруфига олиш имкониятiga эга бўлгунга қадар почта, телеграф, темир йўлни бошқариш, чет давлатлар билан Россия ўртасида сиёсий алоқалар ўрнатиш, Россия мудофаасини ташкил қилиш билан шуғулланиши кўзда тутилган. Бошқа барча масалалар буйича Туркистан мустақил бўлиб ўзининг ваколати доирасида қонунлар чиқариш, давлат тузилмаларини, милициясини, тинчлик вақтида федерация чегараларини қуриқлаш учун армиясини, хорижий мамлакатлар ва Россия республикаси чегараларида божхонасини, хазинаси ва давлат банкини ташкил қилиш, танга пул ва қарз билетлари чиқариш ҳуқуқларига эга бўлиши лозим эди.

Туркистан жадидлари мустақиллик учун кураш жараёнида иқтисодий мустақилликка эришиш масаласига алоҳида эътиборни қаратган эдилар. Улар иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб сиёсий, ҳуқуқ, маданият ва дин соҳаларида мустақиллик мумкин эмаслигини тушиниб етган эдилар. Туркистан жадидларининг дастурий ҳужжатларида, мақолаларида, нутқларида мамлакатда тинчлик ва осойишталикни саклаш, турли халқлар, элатлар, ижтимоий табақалар, сиёсий кучлар ўртасидаги келишмовчиликларга, қарама-қаршиликларга барҳам берниб, уларнинг ягона мақсад-мустақиллик учун кураш йулида бирлашишини, демократик сиёсий-ҳуқуқий институтларни, ҳуқуқ ва эркинликларни ривожлантиришни, барча миллатлар ва халқларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашни, уларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этиши учун шарт-шароит яратиб беришни мустақилликка эришишнинг муҳим шартлари эканлиги ҳақидаги ғояларни илгари сурадилар.

Туркистан жадидлари мазкур даврда ўзларининг барча орзу-умидларининг амалга ошишини Туркистан ўлкаси ва Россия таъсис мажлислари билан боғлаган эдилар. Лекин тарихий ва сиёсий воқеаларнинг бошқача тус олиши бунга имкон бермади. Октябрь инқилобининг ғалабаси уларни үз тактикаларини бир оз ўзгартиришга мажбур қилди.

1917 йил Февраль инқилобидан то Октябрь инқилобигача бўлган даврда Туркистонда мустақиллик учун кураш йўлида фаоллик курсатган иккинчи ижтимоий-сиёсий оқим — бу «Шўрои-Уламо»га бирлашган руҳонийлар ва феодаллар вакиллари эди. Февраль инқилобидан сўнг руҳонийлар ва феодаллар вакиллари маълум вақтгача жадидлар билан «Шўрои-Исломия» ташкилотида ҳамкорлик қилдилар. 1917 йилнинг июнь ойида «Шўрои-Исломия»да юз берган бўлинеш туфайли руҳонийлар ва феодаллар вакилларини бирлаштирувчи «Шўрои-Уламо» жамияти ташкил топди. Шўрои-Уламочилар шўрои-исломчилардан фарқли ўлароқ, 1917 йилнинг сентябрь ойида «Шўрон-Уламо» жамияти ташаббуси билан ўтказилган мусулмонлар қурултойида Россия федератив Демократик республикаси таркибида Туркистон ўлкаси маҳаллий ва миллий муҳториятини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Қарорда ички ишлар соҳасида Туркистоннинг тўла мустақил бўлиши, ўзининг миллий қўшинини ва милициясини ташкил қилиши, ер-сув масалаларини ўзи мустақил ҳолда таъсис мажлисида кўриб ҳал қилиши, ер ва сувни умумийлаштирмаслик, диний ва дунёвий ишларни бирбиридан ажратмаслик, масжид, мадраса, ер, сув, суд билан боғлиқ ишларни шариат қонунларига мувофиқ ҳал қилиш, шариат қонунларини **ўзгаришсиз сақлаб** қолиш, хотин-қизларнинг эркаклар билан ҳуқуқларини тенглаштирмаслик ва бошқалар курсатилган эди. Бу ерда шуни қайд қилиш жоиздирки, «Шўрои-Уламо» вакиллари мустақиллик тарафдори бўлсаларда, хотин-қизлар, шариат масалаларида қарашлари жадидларга нисбатан чекланган, ҳатто реакцион эди.

1917 йилнинг сентябрь—октябрь ойларида Туркистонда бутун ҳокимиятни Советлар қўлига олиш учун большевиклар қизғин тайёргарликни бошлаб юбордилар. Бунга жавобан ўлка мусулмонлари ҳам ҳокимият учун курашни янада кучайтириди. Уларнинг ўлкада ҳокимиятни ташкил қилиш ҳақидаги foялари 1917 йил сентябрнинг охирида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг III ўлка қурултойи қарорида ўз аксини топган эди. Қарорда шундай дейилади: «Туркистон ўлкасининг 98 фоиз нуфузини ташкил этувчи 10 миллион мусулмон Рус инқилоби (1917 йил Февраль инқилоби — Ж.Т.) эълон қилган Ҳуррият, Тенглик, Биродарлик асосларида миллий маданий муҳторият ҳуқуқига мутлоқ равиша; Маҳаллий ҳокимият биринчи навбатда мусулмон

вакилларидан ҳамда маълум миқдорда ўзга сиёсий ташкилотлар вакилларидан ташкил топиб таъсис этилуви лозим. Ҳокимиятнинг тасодифий ва ерли аҳоли манфатларига ёт бўлган кичик гуруҳлардан тузилган ишчи, аскар ва деҳқон ташкилотларининг қўлида жамлануви халқчиллик асосларига зиддир ва маҳаллий мусулмон ҳалқига одил ҳаёт тузумини таъминлаб беруви амри маҳолдир» (Туркестанский вестник. 1917 йил 25 ноябрь).

Қурултой қарорида «1) Тошкент шаҳрида ўлка фуқароларини бошқарувчи 12 кишидан иборат Туркистон ўлка қўмитасини таъсис этиш: булардан 3 нафари ишчи, аскар ва деҳқон шўролари қурултойидан, 3 нафари шаҳар ва ижроқўм идораларидан, 6 нафари мусулмон қурултойидан.

Мазкур қўмита зиммасига, то Таъсис Мажлиси (Учр. Собрание). Туркистонда маҳсус идора йўлини ўрнатгунча, Русия жумҳуриятининг Муваққат Ҳукуматига кенг ваколатга эга Қўмита рўйхатини тасдиқ учун йўллаш ва ҳокимиятни қулга олиш юкланди.

2) Тошкентда 24 кишидан иборат Туркистон ўлка кенгашини таъсис этув: бунга 5 аъзо ишчи, аскар ва деҳқонлар қурултойидан, 5 аъзо шаҳар идоралари қурултойидан, 14 аъзо ўлка мусулмон қурултойидан киритилсин», — деб кўрсатилган эди (*ўша жойда*).

Юқорида келтирилган жумлалардан шундай хуласа келиб чиқадики, мусулмонларнинг биринчидан, ҳеч бир халқнинг, миллатнинг манфаатига тажовуз ёки қарши бирор ҳаракат қилиш ёҳуд ҳуқуқларини чеклаш нияти бўлмаган. Уларнинг мақсади битга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи асосида ўзларининг мустақил давлатини ташкил қилиш. Иккинчидан, мусулмонлар ўша даврдаги Туркистон ўлкасининг воқеалигидан келиб чиқиб, бу ердаги ижтимоий-сиёсий кучлар нисбатини, аҳолининг миллий, этник таркибини ҳисобга олиб каолицион ҳокимиятни ташкил этиш тарафдори. Умуман олганда мусулмонларнинг талаблари қонуний, тўғри бўлиб, демократик ва байнамилал руҳдаги талаблар эди.

1917 йилнинг 1(14) нояброда асосан рус ишчилари ва солдатлари томонидан амалга оширилган давлат тўнтариши натижасида ҳокимият большевиклар раҳбарлигидаги солдат ва ишчи депутатлари Совети қўлига ўтиши ўлгадаги ижтимоий-сиёсий кучларнинг янада фаоллашишига катта таъсир кўрсатди. Янги ҳокимият

халққа тинчлик, тенглик, озодлик миллатларга үз тақдирини үзи белгилаш ҳуқуқини, ер бериш ҳақыда вәйдалар берди. Лекин амалда эса дастлабки кунлардан эътиборан у чор ҳукуматининг Туркистонда олиб борган мустамлакачилик, шовинистик, зуровонлик, маҳаллий халқларни ҳокимиятга яқинлаштирумаслик, уларнинг миллий ва диний эътиқодларини, урф-одатларини, ўлканинг үзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаслик сиёсатини социализм учун кураш ниқоби остида давом эттиражаги аён бўлди.

Бу Туркистоннинг маҳаллий аҳолисининг кескин норозилигига сабаб бўлди. Жойларда норозилик митинглари, намойишлари ва йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда янги ҳокимиятни тан олмаслик ва унинг тадбирний чораларини қўллаб-қувватламаслик ҳақида қарорлар қабул қилинді, янги ҳокимиятни асл моҳияти фош қилинди.

1917 йил 15—22 ноябрда бўлиб ўтган ишчи ва солдат депутатлари Советларининг III Қурултойи 7 большевик ва максималистлар, 8 сўл Эсерлар вакилларидан иборат ҳукуматни — Туркистон Халқ Комиссарлар Советини сайлади. Унинг раиси этиб мусулмонларни ҳокимиятга жалб қилишга Қурултойда биринчилардан бўлиб қарши чиққан И. Ф. Колесов сайланди. Ҳукумат таркибиға биронта ҳам маҳаллий халқлар вакилларидан киритилмади. Бунинг сабаби Қурултой қарорининг 5-бандида қуидагича изоҳланган эди: «Халқ Комиссарлари таркибиға, агарда Ўлка мусулмон пролетар Қурултойи ташкил топса, унинг вакиллари кириши мумкин. Ҳозирча эса Туркистон Жумҳуриятининг биринчи ҳукумати большевик-максималист ва сўл эсерлардан ташкил топади». Давлат органларини ташкил қилишда ўлканинг миллий, тарихий, диний, этник, иқтисодий, ижтимоий, маданий шарт-шароитлари ҳисобга олинмасдан марказий Россияга тақлид қилиниб иш олиб борилди. Қурултойда бир қатор нотиқлар томонидан Туркистонга автономия (мухторият) мақомини бериш ҳақидаги масала кутарилган булишига қарамасдан бу масала ҳам очиқ қолдирилди.

Бу албатта, табиий, туркистонликларнинг Совет ҳокимияти ва унинг **раҳбарлари большевикларга** нисбатан норозилигининг кескин тус олишига сабаб бўлди.

Миллатларнинг үз тақдирини үзи белгилаш ҳуқуқини Советлар орқали амалга ошириш мумкин эмаслиги-

га ишонч ҳосил қилган Туркистон ўлкаси туб аҳолиси-  
нинг вакиллари 1917 йил 26 ноябрь куни Қўқонда ўлка  
IV умуммусулмонлар фавқулодда Қурултойига тўплан-  
дилар. 27 ноябрь куни кеч соат 18.00 да Қурултой Тур-  
кистон мухториятини ташкил қилиш ҳақида қарор қа-  
бул қилди. Қурултой 28 ноябрь куни 54 нафар аъзо  
(36 нафари мусулмонлар ва 18 нафари ғайримусулмон-  
лар) дан иборат Муваққат Халқ Шўроси ташкил қи-  
лишга қарор қилди.

Қурултой қарорига биноан Муваққат Халқ Шўроси  
12 аъзодан иборат Туркистон Муваққат Ҳукуматини  
тайинлади. Ҳукумат турли масалалар юзасидан бир қа-  
тор қарорлар чиқарди, лойиҳалар ишлаб чиқиб уларни  
матбуотда эълон қилди. Лойиҳалар орасида энг диқ-  
қатга сазовор бўлгани «Туркистон Таъсис мажлисига  
сайловлар Низоми» лойиҳасида кўрсатилишича Туркис-  
тон Таъсис мажлиси Самарқанд, Закаспий, Фарғона ва  
Сирдарё вилоятларининг вакилларидан ташкил топиб,  
вакиллар умумий, тенг, тўғри ва ёпиқ овоз бериш йўли  
 билан, сайлов кунига 20 ёшга тўлган фуқаролар томо-  
нидан сайланади. Сайлов мусулмонлар учун уездлар  
да, ғайримусулмонлар учун вилоятларда ташкил эти-  
ладиган округлар бўйича ўtkaziladi. Вакилларнинг  
умумий сони 234 киши бўлиб шундан 156 киши мусул-  
монлардан, 78 киши ғайримусулмонлардан сайланishi  
кузда тутилган эди.

Туркистон Таъсис Мажлисига қизғин тайёргарлик  
кетаётган бир вақтда, 1918 йилнинг 19 январида Ўлка  
ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг IV  
қурултойи иш бошлади. Шу муносабат билан Туркистон  
Мухторияти Муваққат ҳукумати қуролтой номига те-  
леграмма юбориб, 20 марта Туркистон Таъсис Маж-  
лисини чақириш мўлжалланаётгани, вакиллик ўринла-  
рининг учдан бир қисми ғайримусулмонлар учун  
ажратилганлигини, кам сонли миллатлар ҳуқуқлари  
таъминланишини, ўлкада демократик принципларни  
ҳаётга татбиқ қилиш учун барча чоралар кўрилажагини  
билдириди. Бунга жавобан 1918 йил 23 январь куни Тур-  
кистон Советларининг IV Ўлка қурултойи Қўқон Мух-  
ториятининг Муваққат Ҳукумати ва унинг аъзоларини  
Қонундан ташқари деб эълон қилди, совет мухторият-  
чилиги асосларини амалга ошириш учун барча чоралар  
кўриш ҳақида қарор қабул қилди. Қурултой қарори  
асосида 1918 йил 14 февралда Туркистон Халқ Комис-

сарлари Совети Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон қилди. 1918 йилнинг 18—19 февраль кунлари Қизил Армия қўшинлари Кўқон мухториятини ағдариб ташлади.

Шундай қилиб 50 йилдан ортиқ мустамлакачилик зулмига қарши мустақиллик учун курашнинг натижаси сифатида Туркистон халқарининг хоҳиш иродасига биноан биринчи бор демократик ва байнамиладчиллик принциплари асосида ташкил этилган, ўлкадаги барча халқлар манфаатлари, ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Туркистон мухторияти большевиклар ҳукумати томонидан ағдариб ташланди, мухторият тарафдорлари ваҳшийларча қирғин қилинди.

Биз яқин вақтларгача тарихий ҳақиқатни сохталашиб Туркистоннинг туб аҳолиси Советлар ҳокимиятини қўллаб-қувватлади, Туркистон мухториятини эса қўллаб-қувватламади, уни қоралади деб келдик. Аслида эса аксинча бўлган эди. Ўша даврдаги матбуот саҳифаларини, архив материалларини варақлаш шундан далолат берадики, нафақат Туркистоннинг туб аҳолисининг купчилиги, ҳатто овруполикларнинг маълум бир кисми Туркистон мухториятини қўллаб-қувватлаган.

Шунга қарамасдан большевиклар кўпчиликнинг хоҳиш истагига зид ҳолда иш тутдилар. Ўзларининг социалистик гояларини иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва мафкуравий заминга эга бўлмаган Туркистонда жорий қилиш мақсадида қурол кучи ёрдамида бутун ўлкада Совет ҳокимиятини ўрнатишга киришдилар. Уларнинг Туркистонда олиб борган мустамлакачилик, шовинистик, маҳаллий халқларнинг миллий диний қадриятлари, урф-одатлари, ҳис-туйғулари билан ҳисоблашмаслик, талончилик, зўровонлик сиёсати маҳаллий халқларнинг кескин қаршилигига учради. Натижада 16 йил давом этган тарихга босмачилик номи билан кирган, аслида миллий-озодлик кураши бўлган ҳаракат бошланди.

Россия ва Туркистонда юз берган сиёсий воқеалар, айниқса 1917 йил Февраль ва Октябрь инқилоблари Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Уларнинг таъсири остида бу давлатлардаги сиёсий ва гоявий кураш янада кескинлашди, турли ижтимоий-сиёсий оқимлар вакилларининг ҳаракати янада фаоллашди.

1917 йил Февраль инқилобидан сўнг Хива ва Бухоро жадидлари сафларида юз берган бўлиниш натижасида ёш хиваликлар ва бухороликлар фирмаси ташкил топди. Бу фирмаларнинг асосий мақсади ўз мамлакатларида келажакда демократик принципларга асосланган мустақил давлатни ташкил қилиш эди. Бу ғоя уларниңг хон ва амирниң чекланмаган ҳокимиятига қарши кураши билан чамбарчас боғлиқ эди.

Бу жараён Хива ва Бухорода айнан бир хилда кечмади. Февраль инқилобидан сўнг ёш хиваликлар Хивадаги Россия Армиясининг солдатлари гарнizonи билан алоқа ўрнатишга, инқилобий кайфиятдаги ҳарбийлар ёрдамида ўз мақсадларига эришишга ҳаракат қиласидилар. Ёш хиваликлар солдатларнинг қўллаб-қувватлаши билан ўзларининг сиёсий талаблари баён қилинган «манифест» лойиҳасини хон томонидан имзоланиши ва эълон қилиншига эришдилар. Унда мамлакатда бошқарувнинг парламентли (Идораи машваратия) шаклини жорий қилиш, умумхалқ сайлови йўли билан давлат ҳокимиятининг олий органи - бўлган Мажлис (парламент)ни ташкил қилиш, халқни марказий ва маҳаллий ҳокимиятнинг манбай сифатида тан олиш, мамлакатни ҳалқнинг хоҳишига биноан ва щариат асосида бошқариш, халққа жабр-зуум ўтказган вазирлар ва бошқа амалдорларни мансабидан четлатиши ҳамда уларни жавобгарликка тортиш, барчанинг қонун олдида тенглигини ўрнатиш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикини таъминлаш ҳақидаги ғоялар илгари сурилган эди. Лекин мамлакатда 1917 йилнинг июнь ойида реакцион кучлар ғалабаси туфайли ёш хиваликлар ўз мақсадларига тўлигича эриша олмадилар. Хива хонлигига ёш хиваликларга нисбатан таъқибнинг кучайиши уларнинг асосий кучларини Туркистон ҳудудига қочиб ўтишга мажбур қиласи.

Бу ерда ёш хиваликларнинг сиёсий талаблари кескин инқилобий тус олади. Улар қуролли қўзғолон йўли билан хон ҳокимиятини ағлариб ташлаш ва унинг ўрнига меҳнаткашларнинг манбаатларини ҳимоя қилувчи мустақил Хоразм Ҳалқ Совет республикасини ташкил қилиш ғоясини илгари сурадилар. Ёш хиваликлар 1920 йилнинг 2 февраль куни Қизил Армия қўшинлари ёрдамида хон ҳокимиятини ағлариб ташлашга эришдилар, Хоразмда Ҳалқ Совет республикаси ўрнатилади. Ёш хи-

валиклар 1920 йил апрель ойида ташкил этилган Хоразм коммунистик партияси таркибиға киради.

Бухоро амирлигиде мустақиллик учун кураш Хивадагидан кўра бироз бошқачароқ тус олди. Февраль инқилобидан кейин ёш бухороликлар амирнинг чекланмаган ҳокимиятига қарши ошкора чиқа бошладилар. Улар амир ва беклар қошида ваколатли орган барпо этиш; маъмурӣ бошқарувни яхшилаш ва унинг устидан халқ назоратини ўрнатиш; шариатда кўзда тутилмаган солиқларни бекор қилиш; халққа мактаб ва матбуот эркинлигини бериш; ғоят мутаассиб ва реакцион бўлган баъзи амалдорларни ишдан олиш каби талаблар билан чиқдилар.

1917 йил Февраль инқилобидан кейин тузилган Рус Муваққат ҳукумати Бухоро амирлигига нисбатан иккитеёқлама сиёсат олиб борди: бир томондан Бухорони Россиянинг вассали сифатида сақлаб қолиш мақсадида амир ҳукуматини қуллаб-қувватлаган булса, иккинчи томонидан, ислоҳот утказиш зарурлигига шაъма қилди, бунга амир розилик берди. Россия Сиёсий агентлиги ходимлари иштирокида тузиб чиқилган Бухорода ислоҳотлар утказиш тӯғрисидаги Баённома 1917 йилнинг 7 апрелида эълон қилинди. Унда адолатга асосланниб суд ишларини олиб бориш, саноатни, савдони, фани ривожлантириш, мансабдор шахслар фаолияти, давлат бюджети, даромад ва харажат устидан назорат ўрнатиш. ўз-ўзини бошқариш органларини барпо этиш ва бошқалар кўзда тутилган эди.

Шу муносабат билан ёш бухороликлар 1917 йилнинг 9 апрелида Баённомани маъқуллаб намойиш ўюнтириб, амир саройи томон йўл олдилар. Реакцион кучлар намойиш ташкилотчиларини бир бошдан қиришга киришдилар. Ёш бухороликларнинг қирғиндан омон қолгандарни янги Бухорога кўчишга мажбур бўлдилар, бу ерга амир ҳукмрон эмас эди.

Октябрь инқилоби таъсирида амирликдаги туряи ижтимоий-сиёсий кучларнинг фаолияти жонланди. 1918 йил январининг охирида ёш бухороликлар фирмасининг Абдурауф Фитрат (1886—1937) томонидан ишлаб чиқилган «Ёш бухороликлар Комитетининг Бухорода ўтказадиган ислоҳоти лойиҳаси» эълон қилинди. «Лойиҳа»да Бухорода ҳуқуқий давлатчиликни жорий этиш, истибододга асосланган бошқарув шаклини Оврупа наъмунасидаги маърифатли монархия билан алмаштириш;

мөхнаткаш халқ оммасининг фаровонлиги ва маданиятни ошириш, Бухоронинг давлат мустақилликини төммилаш мақсадида мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ҳарбий мавқенини мустаҳкамлашғояси илгари сурилган эди.

1918 йил март ойида Ф. Хўжаев (1896—1938) бошлигинда ёш бухороликларнинг «Лойиҳа»да илгари суғилган ғояларни амалга ошириш мақсадида Совет Туркистонининг мададига суюниб, Бухорода ҳокимиятни ўз қулларига олишга уриниши муваффакиятсизлик билан тугади. Шундан сўнг амир реакцияси кучайиши түфайли ёш бухороликлар Совет Туркистонига қочиб утишга мажбур булишди. Ёш бухоролик — инқилобчиларнинг Бухоро халқи орасида кенг тарқалган мақолалари, рисолалари, фирманинг дастурий ҳужжатларининг боси ғояси Бухорода амир ҳокимиятини қуролли йўл билан ағдариб ташлаш ва демократик принципларга еосланган мустақил Халқ республикасини ўрнатиш эди. Шу мақсад йўлида ёш бухоролик — инқилобчилар 1920 йилининг августида Бухоро коммунистик фирмаси билан ҳамкорликда Қизил Армия қўшинлари мададига ташланган ҳолда амир ҳокимиятини ағдариб ташлашга қарор қилди. 1920 йилнинг 2 сентябрда амир ҳукумати ағдариб ташланди. Бухоро Халқ Совет республикаси ёзлон қилинди. 9 сентябрда Марказий бюро ёш бухоролик — инқилобчилар фирмасини ўз вазифасини бажариб бўлган ташкилот сифатида тарқатиб юборилганлигини ёзлон қилди. Фирқа аъзолари эса умумий асосда Бухоро коммунистик фирмаси сафларига кирдилар.

Туркистон мухторияти ҳукумати Қизил Армия қўшилари томонидан ағдариб ташлангандан сўнг бутун Туркистонда қурол кучи билан Совет ҳокимиятининг урнатилиши, бутун ҳокимиятнинг большевиклар қўлига утиши, Бухоро ва Хоразмда Халқ Совет республикасининг ўрнатилиши, бу республикаларда коммунистларнинг бутун раҳбарликни ўз қўлларига олиши. Хоразм ва Бухоро коммунистик фирмасининг 1920 йилда Коммунистик Интернационал, 1922 йил ёзида РКП(б) таркибиға кириши ҳозирги Узбекистон ҳудудида янги тузум — социализм учун кураш шиори остида мустамлакачиликнинг коммунистик шакли ўрнатилишига замин яратди.

Ўрта Осиё мөхнаткашларига озодлик, тенглик, тинчлик, фаровонлик, ер-сув, ўз тақдирини ўзи белгилаш

ҳуқуқини беришни ваъда қилган большевиклар фирмаси бу ерда Чор Россиясининг мустамлакачилик, талончилик, зўравонлик, шовинистик сиёсатини жуда ҳам усталик билан янгича усувлар ёрдамида амалга оширади. Бу оқибат-натижада маҳаллий халқларнинг янги тузумга, большевиклар партияси ва Совет ҳокимиятига қарши норозилигини келтириб чиқарди. Бу норозиликнинг кучайиши мустақиллик учун курашни янада кескинлаштиргди.

Туркистон, Хоразм ва Бухорода мустақиллик учун кураш турли йўналишларда ва жабҳаларда олиб борилди. Булардан биринчisi — бу Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан эътиборан, унинг асл моҳияти ва мақсадини англаб етган маҳаллий зиёлиларнинг бир қисми томонидан олиб борилган мустақиллик учун, асосан, ғоявий шаклдаги кураш эди. Мустақиллик учун кураш тарафдорлари бўлган зиёлиларнинг йўлбошлилари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурашидхон Мунаввар қори, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқалар дастлабки даврларда ўзларнинг мақолаларида ва нутқларида Туркистонда бутун ҳокимиятнинг большевиклар раҳбарлигидаги ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари қўлига ўтишини очиқдан-очиқ қоралайдилар, большевиклар олиб бораётган сиёсатга қарши норозилик йиғилишлари ва митинглари ўtkазишда, уларнинг қарорлари лойиҳасини ишлаб чиқишда фаоллик курсатадлар.

Туркистон мустақиллиги тарафдори бўлган зиёлилар Туркистон мухториятини ташкил қилишда, уни тарғиб ва ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатдилар. Мухторият ҳукуматининг мақсад ва вазифалари, чиқарилган ҳуқуқий хужжатларнинг моҳияти ва мазмуни ҳақида, Туркистон таъсис мажлиси, унда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар туғрисида мусулмонлар орасида тушнигириш ишларини олиб бордилар.

1918 йил февралида Туркистон мухторияти ағдариб ташлангандан сўнг мустақиллик тарафдорлари таъқиб остига олинди, уларнинг рўзномалари ва ойномалари, ошкора ташкилотлари ёпиб қўйилади. Бу чора-тадбирлар мустақиллик учун курашциларни ийллан кайта-

Узбекистон ҳудудида мустақиллик учун курашни ўз турининг асосий ғояси сифатида эълон қилган ташкилотдан бирі — «Миллий Иттиҳод» ташкилотидир. Бұған килотнинг Марказий Құмитаси 1920 йылнинг сенінде ойнда Тошкентта муфти Садриддинхұжа Шарифхұжаев бошчилегида тузилған. Кейинчалик Үрта Осемнәнг үйрік шаҳарларда унинг бүлімлари ташкил этилиб, яшириң иш олиб борған. Ташкилотнинг Марказий Құмитаси ўз жойини тез-тез ўзгартырып тұтады. «Миллий Иттиҳод» ўз олдига бутун Үрта Осіёда бөльшевиклар раҳбарлығида амалға оширилаётган Союз мустамлакачылық сиёсатига чек қўйиш, Туркистан АССР, Қыргызстан АССР, Хоразм ва Бухоро Халқ Союз республикаларини Россиядан ажратып, Үрта Осіё республикаларини бирлаштырувчи мустақил иттифоқ тараптатын ташкил қилиш эди.

Үрта Осіёда 1924 йылнинг бошида миллий давлат тараланишини үтказып ва мустақил республикалар ташкил этиш учун бошлап іб кетген ҳаракат туфайли «Миллий Иттиҳод» ва бошқа ташкилоттар фаолияти йүзиншеңде бир оз ўзгариш юз берди. Уларнинг аязолары мустақил республикаларнинг ташкил этилиши ҳақиқий социалистикка, мустақилликка олиб келади деган ишонч болған миллий давлат чегараланиши билан боғлиқ булған ишда фаоллик күрсатдилар.

Тарихга «босмачилик» номи билан кирған, аслида ол миллий-озодлик ҳаракати бұлған бу ҳаракат мустақиллик учун кураш тарихида алоҳида из қолдирди. Гайта қуриш, ошкоралық, демократия учун кураш номи билан тарихга кирған қайта кураш даврига келип «босмачилик» ҳаракатига аниқлик киритилиб, бу ҳаракатни холисона ёритишига бағищланған бир қатор рисолалар, міқолалар эълон қилинди ва килинмоқда. Лекин шу көптеген алоҳида бу ҳаракатнинг сиёсий-ҳуқуқий ғоялари маҳсус үрганилмаган. Бу мураккаб муаммә маҳсус тадқиқотын талаб қиласы. Биз «босмачилик» ҳаракатининг сиёсий-ҳуқуқий талаблари ва ғояларини фақат мустақиллик учун кураш нүктәи назариданғина баҳоли құдарат ёритишига интиламиз.

Шуны алоҳида таъқидлаш лозимки, Туркистан, Бухоро ва Ҳоразмнаның миллий-озодлик хөрваттарының

ва саноатчилар, руҳонийлар, собиқ чор зобитлари, доқонлар, зиёлилар, косибларнинг; узбеклар, тожиклар қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, руслар ва бошида миллатларнинг вакиллари бор эди. Шунингдек бу ҳаракат иштирокчиларининг келажакда ташкил этилини лозим бўлган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тузум, сиесий-хуқуқий институтлар, миллий маданият, маориф фан, миллатлараро муносаbatлар ҳақидаги қарамалари да ҳам маълум, айрим масалалар юзасидан, ҳатто, кескин қарама-қаршиликлар бор эди. Шунга қарамасдан уларни бирластирувчи ғоя миллий мустақиллик гоясин эди.

«Босмачилар» сафларида фақат соғ виждонли, мустақилликка эришишни ўзларининг асосий мақсади қилиб қўйган кишилар йигилган эди дейиш ҳақиқатга тўғри келмайди, албатта. Уларнинг орасида ўғрилар, қароқчилар, талончилар, миллатчилар, ўз манфаатлари ни халқ манфаатидан устун қўйганлар ҳам бўлган. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай кишилар миллий-озодлик ҳаракатининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлмаган, бу биринчидан; иккинчидан, улар миллий-озодлик ҳаракатининг асосий сиёсий-хуқуқий талаблари ва ғояларини шакллантиришда ҳал қиувучи ролни ўйнамаганлар.

Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг сиёсий-хуқуқий талаблари ва ғояларида, асосан, маҳаллий халқларнинг соғлом кучлари бўлган мустақиллик тарафдорларининг хоҳиш истаги ўз аксини топган эди. Уларнинг асосий мақсади ўлкада үрнатилган большевиклар ҳукмронлигига барҳам бериш, ғайри демократик ҳукуматни ағдариб ташлаш ва унинг үрнига демократик қоидаларга асосланган ҳокимиятни үрнатиш эди. Бу ҳақда Фарғонадаги Ислом қўшинларининг қўмандони Мұҳаммад Аҳмадбек ўғли (1892—1920) — Мадаминбек шундай деб ёзган эди: «Менинг мақсадим, болшовойларни ҳокимиятдан ағдариш ва ҳокимиятни умумий, тенг, яширин ва тўғри овоз бериш йўли билан сайланган, халқнинг ҳақиқий вакиллари қўлига бериш». (Александров П. Крестьянское восстание в Фергане. Ташкент, 1927. С. 67.)

Шуни алоҳида кайд кишини лозимки, миллий-озодлик

Бориши йўли билан ҳал қилиш тарафдори бўлганар. Бунга миллий-озодлик ҳаракати раҳбарларининг хукумати раҳбарларига, ҳарбий бошликларига бўлганни мактублари ёрқин далил була олади. Жумлабон, Мадаминбек Фарғона Фронти қушинлари қўмондонди М. В. Сафонов (1878—1939) га 1919 йилнинг 11 марта бўлган мактубида шундай деб ёзган эди: «Агар Сиз ҳақиқатан ҳам ҳалқни ўйласангиз ва унга қайшимоқчи булсангиз, унда ҳузуримга келинг ва боз Сиз ҳозирги ва келажақдаги ишларни муҳокама диленини. Яна қайтараман, мендан чўчиманг, чунки большевиклар айтганидек, мен қароқчи эмасман, мен қўимда эса юбораётган вакилим маълумот бериши мумкин. Менинг сўзим муқаддас ва мен уни бузмайман. Сиз билан учрашишга, яхши натижалар топишими замони қоламан». 1921 йилнинг август ойида Туркистон фронти I-чи Армия қўмондони Зиновьев билан Мадаминбек ўлдирилгандан сўнг Фарғонадаги Ислом қушин-майдони лавозимини эгаллаган Шермуҳаммадбек (Сурнермат) ўртасида Ёзёвон қишлоғида музокаралар олиб борилади. Музокаралар давомида Шермуҳаммадбек қўйидаги талабларни қуяди: Фарғонада тинчлик ўрнатиш, ҳаробага айланган қишлоқларни, ҳалқ хўжалигини тиклаш, савдога йўл қўйиш, фуқароларга эркин кўниб юриш ҳукуқини бериш, мулкларни мусодара қўшишни таъкилаш, судлов ишларини шариат асосида амалга оширишни жорий қилиш, вақф ерларини эгалига қайтариб бериш.

Зиновьев билан Шермуҳаммадбек ўртасида олиб борилган музокаралар натижасиз тугайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, музокарада Шермуҳаммадбек «Туркестонга дахлдор барча ишларда ҳуқуқли мухторият берилиши сулҳнинг биринчи шартидир» деган масалани ўртага қўйган эди. Бу ерда гап Туркестоннинг тула мустақиллиги, ҳокимиятнинг аҳолининг мутлоқ купчилигини ташкил қилувчи мусулмонлар қулига ўтиши ёкида сўз бораётган эди. Бундай шартга Шуролар ҳеч кашон рози бўлмаслиги уз-узидан тушинарли.

1922 йилнинг 15—20 апрелида Самарқанд шаҳрида ёкида ўтган Туркестон мусулмонларининг II Қурултойи Мустақил Туркестон Республикасини ташкил ки-

куматига иккى ой ичида Туркистондан Қизил Армия қўшинларини ва давлат органларида ишлаётган болашвик хизматчиларни олиб чиқиб кетиш хақидаги талабномани топширди. Унда, агар Совет ҳукумати Туркистон Муваққат ҳукуматининг талабларини бажарса Москва билан тенг ҳуқуқли асосда дипломатик алоқалар ўрнатишга тайёр эканлиги, акс ҳолда тұла озодликка эришилгугача Россия билан Туркистон уртасыда урушнинг давом этиши, тукилған қонлар учун Россия жавоб беринші курсатилған эди. Талабномада, шунингдек, Совет ҳукумати Туркистон Муваққат Ҳукуматининг шартларини бажарса туркистонликларнинг рус халқи билан тинч-тотув, яхши қўшничилик асосларida алоқалар ўрнатишга тайёр эканлиги, рус халқининг Туркистон мустақиллигини тан олишга мойниллиги, агар Совет ҳукумати халқ ҳоҳишига зид иш тутса урушнинг яна чўзилиб кетиши, лекин озодлик ва тенгҳуқуқлиликнинг бүгун бўлмаса эртага, албатта, ғалаба қозониши қайд қилинган эди.

Туркистон республикасининг Муваққат Ҳукумати талабномасига жавобан Совет ҳукумати миллий-озодлик ҳаракатига қарши Қизил Армиянинг асосий кучларини сафарбар этди. 1922 йилнинг кузига келиб Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг асосий кучлари тормор келтирилди.

1920 йилда Хоразм ва Бухорода Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши миллий-озодлик ҳаракатининг янада кучайишига, унинг бутун Ўрта Осиё ҳудудига ёйнишига сабаб бўлди. Миллий-озодлик ҳаракати вакилларининг 1922 йилнинг ёзида бўлиб ўтган кенгашида Бухоро, Хива, Фарғона, Самарқанд ва Қаспий ортини большевиклар ҳукмронлигидан озод қилиш: барча мусулмонларни ислом байроби остида бирлаштириш Эрон, Афғонистон, Белужустон, Бухоро, Хива ва Туркистонни ўз ичига оладиган Ўрта Осиё халифалигини ташкил этиш хақида қарор қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўз олдиларига келажакда демократик принципларга асосланган республика тузумини ўрнатишни мақсад қилиб қўйган Туркистон миллий-озодлик ҳаракати раҳбарларидан фарқли ұларок холла Анвар пошибо Салим пошибо Иб-

рининг чекланганлигини кўрсатади. Лекин бу уларниң мустақиллик йўлида олиб борган курашини баҳолашга асос бўлмаслиги керак. Уларниң борган кураши ўз даври учун ижобий аҳамиятга ободи.

Хоразм ва Бухоро миллий-озодлик ҳаракати раҳбарлари ҳам туркистонликлар каби большевиклар билан ўтари ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билди ҳал қилишга ҳаракат қиласидилар. Уларниң асосий талаби миллатларниң ўз тақдирини ўзи белгилашига кетоғдо эмас амалда эришиш эди. Шу муносабат билан улар большевиклардан Қизил Армия қўшинларини Үрга Осиёдан олиб чиқиб кетишни, шариатнинг амал қишини учун кенг йўл очилишини, ҳокимиятни маҳаллий халқлар қўлига беришни, Туркистон, Бухоро ва Хоразм давлатларининг ички ишларига РКБ(б) Марказий Комитети ва РСФСР давлат органларининг аралашмаслигини талаб қиласиди. Миллий-озодлик ҳаракати раҳбарларниң бу қонуний талабларига жавобан большевиклар думумати уларга қарши Қизил Армия қўшинларини ишга солади. Натижада минглаб гуноҳсиз, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қиласидилар.

Ўрта Осиё халқларининг большевиклар ҳукмронлиги қарши олиб борган миллий-озодлик ҳаракатининг асосий кучлари Туркистонда 1922 йилнинг кузиди, Бухорода 1922 йилнинг ёзида, Хоразмда 1923—1924 йил ёзишида Қизил Армия қўшинлари томонидан тор-мор келтирилди. Миллий-озодлик ҳаракати иштирокчилари нинг кўпчилиги мустақиллик кураши йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар, тирик қолганларининг бир қисми чет мамлакатларга кетишга мажбур бўлдилар, қолганлари эса большевиклар ҳокимиятига бўйсунишга, унинг барча жабр-зулмларига бардош беришга, мустамлакачиликнинг янги усуслари азобини чекишга маҳкум этилдилар.

Туркистон, Хоразм ва Бухорода мустақиллик учун кураш тарихида маҳаллий халқлардан етишиб чиқсан, уша вақтда раҳбарлик лавозимида ишлаган кадрлар ҳам алоҳида из қолдирганлэр. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маҳаллий халқлар орасидан етишиб чиқсан раҳбар ходимлар, умуман олганда, социализм ва ком-

қаторда улар сўзи билан амалий фаолияти түғри келмайдиган, маҳаллий шароит билан ҳисоблашишни хоҳламайдиган шовинистлар, мусулмонларнинг сохта «дустлари»га ўз имкониятлари доирасида қаршилик курсатишга, уларнинг ҳақиқий ниятлари ва мақсадларини фош этишга ҳаракат қилганлар, маҳаллий ҳалқларнинг ўз юртларининг ҳақиқий хужайинига айланishi учун йўл топишига ҳаракат қилганлар. Мана шу мақсадда дастлабки ҳаракат 1920 йилнинг бошларида Туркестонда Т. Рисқулов бошлигидаги бир гуруҳ маҳаллий раҳбар ходимлар томонидан қилинган эди. Бу гуруҳ аъзолари ўз тақдирини ўзи қофозда эмас амалда белгилайдиган мустақил Туркестон Совет республикаси ни ташкил қилиш ғоясини илгари сурган эдилар. Бу ғоя В. И. Ленин ва РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси томонидан кескин қаршилилка учради. Гуруҳ аъзолари масъул лавозимлардан четлатилди. Шунингдек Бухоро ва Хоразм Совет республикаларининг раҳбарларининг ўз республикаларининг тўла мустақиллигига эришиш учун қилган ҳаракатлари ҳам муваффақиятсизлик билан тугади. Уларнинг кўпчилиги ҳокимиятдан четлатилди, ҳатто тегишли жазоланди ҳам. РКП(б) Марказий Комитети ва Совет Ҳукумати 1924 йилга келиб Ўрта Осиёда Коммунистик Мустамлакачиликни янада мустаҳкамлашнинг янги усулини ишга солди. Бу ерда 1920 йилда В. И. Ленин томонидан илгари сурилган Туркестонни миллий республикаларга бўлиб юбориш ҳақидаги ғоя амалга оширилди. Натижада Ўрта Осиёда Ўзбекистон ССР ва унинг таркибида Тоҷикистон АССР, Туркманистон ССР, РСФСР таркибига кирувчи Қорақирғиз (Қирғизистон) Автоном области, Қирғизистон (Қозогистон) АССР таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Автоном области ташкил этилди.

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланишини ўтказни жараённада мустақиллик учун интилиши бир оз жонланди. Жумладан Бухоро ССР ва Хоразм ССРни мустақил давлатлар сифатида сақлаб қолиш, Ўрта Осиё федерациясини ташкил қилиш ҳақидаги ғоялар илгари сурилди. Лекин бу ғоялар қофоздагина қолиб кетди. Кейинчалик мазкур ғояларни кутариб чиққанлар, ёқлаб чикканлар каттик таъкиб остига олинди. миллатчилик-

1925 йилнинг май ойида Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССРнинг ССР таркибига кириши Ўрта Осиёда мустамлакачилик занжирининг янада маҳкамроқ боргланишига замин яратди. Коммунистик партияning Ўрта Осиёни миллий республикаларга бўлиб юборишидан асосий мақсади бу ердаги халқларга ўзларининг миллий давлатини ташкил қилиш имкониятини берниш ниқоби остида минг йиллар давомида бирга яшаб келаётган халқларнинг бирлигига барҳам бериш, уларнинг тарқоқлигидан фойдаланиб мустамлакачилик сиёсатини ҳеч қаршиликсиз давом эгтириш эди. Ўзоқни кўзлаб амалга оширилган бу сиёсий маккорлик туфайли Ўрта Осиё республикалари фақат қоғоздагина мустақил бўлиб, амалда уларнинг мустақиллик ва эркинлигидан асар ҳам қолмади.

Бу сиёсий маккорликнинг асл моҳиятини тушиниб етган миллатпарвар ва ватанпарвар зиёлилар, давлат ва жамоат арбоблари ўз имкониятлари доирасида Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш йўлларини қидириб топишга интилдилар. Бу ҳаракат 20-йилларнинг иккинчи ярми 30-йилларнинг бошларида Коммунистик партия ва совет ҳокимиятининг маҳаллий шарт-шароит, диний ва миллий урф-одатлар, ҳис-туйғулар, маҳаллий халқларнинг турмуш тарзи, кўп асрлик анъаналари билан ҳисоблашмасдан зуравонлик йули билан амалга оширилган ер-сув ислоҳоти, алифбо ислоҳоти, колективлаштириш, коммунистик мағкурани тиқишишириш, ҳинга қарши олиб борилган очиқдан-очиқ кураш сиёсатига пинҳона, айrim ҳолларда ошкора қаршилик кўрсатишда ўз ифодасини топди. Бу даврда Ўзбекистон мустақиллиги йўлида курашни ўзларининг бош мақсади қилиб кўйган «Итти-ҳоди-ислом», «Миллий Иттиҳод», «Миллий истиқлол» каби бир қатор яширин ташкилотлар фаолият курсатганлиги ҳақида маълумотлар бор. Лекин ҳозиргacha бу ташкилотларнинг дастурлари ўта маҳфий ҳужжатлар сифатида жамоатчиликдан сир сақлашиб келинмоқда. Бизга маълум бўлган айrim ҳужжатлардан шу нарса аён буладики, бу ташкилотларнинг аъзолари ССРДа, шу жумладан Ўзбекистонда социализм қуриш учун шарт-шароит йўқ, бундай жамиятни қуриш мумкин эмас, ССР шароитида миллий масалани ҳал

Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиб мустақил давлатга айлантириш эди. 30-йилларда бу ташкилотларнинг фаолиятида у ёки бу даражада иштирок этганларнинг барчаси қатагон қилинди. Бу даврда «давлат хавфсизлиги қумитасининг судъя, прокурор ва алоҳида бўлим бошлиғидан ташкил топган «Учлик» деб аталувчи қотиллик ва адолатсизлик билан тўлиб-тошган гуруҳи томонидан жумҳуриятимизда минглаб бегуноҳлар қамалди, бир неча минг киши ўлим жазосига ҳукм этилди. Қатл жазосини олганлар асосан ўқитувчилар, ёзувчилар, партия, давлат ва хўжалик раҳбарлари, маданият дарғалари — зиёлилар эдилар». (Турсунов И., Узоқов Ҳ. Исёнкор кисмати, Туркистон, 1992 йил 22 апрель).

Ўрта Осиё ҳалқларининг, шу жумладан ўзбек ҳалқининг миллий мустақиллик ҳис-туйғуларини, орзу-умидларини, интилишларини сўндириш мақсадида Коммунистик партия ва Совет давлати қўлидан келган барча чораларни кўрди, турли воситалар ва усусларни ишга солди. Ўрта Осиё ҳалқларида миллий мустақиллик ва давлатчиликка интилиш руҳини синидириш мақсадида уларнинг давлатчилик тарихи атайлаб қора бўёқларда ёритилди, миллий мустақиллик, озодлик учун кураш тарихи эса реакцион, миллатчилик, паниломистик, пантуркистик ҳаракат деб баҳоланди. Ўрта Осиё ҳалқларини минг йиллик тарихидан, бой ва ранг-бараанг маданий, илмий меросидан маҳрум қилиш мақсадида уларнинг ёзуви араб алифбосидан лотин алифбосига, кейинчалик эса кирилл алифбосига ўтказилди. 20—50 йилларда араб алифбосида ё илган диний, фалсафий, тарихий асарлар ёқилди, тарихий ва маданий ёдгорликлар ваҳшнийларча вайрон қилинди, миллий анъаналар ва урф-одатлар турлича йўллар билан таъқиқланди. Бу даврда олиб борилган қатагонлик сиёсати туфайли бошқа республикалардаги каби Ўзбекистонда ҳам «шундай муҳит вужудга келтирилдики, ҳамманинг қўрқувдан тиззаси қалтирайдиган бўлиб қолди, ижодкорлар эса тирик қолиш учун фақат керакли гапни айтадиган, керакли нарсани ёзадиган, керак жойда қўл кўтарадиган, керакли ўринда қарсак чаладиган бўлиб қолди». (Шарафиддинов О. Мустақиллик — улуф неъмат) Гулистон, 2-сон 1991 4-бет).

Коммунистик партия «Ленинча миллий сиёсат тантаси» шиори остида миллий мустақилликка интилишни

таъқиқлаш, бу ҳақда орзу қилишни ҳам рус бўлмаган халқлар онгидан сиқиб чиқариш мақсадида янги-янги найрангларни ва усулларни ишга солди. Фақат қоғоздагина миллий давлатга, миллий байроққа, миллий мадҳияга, ўзининг давлат органлари ва ҳуқуқ тизимиға, фуқаролигига эга бўлган Ўзбекистон амалда мустамлака бўлиб қолаверди, республиканинг маҳаллий халқлар вакилларидан етишиб чиқсан раҳбарлари эса «Қизил Империя»нинг итоаткор хизматчиларига айлантирилди.

Лекин шунга қарамасдан Коммунистик партия раҳнамолигидаги мустақиллик душманлари ўзбек халқи билан биргаликда республикада асрлар оша истиқомат қилиб келаётган халқларнинг озодлик ва мустақиллик ҳақидаги орзу-умидларини, интилишларини умуман йўққа чиқара олмадилар. Озодлик ва мустақиллик учун интилишнинг оммавий тус олишига имконият бўлмаган бўлса-да, у яширин, унчалик катта бўлмаган гуруҳлар томонидан давом эттирилди.

80-йилларнинг охирларига келиб Ўзбекистон мустақиллиги учун кураш тарихида янги давр бошланди. Бу ерда қайта қуриш, ошкоралик, демократия учун кураш жараёнида турли хил оммавий ташкилотлар, халқ ҳаралаглари, гуруҳлар вужудга келди. Уларнинг фаолиятида йўл қўйилган хато ва камчиликлар, нуқсонлар, миллатчиллик кайфиятидаги уринишлар, ножӯя хаттиҳаракатлардан қатъи назар асосий мақсадлари Ўзбекистонининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигига эришиш эди. Бу даврда пахта якка ҳокимлигига барҳам беринш, республикадаги табиий бойликларга тўла эгалик қилиш, ўзбек тилига давлат тили мақомини беринш, иттифоқ тасарруфидаги корхоналарни республика иҳтиёрига беринш, республиканинг пул бирлигини чиқариш, армиясини ташкил қилиш, чегарасини қўриқлаш, Ўзбекистонинг халқаро ҳуқуқининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, хорижий давлатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий ва дипломатик алоқалар ўрнатиши ҳақидаги ғоялар илгари сурилди.

## ҚОНУНИЙЛИК — УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИНинг ПОЙДЕВОРИДИР

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этилишини эълон қилди. Буни қонуннинг устувор ва мустаҳкам нуфузга эга бўлишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Республика Президенти Ислом Каримов бу ҳақиқатни истиқол ва тараққиёт сиёсатига асос қилиб олди. Қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий давлат амал қилишининг сўзсиз шартидир. Ана шундай шарт-шароитларсиз биз барпо этишга интилаётган шахсий ва иқтисодий эркинлик жамиятини тушиб бўлмайди. Қонун устуворлигини амалда таъминлаш учун нима қилиниши керак?

Мамлакатимизда қурилаётган амалий чоралар туфайли давлат томонидан қонунийликни таъминлаш воситаси тобора ишончли бўлиб бормоқда. Президентимиз бунда адолатли равишда оддий кишиларнинг қонун кучига ишонишларига кафолатни курмоқда. Амир Темур ўз тузукларида тегишли тартиб ва қонуига амал этиш менинг тақдирим ва ютуқларимнинг асоси ҳамда таянчи бўлиб хизмат қилди, деб ёзган эди.

Қонуларнинг сўзсиз амал қилишига ишончсизлик жойлардаги ижроия ҳокимият ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларини аввал маънавий, сўнг эса ҳуқуқий начор ҳолатга солиб қўяди. Ҳалқ депутатлари Андижон, Жиззах ва Сурхандарё вилоятлари Қенгашларининг 1993 йилда бўлиб ўтган сессияларида бу аниқ кўрсатиб берилди, ижроия ҳокимият ва қонунийлик асослари мустаҳкамланди.

Бугунги кунда қонунийликни таъминлаш учун тобора ҳужумкор кураш олиб бориляпти. Қотиллар, давлат мулкини талон-торож қилувчилар, жамоат тартибини бузувчилар, жиноий унсурлар, масъулиятсиз шахслар қонунга мувофиқ, суд томонидан жазоланяпти. Қонун амал қилар экан давлат ва унинг маъмурларининг нуфузи бўлади, ҳалқда ишонч ва сабр-қаноат бўлади. Бу

Үрнинда мен Америка Кўшма Штатлари Олий Суди биноси пештоқига ёзиб қўйилган бир жумлани келтирмоқчиман. У халқимиз маданияти анъаналари руҳида таҳминан шундай жаранглайди: «Қонунга садоқат Ватанга ва ўз халқида садоқатни туғдиради» (америкаликларда эса у «Қонунга садоқат Ватан ва ўз халқига садоқатдан юқоридир»).

Фаразгўйлик, малакасизлик, хизмат вазифасини суистеъмол қилиш, давлат тузуми ва жамиятга душманлик кўзи билан қараш, ҳуқуқий саводсизлик, безорилик, ахлоқсизлик қонунийлик бузилишининг манбаларидир. Одатда қонунийликни бузишда биринчи қадам ҳуқуқий саводсизлик, жазосиз қолишга умид билан боғланган бўлади. Халқимизнинг юксак маънавийлиги кўп жиҳатдан бизда жиноятчилик оммавий тус олиб кетишига йўл қўймади. Лекин фуқаролар эркинликларни кенгайтирилиши билан адолат ва ўз ҳуқуқларини тушуниб етишининг ўзи етарли бўлмайди. Кўпгина жиноий ишларнинг таҳлили одамлар, айниқса ёшлар нима хоҳласа шуни қила олишлари мумкин, деб тушунгандари ҳолда қінғир йўлга қадам қўйганликларидан далолат беради.

Жаҳон ҳамжамиятида ҳуқуқий тафаккур ривожлашишининг умумий йўналиши саводхонлик ва маданият билан чамбарчас боғлангандир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон собиқ Иттифоқнинг меросхўрларидан бири сифатида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тұғрисидаги халқаро шартномага қўшилди.

Мамлакатимизда ялпи ҳуқуқий таълимнинг йўлга қўйилиши катта аҳамиятга эгадир. Биринчи галда, барча соҳалардаги раҳбар ходимлар ҳуқуқий билимларни эгаллашлари керак. Йккинчидан, бунга барча мутахассислар ўргатилиши лозим. Чунки улар хоҳ шифокор, муҳандис бўлмасин, ҳуқуқий меъёрларга доимо дуч келадилар. Учинчидан, матбуот, телевидение ва радио орқали қизиқарли ҳуқуқий маърифий ишни олиб бориш керак. Бу соҳада баъзи чоралар курилмоқда. Лекин ҳали сабитқадамликка эришилгани йўқ.

Жамиятда қонунининг устуворлиги ҳуқуқий маданият билан мустаҳкамланади. Бу фуқаронинг хатти-ҳаракатлари муайян бир вақтда унга манфаатли булиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар қонунга қатъий риоя этишидир. Бу ҳуқуқий билим ва қонунга асосланган ах-

лоқийликдир. Ётарлича умумий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган инсон уни қонун қўриқлашини билади. У қонун томонидан белгиланган чегаралардан чиқмайди.

У ҳуқуқнинг, ҳуқуқ-тартибот муассасалари, турмушда адлия ходимларининг аҳамиятини ижобий баҳолайди. Фуқаро қонунни ва шахсий ҳуқуқларини билмаса, амалдорлар олдида noctor бўлиб қолади. Тангликни бартараф этишнинг ҳозирги давридаги мураккаб иқтисодий маший муаммолар олдида эсанкириб қолади. Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришни инсон ҳуқуқларидан ажратиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонда Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларни тушунтиришга катта аҳамият берилмоқда. Мамлакатимиз раҳбарияти Тошкентда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашининг минтақавий анжураманида (1994 йил, сентябрь) худди шу ҳақда нуфузли баёнист берди.

**КОНСТИТУЦИЯ** ва қонунлар давлатнинг муҳим белгилари ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистонда янги давлат курилиши унга ҳуқуқий асослар, қонунийлик пойдевори қўйишдан бошланди. Уларда давлатнинг ҳалқ олдидағи масъулияти, инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг устуворлиги белгилаб берилди. Қонунлар, фармонлар, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, ҳокимларнинг, шунингдек бошқа мансабдор ва юридик шахслар, фуқаролар ҳуқуқий ҳужжатларининг ҳамда улар хатти-ҳаракатларининг Конституция қоидаларига мутлақ мослиги қонунийликнинг энг асосий мезонидир. Қонунийлик ҳуқуқ, яъни давлат жамият, фуқаро реал ҳаётида амалга ошириладиган қонун демакдир.

«Инқилобий зарурат» ёки «қонунларнинг турмушдан орқада «қолиши» баҳонасида бу талабга риоя этмаган давлатлар мисоли ҳали ҳам кўз олдимизда турибди. Бу ҳуқуқий бошбошдоқлик сабаблари Конституцияга ўта эркин муносабатда бўлиш оқибатидир. Хориждан туриб бизни, ёш давлатимизни Конституциямиз ва қонунларимизни бузишга гиж-гижлатиш ҳоллари бўлаётганлигини ҳам биламиз. Бу гўё мамлакатнинг ҳалқаро нуфузини ошириш ёки гўё демократияни ривожлантиришни «жадаллаштириш» баҳонасида қилиняпти. Биз ҳамма нарсани «жадаллаштириш» собиқ СССРни қай аҳволга солиб қўйганлигини бошимиздан кечирдик. Қонунийлик барқарорлиги учун ҳам жамият ва давлат-

га ҳуқуқий кафолат бўла олади. Бирор нарса ўзгариши билан дарҳол қонунни ҳам ўзгартиравериш мумкин эмас. Аммо ҳаёт тақозосини тушуниш қонунларга янгида ёндошишлар учун ҳуқуқий асосларни тўплаб бориш керак.

Бугунги кунда Ўзбекистон қонунчилиги мажмуасидан ўрин олаётган ҳуқуқий ҳужжатлар фуқароларимиззинг узоқ йиллардаги орзу умидларига ҳамоҳангидир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда қонунийлик событқадамлилк билан амалга ошириляпти. Ҳозир давлатимиз янги босқичга — буюк Ўзбекистоннинг ҳуқуқий андозасини шакллантиришга киришмоқда. Кўппартиявийлик, иқтисодий ислоҳотлар шаронтларида ҳокимлар фаолиятини, ваколатли ҳокимиятини сайлашни қонун томонидан мувофиқлаштириш мутлақо янги ҳол ҳисобланади.

Қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар жаҳон ҳуқуқий маданиятининг ҳамма томондан тан олинган мезонларига мос тушиши зарур. Биринчидан, қонунда фуқаро, давлат ва бошқа иштирокчилар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқ ва бурчлари, манфаатлари аниқ-пухта мустаҳкамлаб қўйилиши керак. Бу ҳуқуқий меъёрларни амалга ошириш воситалари ҳам белгиланиши лозим. Иккинчидан, мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқий меъёрлар амалга оширилишини таъминлайдиган давлат идораси кўрсатилиши керак. Учинчидан, қонун ижтимоий муносабатлар иштирокчилари фаолияти учун зарур имкониятларни очиб бериши керак. Инсон ҳуқуқлари, ижтимоий тараққиёт, давлатнинг демократлилиги унинг чегараларидир Тўртинчидан, қонун ўзида белгиланган меъёрларни бузганлик учун жазо чораларини кузда тутади. Бешинчидан, маданий қадрият ҳисобланган қонун халқ маънавиятига туб жиҳатдан зид бўла олмайди. Олтинчидан, қонун ўз меъёрларини ҳаётга тадбиқ этиш воситаларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак.

Совет даври қонунларининг бир қисми очиқ-ойдин халқ миллий маънавиятини чеклар эди. Масалан, маърифатпарвар давлатлар қонунларида «утмиш қолдиқлари билан кураш олиб бориш» меъёрини тасаввур этиш қийин.

Сўнгги уч йил ичida парламентимиз 100 тадан кўпроқ қонун қабул қилди. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистон мустақиллигини турли—инсон ҳуқуқларни, иқтисодиёт, дав-

лат бошқаруви, жамоат тузилмалари, маданият ва халқаро муносабатлар соҳаларидағи ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилгандир. Уларда Президентимиз Ислом Каримов томонидан асослаб берилган янгиланишнинг босқичма-босқич аркони яққол кўзга ташланади. Бу қонунлар деворга терилаётган ғиштлардек мустакил Ўзбекистон ҳуқуқий биносини барпо этмоқда. Шуниси эътиборга лойиқки, бизда қонун лойиҳалари ва қонунлари жамият уларсиз яшай олмаган тақдирдагина ҳаётга йўлланма олади. Келгусида парламентимиз кўпパートиявийлик асосида фаолият кўрсатишини назарда тутиб, ўзгалар хатоларини такрорламаслигимиз керак. Қонунлар сиёсий курашда ўйинчоқ бўлиб қолмаслиги зарур.

Энг мукаммал қонун ҳам ўз ҳолиҷа фақат қонунийликни кўзда тутувчи ҳужжатdir. Қонун амал қилиши учун нима зарур? Қонунга итоат этиш. Бу юксак умумий маданият мезонидир. Шарқ халқлари ана шундай маданиятли бўлганлар. Биз бу маданиятни ҳозирги давр демократик тушунчасида тиклашнимиз лозим бўлади. Баъзи бировлар қонунга итоатгўйликни мутелик билан тенглаштирадилар. Айниқса соxта демократлар кўпроқ шундай хатога йўл қўядилар.

Қонунга итоат энг аввало қонунларни билишни тақозо этиди. Қонунларни давлатнинг мансабдор шахси ҳам, фуқаролар ҳам билиши шарт. Ҳуқуқий билимдонликини советча тушуниш амалда қонунларнинг омма томонидан чуқур билишларини кўзда тутмас эди. Чунки бу маъмурлар ва авторитар бошқарув учун хавфли эди. Ҳамма жойда қонунга риоя этмаслик туфайлигина улар ҳукмронлик қилардилар. Давлатда ҳуқуқнинг аҳамиятини инкор этиш ходимларни айнитди, ижтимоий онгга салбий таъсир кўрсатди. Бугунги кунда кўп саъй-ҳаракатлар туфайлигина ҳуқуқнинг устуворлиги, қонунларга ҳалол риоя этиш зарурати тушуниб етилмоқда. Худди шунинг учун ҳам Ислом Каримов ҳамманинг -- Президентнинг ҳам, фуқаронинг ҳам қонунга итоат этиши муҳимлигини алоҳида таъкидлайди.

Фуқароларнинг онгли равишда қонун талабларига амал қилишлари бугун биз ҳаммамиз интилишимиз керак бўлган фазилат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон бекиёс маданий ва маънавий ўсишли ўз тараққиётининг асоси деб билмоқда. Шу ҳолдагина инсоннинг ўзи ихтиёрий равишда халқ, давлат, жамият,

оиласи олдидағи масъулияттін түшүниб етади. Шариатда ҳам қонунга итоат ахлоқый меъёр ҳисобланган. Үфри инсон деб ҳисобланиш ҳуқуқидан маҳрум бўларди. Бу тұғрими? Лекин инсонпарварлик ёрдамини, доридармонларни, давлат томонидан noctor кишиларга ёрдам күрсатиш учун ажратилган маблағларни талонтарож қилиш тұғрими? Биз инсонпарварлармиз. Шуннинг учун узоқ үтмишда жиноятыларға нисбатан ноинсоний муносабатлар талаб қилинадиган қонунийлик меъёrlарига қаршимиз. Бироқ суд томонидан белгиланган жазо ва халқ томонидан лаънатланишдан жиноятылар қочиб қутилмасликлари керак. Ахир құлға түшмаган ва жазосини олмаган үфрилар үфрилуклари, жиноятылари билан фахрланиб юришлари шармандали ҳол эмасми! Улар давлатини, уз халқини алдаётгандыларини түшунмайдылар.

IX—X Асрларда яшаган юртдошимиз, буюк олим Ал-Фаробий инсон ва фуқаро ҳуқуқларини, давлат ва жамият асосларини, улар яхши фаолият күрсатишини ҳуқуқый кафолатлаш қонунийликнинг мақсади, деб таъкидлаган эди. Биз ҳам уз тажрибамизда қонуларни кундалик турмушга жорий этиш ғоят мураккаб эканлигини биламиз. Яқын вақтгача бизда турмуш бошқа қоидалар асосынша қурилар эди. Ана шу меросдан қутилиш осон бўлмаяпти. Давлат тузилмалари ва мансабдор шахслардан бошлаб ҳамманинг қонунга амал этиши фуқароларни қонунга итоат руҳида тарбиялайди. Амир Темур таъкидлаб ўтганидек, оддий кишиларға нисбатан қилингандай қонунсизлик қонун ва давлат нуфузга энг катта зиён етказади. Қонунийлик инсон қандай ҳуқуқларға әгалиги, давлат ва шу ҳуқуқлар ҳаётга тадбиқ этилиши учун нима қилиши кераклигини очиб беради. Аксинча фуқаро давлатимизни мустаҳкамлаш учун нима қилиши керак? Қонунда фуқароларнинг аниқ мажбуриятларини белгилаб қўйишдан хавфсираш демократияга эмас, балки боқимандаликка кумаклашади. Ана шу ўзаро масъулият ҳисси қонунийлик кафолатидир. Давлат фуқаролардан фақат бурчларини адо этишларини талаб қила олмайди. Аммо фуқаролар ҳам давлатдан ҳамма нарсани талаб этишлари мумкин эмас. Бундай боқимандалик кайфиятты давлат негизига путур етказиши турган гап. Бизнинг Конституциямиз давлат ва шахс ҳуқуқларининг адолатли мутаносиблигини үриатади.

Қонунийлик бу ҳамиша ҳуқуққа асосланган барқарорлиkdir. Қонунийлик ишонч туғдиради. Шу сабабли аждодларимиз энг ёмон қонун ҳам қонунсизликдан яхши, деб ҳисоблаганлар. Ҷүнки қонунни ўзgartириш ва бошқаси билан алмаштириш мумкин. Қонунсизлик эса чегара билмайди, инсон ҳаёти унинг мулки, маънавияти учун хавфлидир. Баъзан мухолифатчилардан қонун мукаммал эмас, эскириб қолган, унга риоя этишнинг нима кераги бор, деган гапларни эшишиб қоласан. Аммо қонунни фақат фармойиш чиқарувчи олий идора қонун томонидан белгиланган тартибдагина ўзgartира олади. Бунгача эса қонунга амал қилиш шарт. Ҳуқуқнинг олий мантиқи шундан иборат. Қонун кафолати ҳам худди шундадир.

Қонунларни мутлақо ўзгартирмаслик мумкин эмас. Акс ҳолда улар тараққиёт талабларидан орқада қолади. Айни пайтда ҳуқуқнинг беқарорлиги давлат ва жамият барқарорлигига жиҳдий салбий таъсир курсатади. Бу айниқса иқтисодий соҳада кескин намоён булади. Шунинг учун мулкчиликнинг турли шакллари ва мустақиллиги жорий этилаётган ҳозирги пайтда қонунларнинг ҳаётга мос бўлишини таҳлил этиш олим ва амалиётчи ҳуқуқшуносларнинг қонун чиққан вақтда фармойиш чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятга ўз маслаҳатларини беришлари лозим.

ФУҚАРОНИ нима эркин қиласди? Фикримизча қонунларнинг адолатли эканлигини тушуниш фуқарони эркин қиласди. Шу ҳолдагина фуқаро қонунга ихтиёрий равишда амал этади. Шу сабабли ҳам қонун яратувчилар қонун лойиҳаларини таҳлил этаётганларида уларга узоқ йиллар давомида риоя этадиган кишилар кўзи билан қарашлари лозим.

Қонуннинг адолатлилиги унинг инсон ва жамият мустақиллиги эҳтиёжларига мослигидан келиб чиқади. Бизнинг янги мустақил давлатимизда қонун маънавийлик, хўжалик юритиш, таълим олиш эркинлигининг ўзиға хос двигателинга айланмоқда. Ҳар бир қонунда ҳали имкониятлар етарли булмаган, лекин зарур бўлган эркинлик кўламлари мавжуддир. Бозор муносабатлари ҳуқуқий асосларини шакллантиришга йўналтирилган қонунчилик ана шундай принципга қуриляпти.

Шахс ҳуқуқини жамият ҳуқуқига қарши қўйиш бизнинг кўхна маърифатчилигимиз ва маданиятимизга ёт-

дир. Буни хорижлик ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос ҳам-  
касларимизга кўп марта тушунтиришга тўғри келяп-  
ти. Франциянинг Страсбург шаҳрида Европа Кенгаши то-  
монидан уюштирилган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро  
анжуманда шу муаммо юзасидан баҳс-мунозара бўл-  
ганда биз, Ўзбекистон вакиллари, эътиборни қўйидаги-  
ларга қаратдик.

Ўзбекистон Япония каби мамлакатларга мансуб бўл-  
ган Шарқ маърифатчилигида шахс маънавий жиҳатдан  
бутун халқ томонидан ҳимоя қилинганини сабаблигини  
ривожланиш, ўз ҳаёти ва қадр-қимматини сақлаб қолиш  
имкониятига эга бўлган. Шоир ва вазир Алишер Навоий  
учун ўзига эмас, балки Халққа хизмат қилиш олий ша-  
раф ва қувонч бўлган. Биз учун эса бу юксак ахлоқий  
ва ҳуқуқий ибратдир. Ҳозирги давр Европа — Америка  
ҳуқуқи бошқа — шахснинг мутлақ ҳуқуқи устуворлиги-  
га асосланади. Аммо давлат, жамиятга хавф туғилгани  
тақдирда амалда бошқа ҳолларга дуч келамиз. Буни  
1994 йилда Америка Қўшма Штатлари Техас штатидан  
маъмурларнинг ўта диндор гуруҳ аъзоларига қарши  
хатти-ҳаракатлари ҳам кўрсатди.

Қонунийлик ва эркинлик ўртасида ихтилоф юз бер-  
маслиги учун кишиларга давлат тартиби ва давлатнинг  
Ўзбекистон истиқлоли ва тараққиётининг ташкилотчиси  
сифатидаги аҳамиятини тушунтириш жуда муҳимдир.  
Ёш давлатимизда қонунийликка риоя этмасликни ҳеч  
нарса билан оқлаб бўлмайди. Айниқса демократияга як-  
ка ҳокимликни даъво қилган ҳолда қонунни бузиш ҳу-  
қуқини талаб этиш ҳолларига йўл қўйиб бўлмайди.

Халқ маънавияти, жамоатчилик фикри қонунийлик-  
нинг энг ҳалол посбонларидир. Эҳтимол халқимиз ҳу-  
қуқий анъаналаридан биридан фойдаланиш тўғрисида-  
ги масалани баҳс-мунозара қилиб куриш мумкин бўлар.  
Бу ерда гап маҳаллаларда оила-маиший можаролар  
бўйича виждан судларини йўлга қўйиш тўғрисида кет-  
япти. Улкан ҳаётий тажрибага эга бўлган нуфузли оқ-  
соқоллар балким қариндош-уруғларни, қўшниларни ўз-  
лари яхшироқ яраштириб қўйишлари мумкинлар.

Давлатдаги қонунийлик жонли ва ривожланувчи ту-  
шунчадир. Қонунийлик сарчашма каби давлат буюкли-  
гини оби-ҳаёт билан таъминлаб туради. Халқимиз Ўз-  
бекистоннинг буюк келажагини қонунийликнинг мус-  
таҳкам пойдеворига қура бошлади.

## IV боб

### ҲОКИМИЯТЛАР ТАҚСИМЛАНИШИ НАЗАРИЯСИ ВА ӽЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Ҳокимиятларнинг тақсимланиши — демократик ҳуқуқий давлатнинг зарурий шартидир. Мазкур принципнинг қўлланилиши ҳокимиятни сунистеъмол қилинишига тўсиқ қўяди, фуқароларни мансабдор шахсларнинг тазийқидан ҳимоя этади, давлат идоралари фаолиятининг самарали бўлишига шарт-шаронт яратади.

Ҳокимиятлар тақсимланиши назариясининг яралиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо унинг мустақил ва бир бутун сиёсий-ҳуқуқий таълимот сифатида шаклланиши XVII—XVIII асрдаги буржуа инқилоблари даврига тўғри келди. Давлат органлари фаолиятининг (ваколатларининг) чегараланиши ғояси энг умумий кўринишда антик давр донишмандлари — Платон, Аристотель, Полибий, Ликург ва бошқалар томонидан ифода этилган.

Ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси «классик» шаклининг анъанавий асосчилари Жон Локк ва Шарл Монтескьелардир. Ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва федерал турларга бўлиниши, Локкнинг фикрича, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Бунда «барча қонун чиқарувчи ҳокимиятга итоат этади, чунки у қонунларни ўрната оладиган энг олий идорадир». Локк суд ҳокимиятини алоҳида эътироф этмаган, сабаби уни ижроня ҳокимиятнинг таркибий қисми деб ҳисоблаган.

Бу борада буюк француз тарихчиси ва файласуфи Шарл Монтескьенинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. У «ҳокимиятлар тақсимланиши» деб ном олган бир-бутун тугал таълимотни яратди. Олимнинг холосасига кўра, адолатли қурилган давлатда ҳокимият ягона эмас, балки аксинча бир-бирига тобе бўлмаган учта ҳокимият — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти мавжуд бўлиши шарт. Уларни ҳар қандай кўринишда бирон-бир орган ёки шахс қўлида мужассамланиши умумий манфаатларга путур етказади, суни-

истеъмолликларга олиб келади ва шахснинг сиёсий эркинлиги билан асло сифишмайди. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг бир қўлда бирлаштирилиши қонуннинг устун бўлишига зарап етказади, борди-ю, судьялар фақат судлов билан машғул бўлмай, қонун яратиш иши билан шуғуллансалар, у ҳолда инсонлар ҳаёти ноҳақлик қурбонига айланиши мумкин.

Уз ўтмишдошлари сингари Монтескье ҳам бошқарувнинг самарали бўлишлиги учун давлат фаолияти соҳасида одилона «мечнат тақсимоти» зарур, деб таъкидлайди. У, учта ҳокимиятнинг ҳар бири ўз фаолиятининг хусусиятига мувофиқ алоҳида мустақил орган томонидан амалга оширилгани маъқул, дейди. Айни вақтда, дошишманд, давлат органлари тизимини, улар ўртасидаги алоқалар табиатини, ўзбошимчаликни чеклаш ва инсон эркинлигини таъминлаш мақсадида идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда бир-бирини «тийиб» туриш муносабатларини таҳлил этишда давом этади.

Бу ўринда ҳокимиятлар мустақиллиги ва уларни амалга оширувчи органларнинг мустақиллиги, бир-бирининг фаолиятига аралашмаслиги ўта муҳимdir.

Монтескье таълимотида алоҳида ўрин тутадиган ғоя — бу ҳокимиятларнинг мувозанати, тенглиги ҳамда уларнинг «узаро бир-бирини тийиб туриш ва қарамақарши таъсир этиш системаси» ҳақидаги ғоядир. Юқорида зикр этилган ҳокимиятлар ўртасида шундай муносабат ўрнатилмоғи лозимки, бунда уларнинг ҳар бири давлат вазифаларини мустақил ўташ билан биргаликда, ўз ҳуқуқий воситалари ёрдамида бир-бирини мувозанатга чорлаб турадилар, ҳокимият ваколатларини биргина муассаса томонидан қонунсиз равишда тортиб олиниши (узурпация қилиниши) ни бартараф этадилар. Масалан, қонун доирасида ишлаши лозим бўлган ижро этувчи ҳокимият, айни пайтда, қонун чиқарувчи кенгашнинг фаолиятини чегаралаб туриши талаб этилади, акс ҳолда парламент ўзининг мутлақ ҳокимлигини ўрнатиши мумкин. Шу сабабли ҳам ижро ҳокимиятининг бошлиғи қонуларни имзолашда «vefo» (яъни, вақтинча рад этиш) ҳуқуқидан фойдаланади, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлади.

Уз навбатида қонун чиқарувчи орган қонулар ижро этувчи идора томонидан қандай бажарилётганлиги устидан назорат қилиш ваколатига эга, ҳукумат эса парламентга ҳисоб беришга мажбур.

Ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўртасидаги ўзаро муносабат масаласига чуқурроқ кириб борар эканмиз, унда Монтескьенинг қарашлари Локкнинг ғояларидан фарқлилигини кўрамиз. Ҳокимиятларнинг узвий алоқадорлигини тан олиш билан бирга, Локк қонун чиқарувчи ҳокимият ижро этувчи ҳокимиятдан устун туришини таъкидлайди. Монтескье эса уларнинг тўла тенглиги, мустақиллиги, ҳатто алоҳидалигини ёқлаб чиқади. Бундан ҳокимиятлар мутлақо чекланмаган деган маъно чиқмайди. Аксинча, ҳеч бир ҳокимият идораси бошқасининг ваколатлари доирасига аралашмайди. Ҳар бир ҳокимият ўз ҳимояси нуқтаи назаридан ўзгасици назорат қиласди, чеклаб туради, ваколатларидан четга чиқишига йўл қўймайди. Буни таъминлашнинг тартиби, воситалари (механизми) вужудга келтирилади.

Ҳокимиятларнинг энг мақбул тақсимланиши ўзаро «тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш» системаси ёрдамида таъминланади. Мазкур система бирон-бир ҳокимият органи мутлақ авторитар мавқега эга бўлишига, ҳуқуқни ва конституцияни паймол этишга йўл бермайди.

Монтескье кашф этган «ўзаро тийиб туриш ва қарши таъсир этиш» системаси, яъни ҳокимиятларни мувоза-натлаштириш ва, ҳатто, қарама-қарши қўйиш системаси давлат органларининг самарали ҳамкорлик қилишига шароит яратолмайди, — деб ёзади рус олими А. Барнашов.

Монтескьенинг схемаси «уч ҳокимият» орасида бирининг устун бўлишини инкор этади. Бу таълимот, аввало, ҳокимиятлар тақсимланишига ташкилий-ҳуқуқий ёндашувни англатади.

Кейинчалик Монтескьенинг қарашлари буржуазиянинг дадил мафкурачилари томонидан танқидга учради. Хусусан, буюк француз олими Ж.—Ж. Руссо ажралмас, ягона ва бўлинмас «халқ суверенитети» позициясида туриб Монтескьенинг ҳокимиятлар тақсимланиши ғоясини танқид қилди. Руссо ўз даври учун илфор саналган сиёсий дастур билан чиқди. Унинг асосида давлат ҳаётини «ақл ҳукмронлиги» ва халқ суверенитетини таъминловчи «ижтимоий шартнома» воситаси билан демократик ташкил этиш ғояси ётади.

Руссо, давлат функциялари тақсимланишини, яъни давлат органлари ўртасида ваколатлар чегараланишини тан олар эди. Руссонинг таъбирича, қонун чиқарувчи ҳокимият — бу суверен халқ продаси бўлганлиги сабаб-

ли у (қонун чиқарувчи) барчага тааллуқли ҳисобланган умумий характердаги масалаларни тартибга солиши лозим. Ижроия ҳокимият суверен халқ қарори билан ўрнатилғанлиги боис, у халқнинг ишончли таянчи ва хизматкори сифатида майдонга чиқади. Барча давлат органларининг тенглиги олий қонун чиқарувчи ҳокимиятни қайта тузиш эвазига эришилади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни халқнинг ўзи бевосита мажлисларда амалга оширади (йирик шаҳарларда вакиллик органлари тузилиши мумкин).

Юқорида биз келтирған иккى ёндошув элементларини бирлаштириш биринчи марта Америка Құшма Штатларининг 1787 йилги Конституциясида ўзининг қонуний ифодасини топди. Конституция муаллифлари «биз Құшма Штатларнинг халқы...» деган сұзлар билан унинг суверенитетини баён этдилар. Давлат органлари (конгресс, президент ва унга итоат қылувчи министрлар, судлар) нинг ваколатларини бўлиб бериш орқали эса «тийиб туриш ва қарши таъсир этиш системаси» билан тўлдирилган ҳокимиятлар тақсимланишини жорий қилдилар.

Кўпчилик буржуа давлатлари, шу жумладан АҚШ ҳам, халқ суверенитети ва ундан келиб чиқувчи қонунинг олийлиги принципи замирида «ҳокимиятлар тақсимланиши»ни эътироф этдилар. Масалан, АҚШ Конституциясига биноаш, қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллар палатаси — сенатдан иборат Конграссга тегишли. Ижро этувчи ҳокимият сайлашга вакил қилинган кишилар (выборщики) томонидан сайланади. Президент бир вақтнинг ўзида ҳам давлат бошлифи, ҳам ҳукумат бошлифи ҳисобланади; у қонунларга итоат этиши шарт, аммо конгрессга хисоб бермайди.

АҚШнинг Олий суди нафақат одил судловни амалга ошириш ваколатларига, балки конституциявий назорат ҳуқуқига ҳам эга. Бунинг маъноси шуки, Олий суд қонунларнинг ва маъмурий актларнинг конституция нормаларига мувофиқлигини текширади ва уларни ғайри-конституциявий деб эълон қилиш ҳамда Президент ёки Конгресс актларини юридик кучга эга эмас, деб топиш имкониятига эга. Жиддий сиёсий инқирозлар даврида эса Америка суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида арбитрлик ролини бажаради. Шу йўл билан ҳокимиятлар фаолиятини ўзаро уйғунлаштиради.

Анъанага күра, ҳокимиятларнинг тақсимланиши принципи АҚШ Конституциясида ёзининг энг аниқ ифодасини топган деб ҳисобланади. Бунга Америка давлат қурилиши тажрибасидан юқоридаги мисоллар ҳам далил бўла олади. Аммо кўнчилик американлик мутахассисларнинг ўзлари эътироф этишича, ҳокимиятлар тақсимланишининг моҳияти ўз талқинини **Массачусетс штатининг Конституциясида** янада мукаммалроқ топган. Унда масалан, шундай дейилган: «Жамиятда инсонлар эмас, балки қонунлар ҳукмрон бўлишлиги учун уни бошқаришда:

— қонун чиқарувчи ҳокимият ҳеч қандай шароитда ижро этувчи ва суд ҳокимиятини (ёки улардан бирини) амалга оширмаслиги лозим;

— ижроия органлар ҳеч қандай шароитда қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятини (ёки улардан бирини) амалга оширмаслиги лозим;

— суд органлари ҳеч қандай шароитда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимияти (ёки улардан бирини) амалга оширмаслиги лозим».

Ҳокимиятларнинг тақсимланиши дунёning ҳеч бир мамлакатида, ҳатто 200 йиллиқ тарихга эга бўлган АҚШнинг ўзини умумий олганда ҳам бунақа радикал кўринишда амалга оширилган эмас. Бу уқувсизлик ёки истамаслик оқибати эмас, балки жамиятнинг реал турмушини назарий (мавҳум мафкуравий) қолипга солиб бўлмаслиги натижасидир. Лекин ўнга қарамасдан парламент демократияси ривож топган қатор мамлакатларда ҳар бир ҳокимиятнинг ваколат доираси нисбатан мукаммал белгиланганки, унга бошқаси «бостириб» киромайди. Фақатгина «чегарарадош» мәсалалардагина, шунда ҳам қонун билан белгиланган ҳолларда, турли ҳокимиятларнинг ваколатлари ўзаро сингъшиб кетиши мумкин. Аммо ўз ваколатлари доирасида ҳар бир ҳокимият мустақил, ўзаро тенг ва фақат қонунга итоат этади.

\* \* \*

1917—1991 йиллар мобағинида Ер куррасининг олтидан бир қисмига тенг ҳудудида Совет давлати ҳукм сурғанлиги тарихий ҳодисадир. У ўзига хос тоталитар шаклдаги давлат бўлиб, «Коммунистик» мафкурага амал қиласи эди. Совет ҳуқуқшунослик фани етмиш йил давоми-

да ҳокимиятлар тақсимланиши тұғрисидеги мұмтоз назариянинг «оқылона мағзини», уннан илмий ва амалий ақамиятини ҳаспұшлаб келди. Социалистик давлат ва ҳуқуқ назариётчилари атайлаб ёки билар-билмас «ҳокимиятлар тақсимланиши» таълимотига нисбатан салбай мавқени әгаллаб келдилар.

Совет Иттифоқи мавжуд бұлған бутун давр мобайдида давлат тузуми, шунингдек үнга хизмат қылувчи фан бу таълимотга қарама-қарши бұлған Ленин томонидан яратылған концепцияга асосландылар.

У шундай деб ёзган әди: «Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш қонун чиқарувчи ва ижро этувчи давлат ҳокимиятини бирлаштиришни, бошқаруевни қонун яратыш фаолияти билан құшиб юборишини тақозо этади» (ТАТ, 36-жылд, 72-бет).

Амалда эса иш шунга бориб етдики, барча муҳым давлат қарорларини ягона ҳұмкрон партия қабул қылғы, сұнг уларни ё қонун чиқарувчи, ёки ижро этувчи, ёхуд суд органлари орқали расмийлаштирап әди. Давлат органлари бу қарорларнинг мазмунига бирон-бир үзгариш кирита олмасдилар. Бу үринде давлат органлари тизимида бутун ҳокимият Советларга тегишлилиги ҳақидағы ақыда илгари сурилди. Ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг Советларга итоат этиши ёки ҳеч бўлмаганда ҳисоб бериб туриши жорий қилинди. Бу концепция нафақат илгари, ҳато ҳануздагача давлат органлари ўртасидаги муносабатни белгилаб келаётir.

Марксизм тарафдори бұлған Совет олимни Петр Стучка шундай деган әди: «Ҳокимият тақсимланиши принципи биз учун меңнатни тақсим этиш усули (техникаси) жиҳатпідангина ақамиятга зәға... Ҳокимият, хусусан Совет ҳокимияти, үз таркибиға ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро этувчи ва суд ҳокимиятларини олган ҳолда албатта ягона бўлиши шарт... Ҳар қандай proletar инқилоби Монтескьєнинг ҳокимиятлар тақсимланиши тұғрисидеги таълимотини амалда барбод қилишдан бошланади».

Анча вақтгача қўпчилик совет олимлари «ҳокимият тақсимланиши» муаммосини давлат идоралари ўртасида меңнатни уларнинг функцияларини одий тақсимланиши маъносида тушуниб келдилар. Албатта, ҳар бир давлат органининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб қўйиш зарурлиги, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёндаги таш-

килий жиҳатларни (шакл-андозаларни) белгилаш ло-  
зимлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Аммо бу иш со-  
вет давлатида ҳокимият тақсимланиши принципи асоси-  
да эмас, балки партиявий ҳокимият ва вакиллик органи-  
нинг устунлиги принципидан келиб чиқиб ҳал этилди.

Табиийки, бундай муҳитда анъанавий маънодаги «ҳо-  
кимият тақсимланиши» вакиллик органларининг роли-  
ни ошириш манфаатларига жавоб бермасди. Худди шу  
важдан совет олимлари ҳокимиятлар тақсимланиши на-  
зариясига салбий муносабатда бўлдилар.

Тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тузумининг бар-  
бод булиши оқибатида сobiқ Совет Иттифоқи вайроналарида бир қатор янги суверен давлатлар вужудга кел-  
ди. Сobiқ иттифоқдош республикаларнинг мустақиллик-  
ка эришиш жараёни демократиялаштириш, умуминсоний  
қадриятларни қайта тиклаш, инсон ҳуқуқлари ва эркин-  
ликлари устуворлигини тан олиш, қонуннинг (ҳуқуқ-  
нинг) олийлиги, ҳуқуқий давлат яратиш байроғи остида  
амалга ошди. Ёш мустақил давлатларнинг шаклланиш  
тӯfonларида турли ғоялар ва концепцияларнинг пайдо  
булиши табиий бир ҳолдир. Ана шулар жумласидан ҳо-  
кимиятлар тақсимланиши назарияси ҳам кенг тарқалди.  
Бундан кутилаётган мақсад — ҳокимият сунистеъмол қи-  
линишидан, бюрократизмдан ва сиёсий ҳаётдаги бош-  
бошдоқликдан сақланишидан иборатдир. Ҳокимиятлар  
тақсимланиши принципи деярли ҳамма республикалар-  
нинг янги конституцияларида давлат тузумининг муқад-  
дас асоси сифатида мустаҳкамланган.

Конституцион қонунчилик соҳасида бундай ўта масъ-  
улиятли қарорга келиниши ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Гап  
сиёсий механизмларнинг оддийгина ўзгариши ҳақида  
эмас, балки давлат қурилишининг «демократик» шакл-  
лари ҳақидаги чуқур сингиб кетган эски стереотип (қо-  
лип)ларнинг тубдан ўзгарганлиги, МДҲ давлатларида  
умуман давлат ҳокимияти концепциясининг ўзгарганли-  
ги ҳақида бораёттир. Ҳокимиятларнинг оқилона тақсим-  
ланиши — давлат тузилмаларининг самарали фаолият  
қилиши, сунистеъмолликларнинг бартараф этилиши, ин-  
сон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя этилиши, умуман  
қонунчилик таъминланишининг гаровидир. Шунинг учун  
ҳам ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг давлат-  
чилигимиз ҳаётига реал сингдирилиши масаласи катта  
назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Биргина қўйидаги мисолга мурожаат этайлик: Кўп-

чилик республикаларда Президентлик бошқарувининг жорий қилиниши ва кейинчалик унинг кучайиб бориши парламент билан ижроия органлар ўртасида ҳокимият ваколатларини қайта тақсимлаш масаласини кун тартибиға қўйди. Бу жараён анча мураккаблиги аён бўлиб қолди. Даил сифатида Россия Федерациясининг парламенти билан ҳукумати ўртасидаги узоқ давом этган кескин қарама-қаршиликни эслаш кифоя. Тажриба шуни кўрсатдики, республикаларнинг парламентлари президентлик ҳокимияти билан «баҳслашишга» ноқобиъ бўлиб чиқдилар.

Ҳокимиятлар тақсимланиши принципи мамлакатнинг конкрет-тарихий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда оқилона жорий этилсагина, ҳокимият органларининг мувозанати ва тенглигини таъминлаш мумкин. Мазкур принцип ҳокимият эгаси бўлган субъектларнинг ўзаро муносабатларини тартиб (муайян қолип, андоза) га солиш имкониятини беради. Зеро, уларнинг ҳар бири ўз соҳаси доирасида мустақил, бошқа ҳокимиятга итоат этмайди, сўзсиз ижро этилишга мўлжалланган қарорлар (актлар) қабул қиласди.

Бироқ ҳокимиятлар тақсимланишини абсолютлаштириш керак эмас, чунки ҳокимиятларни ўзаро қовуштириш, улар фаолиятини ўйғунлаштириш лозим бўлади. Бунинг учун ҳокимиятларнинг мавқеини (мақомини) конституциявий белгилаш, чегаралаш талаб қилинади. Қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган «чегаралар»дан бирон-бир ҳокимиятнинг четга чиқиши ва бошқа ҳокимиятларнинг ваколат доирасига араласиши мумкин эмас.

Ҳокимиятнинг учала шаҳобчаси, фақат улар ва албатта уларнинг учаласи биргаликда ягона давлат ҳокимиятини ташкил этадилар. Улардан бошқа ҳеч бир давлат органи ҳокимиятга даъвогарлик қилолмайди.

Ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг муҳим жihatларидан бири шуки, унда ҳокимиятнинг ҳар бир шаҳобчаси (тармоғи) қолган икки ҳокимият субъектининг ҳар бирини назорат (контроль) қилиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиши керак. Аммо бу назорат — устунлик эмас. Назорат ҳуқуқи назорат қилинаётган ҳокимиятнинг конституциявий ваколатларини ўзлаштириб олиш имкониятини бермайди.

Ҳокимиятлар тақсимланиши ҳар бир ҳокимиятнинг ўз фаолият доирасида тўлақонли ҳокимият эгаси булишини тақозо этади. Шу боисдан ҳар қандай алоҳида

Олинган давлатда ягона қонун чиқарувчи орган, ягона ижро этувчи орган ҳамда ягона одил судлов органи (тизими) мавжуд бўлиши лозим.

Илгари юридик адабиётда «**вакиллик ҳокимияти**» деган ибора кенг қўлланиларди. Бу иборани тўғри деб бўлмайди. Аслида қонун чиқарувчи **ҳокимият ва вакиллик органи** дейиш тўғридир. Қонун ижод этиш фақат вакиллик органи томонидан эмас, балки бевосита халқ томонидан (референдум йўли билан) ёки ҳатто алоҳида шахс томонидан (монархия бошқарувилик давлатларда шундай. Бундан ташқари, масалан, Франция Президентининг ҳам қонунчилик ваколатлари бор). Вакиллик характеристига эса ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро этувчи ҳокимият эга бўлиши мумкин.

Ҳокимият тақсимланиши серқирра ҳодиса бўлиб, у структура ҳосил қилувчи ва функционал принципидир. У алоҳида таркибий қисмларнинг қотиб қолган йигиндиси эмас, балки ишловчи, ҳаракатланувчи механизmdir. Бу механизм мураккаб келишитирив ва маҳсус ҳуқуқий жараёнларни (шу жумладан, ихтиоф ва экстремал ҳолатларга мўлжалланган жараёнларни) бирлаштириш воситасидир. Ҳокимиятларнинг ягоналиги (ҳамжиҳатлиги) ва тақсимланиши давлат ҳокимиятларининг диалектик ҳолатидир. Ягоналика диалектик мувозанат орқали, ҳокимиятларни мутаносиблаштириш ёрдамида эришилади.

Ҳокимиятлар тақсимланиши назариясининг тарихий ва умуминсоний қадр-қимматига тан бериш билан бир қаторда шуни таъкидлаш керакки, у маъмурий-қўмондонлик системасининг барча балоларидан ва бетайин давлат бошқаруви оқибатларидан фориғ бўлишнинг ягона воситаси эмас. Бунинг учун ҳали яна талайгина омиллар керак: яъни, илфор тараққий этган демократия, тегишли сиёсий маданият даражаси, «тийиб туриш ва қарши қўйишнинг» конституциявий расмийлаштирилган системаси ва ҳ.к. Тарихий тажриба кўрсатишича, ҳокимиятлар тақсимланиши принципини аслида тўла ҳажмда жорий этиш мумкин эмас. Ҳатто, Америка Қўшма Штатларида ҳам ҳокимиятлар тақсимланиши соф курнишда амалга ошмаган. Шунинг учун ўзга давлат-ҳуқуқий андозасини конкрет мамлакатга механик тарзда кўчириб ўтказиш нотўғри. Чунки барча халқлар ва давлатлар учун ягона намуна, қолип, нусха бўлиши мумкин эмас.

Бизнинг республикамизга келсак, Ўзбекистон ҳуқуқий давлатчиликка ўз йўли билан боради. Ўзбекистон Республикасининг биринчي Президенти И. Каримов давлатимизнинг янгиланиш йўналишлари ва кўламларини белгилаб шундай деб ёзади: «Барқарор бозор иқтисодиёти очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпс этиш пировард мақсад булиб қолиши керак... Сиёсий соҳадаги муҳим вазифалардан бири — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллый давлатчиликни барпо этишdir.»<sup>1</sup> Табиийки, бизнинг республикамизда ҳокимиятлар тақсимланиши принципини жорий этиш ўзбек давлатчилигининг тарихий, маданий ва миллый хусусиятларини акс эттирувчи жиҳатларга эга бўлади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги янги Конституциясида ҳокимиятлар тақсимланиши принципи ўзининг қонуний ифодасини топган. Конституциянинг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида давлат органларининг тизими ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланиши принципига таянади. Давлат функциялари қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлис, давлат бошлиғи ва ижроия ҳокимият бошлиғи — Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва суд ҳокимияти (Конституциявий суддан, Олий суддан ҳамда Олий хўжалик судидан иборат) ўртасида тақсимланади. (Конституциянинг V-булими).

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. У илгариги 500 депутатли Олий Кенгашдан фарқли ўлароқ 250 депутатдан иборатdir. Парламент аъзолари сони қисқартирилишининг маъноси қуидагилардан иборат: биринчидан, Олий Мажлисни мумкин қадар профессионал қонун чиқарувчи органга айлантириш. Соn жиҳатдан унча кўп бўлмаган Олий Мажлис малакали юристлардан, сиёсатшунослардан, иқтисодчилардан, файласуфлардан, социологлардан ва бошқа соҳаларнинг мутахассисларидан иборат бўлиши лозим; иккинчидан, парламентнинг ихчам ва ишchan бўлишига эришиш. Албатта, бу уринда қонун ижодкорлик фаолиятининг ҳал қилувчи талаби ваколатлилик ва их-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 8-бет.

чамлиликдир. Чунки ўтмишдаги халқ депутатлари съездлари, күпсонли депутатлик корпусларининг тажрибаси шуниң курсатдик, охир-оқибатда парламентларда митингбозлик характери устун бўлиб қолди. Сафсатабозлик ва мавзусиз тортишувлар парламент томонидан келишувга эришишини ва керакли қарорларни қабул қилинши қийинлаштиради.

Конституция бизда парламент демократиясини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Олий Мажлис депутатлари ҳудудий округлардан **кўппартия-вийлик асосида** сайланадилар. Фикрлар ва мағкуралар хилма-хиллиги, сиёсий институтлар турлилиги республика ижтимоий-сиёсий ва давлат ҳаётининг асосиdir. (Конституциянинг 12-моддаси). Эътиборга молик ери шундаки, қонун чиқарувчи органнинг ўзи ҳокимиятлар тақсимланиши принципи асосида тузилади. Масалан, 91-моддага биноан, Узбекистон Республикасининг Президенти давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, қўйидаги лавозим эгалари депутатлик мандатини ололмайдилар: Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судининг раислари ва аъзолари (Конституциянинг 108 ва 112-моддалари). Бу ҳокимиятларнинг бир-биридан ажралиб қолганлигини англатмайди. Узбекистон Конституциясининг 80-моддасида шундай деб ёзилган: «Олий Мажлис ва унинг органлари йиғилишида Республика Президенти, Бош Вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди раислари, республика Бош Прокурори, Марказий банк бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин».

Олий Мажлис олий қонун чиқарувчи орган сифатида қўйидаги мутлақ ваколатларга эга: Конституция ва қонунлар қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; республика ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, давлат банкларини бошқариш; маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, республика чегараларини ўзгартириш; давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловвларни белгилаш.

Олий Мажлис Узбекистон Республикасининг Конституциявий судини, Олий судини ва Олий хўжалик суди-

ни тузади. Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисини сайлайди. Давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этади, жумҳуриятнинг халқаро шартномалари ва битимларини тасдиқлади ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилади, Президент Фармонларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига республика Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Олий Мажлисининг депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош Прокурор эгадирлар.

Олий Мажлис фаолиятига умумий раҳбарликни унинг Раиси амалга оширади. У парламент қўмиталари ва комиссиялари фаолиятини уйғулаштиради, қонунлар ва қарорларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этади, Олий Мажлис депутатлари ва девонининг ишлаши учун зарур бўлган харажатлар сметасини тасдиқлади. Олий Мажлис энди илгари бўлгани сингари ўзининг доимий Президиумига эга эмас. Унинг ваколатлари парламент, унинг раиси ва республика Президенти ўртасида тақсимланган.

Ўзбекистонда ҳокимиятлар тақсимланиши жараёни нинг сиёсий-руҳий ҳусусияти шундаки, у илгари ягона органга тегишли бўлган ваколатларни ва функцияларни тақсим этиш шаклида амалга ошмоқда. Президентлик бошқаруви кўринишидаги ижро ҳокимиятининг вужудга келиши ва уни ўзига хос бўлган функция ҳамда ваколатлар билан таъминланиши илгари Олий Қенгаш (ҳамда унинг Президиуми)нинг ваколатларидан ажратиб олиш орқали рўй бериши мумкин эди.

Ўзбекистонда президентлик бошқаруви ҳуқуқий институт сифатида ўзининг ҳозирги кўринишида бирданига қарор топгани йўқ. Республика парламенти 1990 йил марта қонун қабул қилиб, ўша вақтда амалда бўлган Конституцияга тузатишлар киритди. Шу тариқа Президент лавозими жорий этилди. Ҳозирги янги Конституция нафақат бу борада ворисликни давом эттириди, балки Президентнинг ҳуқуқий ҳолатини янада такомилластириди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциясига мувофиқ, Президент давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Президент айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади (89-модда). У фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, Конституция

ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир; Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилишига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради; Ўзбекистон давлати номидан иш қуриши мумкин, Ўзбекистонни мамлакат ичкарисида, ва ҳалқаро муносабатларда намоён этади; музокаралар олиб боради ва республиканинг шартнома ва битимларини имзолайди; олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади, Бош Вазир, унинг биринчи ўринbosари, ўринbosарларини, Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва унинг ўринbosарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қиласди, кейинчалик бу масалалар юзасидан фармонларни Олий Мажлис тасдигига киритади; вилоят, туман, шаҳар судларининг ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади; вилояtlар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод этади; Ўзбекистон Республикаси Қонунларини имзолайди, «вето» хуқуқига эга, яъни имзолаш учун Президентга юборилган қонунларга ўз эътироzlарини илова этиб, уни тақороран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли; Республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмандони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмандонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қиласди; олий ҳарбий увонларни беради; республика фуқаролигига қабул қиласди, сиёсий бошпана бериш масалаларини ҳал этади; амнистия эълон қиласди ва афв этиш актларини чиқаради ва ~~х~~ к.

Президент давлат бошлиғи сифатида парламентга таъсир этишга имкон берувчи тегишли ваколатларга эга. Аввало у қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг фаолиятини ўйғунлаштиради. Қонунларнинг Президент томонидан имзоланиши чуқур рамзий маънога эга булиб, бу билан у бутун ҳалқ (миллат) нинг иродасини мужассам этади. Президент ўз ваколатларини ҳалқдан олади, шу боис ўз имзоси билан ҳалқ иродаси ва эзгу истагини акс эттирувчи Қонунни тасдиқлайди. Конституция Президент зиммасига бутун давлат тақдирини жавобгарликни юклайди. Шу сабабли ун-

га «вето» ҳуқуқини беради. Қонунни ўз эътиrozлари билан Олий Мажлисга қайтаришида қандайдир ғайри табиийликни кўриш керак эмас. Чунки қонун қабул қилингач, унинг ижросини таъминлаш Президент гарданига тушади. Демак, Президент мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий равнақига имкон бермайдиган қонунга (унинг айрим қоидаларига) эътиroz билдириши мумкин, бу табиийдир. Агар Олий Мажлис илгари ўзи қабул қилган қонунни учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди (Конституциянинг 93-моддаси 14-банди). Ушбу Конституциявий қоида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги бир-бирини ўзаро «тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш» тизими-нинг муҳим бир элементини мустаҳкамлайди.

Президентнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини, яъни Олий Мажлис эътиборига қонун лойиҳаси, шунингдек қонунчилик характеристидаги таклифларни тақдим этиши ҳуқуқини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур ҳуқуқ ҳам Президентнинг парламентга таъсир этиш мурувватларини мустаҳкамлайди.

Яна бир қиёсий мисол. АҚШ Конституциясига муво-фи, ижро ҳокимияти фақат Президентга берилади. Бу Президентга билдирилган юксак ишончгина эмас, балки улкан масъулият ҳамдир. Кучли президентлик ҳокимияти — бу қонунларнинг аниқ ва оғишмай бажарилишининг ишончли гаровидир. Президент ҳокимиятнинг тўла-тўқислигига ҳеч қандай хавф йўқ, чунки у сайловчиларга ёки парламентга ҳисоб бериб туради.

Ҳокимиятларнинг ўзаро бир-бирини «тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш тизими»нинг энг муҳим бүғинларидан бири шуки, Олий Мажлис таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган ҳал қилиб бўлмайдиган ихтиофлар юз бергanda ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилинган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин.

Ўз навбатида, Конституцияда Олий Мажлис томонидан Президент бошчилигидаги ҳукуматга ва олий суд ҳокимиятига тийиб турувчи таъсир ўтказиш механизми-лари назарда тутилган. Масалан, Олий Мажлис қонунлар, шу жумладан Конституция қабул қилиш йули билан Президентнинг, Вазирлар Маҳкамасининг ва суд-

ларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб қўяди; ижроия ва суд ҳокимияти органлари учун мажбурий меъёрий мўлжал бўлиб хизмат қилувчи ички ва ташқи сиёсат асосларини белгилайди; Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик судининг таркибини сайлайди, Вазирлар Маҳкамаси таркибини тайинланишини тасдиқлади, Президентнинг фармонларини тасдиқлади.

Президент ҳар йили республика Олий Мажлисига ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади. Унинг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги қарори уч кундан кечиктирилмасдан Олий Мажлиснинг тасдигига киритилади.

Демократия ривож топган мамлакатларда «тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш» системаси импинчмент<sup>1</sup> институти, шунингдек парламент томонидан ҳукуматга ишонч ва ишончсизлик билдириш институти ҳам назарда тутилган. Бундай институтларнинг бизнинг сиёсий системамизга жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Суд ҳокимиятининг мақомини конституциявий тартибга солиш қўйидаги масалаларни қамраб олади: а) қонунийликни муҳофаза этиш соҳасида суд ҳокимиятининг устуворлиги ва олийлиги; б) судларнинг тузилиши принциплари ва судьяларнинг статуси; в) демократик одил судлов асослари — судларнинг фаолият принциплари; г) одил судлов соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари.

Ағсуски, совет давлати мавжуд бўлган бутун тарихий давр мобайнида қонунга нисбатан менсимаслик кайфияти устун бўлди, суднинг роли эса камситиб келинди. Судларни «бошқариш» мумкин бўлди, ҳатто улар устидан «қўмондонлик» қилинди.

Маҳсус юридик адабиётда суд анъанавий тарзда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлардан бири сифатида эътироф этилиб келди. Судга дастлаб «оддий», кейинчалик «асосий», «етакчи» ҳуқуқни муҳофаза этувчи орган деб қаради. Бундай ёндашув ҳуқуқий давлат шароитида на сиёсий, на назарий ва на амалий жиҳатдан ўринсиздир. Суд оддийгина ҳуқуқни қўриқловчи орган эмас. У ҳокимиятнинг тулақонли субъекти. Суд — адод-

<sup>1</sup> Импинчмент — давлатнинг олий мансабдор шахсларини истеъфога чиқариш, жавобгарликка тортишинг алоҳида тартибидир.

лат, адлия элтувчидир. Суд — инсоният ақлининг бутун цивилизация тарихи давомида эришган энг буюк ютуғидир. «Суд — қонунийлик ва ҳуқуқий-тартиботни таъминлашнинг ўта нозик сайқал топган, энг такомилга етган воситаси (механизми) дир».

Мазкур таъриф ва тафсилотдан келиб чиқиб айтиш лозимки, ҳозирги пайтда суд давлат ҳокимиятининг за-рурий ажралмас қисми сифатида талқин этилиши лозим.

Ўзбекистонда реал суд ҳокимияти кенг кўламли чу-қур суд — ҳуқуқий ислоҳоти натижасида қарор топиши мумкин. Ушбу ислоҳотнинг бош мақсади суднинг мустақиллигини таъмин этишдан иборатдир. Одил судловнинг мустақиллиги ўн йилликлар давомида шиор бўлиб келди. Аммо иш шиордан нарига ўтмади. Эндиликда эса одил судловга муносабатни тубдан ўзгартиromoқ керак.

Суд ислоҳоти допрасида одил судловнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий, моддий, мафкуравий чора-тадбирларни кўриш лозим бўлади. Булар мужассам ҳолда ва событ қадамлик билан олиб борилсагина судлов тизимиға сифат жиҳатдан янгича тус беради, уни юқорироқ поғонага кўтаради. Пировардида судларнинг республикала қонунийликни ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш бобидаги ролининг ошишига олиб келади.

Мустақилликни таъминлаш аввало судьялар корпусини шакллантириш тартибини ўзгартиришдан, судьялик ваколатининг оқилона муддатларини белгилашдан бошланмоғи лозим. Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси судларни тегишли юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари томонидан сайланиши тажрибасига ва шунинг оқибатида маҳаллий таъсирда қолиб кетишига чек қўйди. Янги тартибга биноан, вилоят, шаҳар, туман судининг, шунингдек хўжалик судларнинг судьялари республика Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Судьяларнинг ваколат муддати — беш йил.

Бундай тайинлашнинг афзаллиги шундаки, вилоят, туман ва шаҳар судьялари ўз ваколатларини Президентдан — яъни, Давлат бошлиғидан оладилар. Бу ниҳоятда тўғри, чунки судьялар одил судловни Ўзбекистон Республикаси номидан амалга оширадилар. Энг муҳими — судьялар маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг таъсиридан холос бўлдилар, сезиларли даражада мустақиллик ва эркинликка эга бўлдилар.

Судларнинг мустақиллиги принципини ҳаётга узвий жорий этишнинг мақсади қўйи судларнинг юқори турувчи суд инстанциялари билан муносабатларини ижобий ўзгартиришдир. Ишларни янгитдан кўриб чиқишга қайтараётганда «кўргазма» беришининг йўл қўйила-диган чегараларини жиддий назорат қилиш керак.

Одил судловнинг мустақиллигини таъминлашда судларнинг моддий-техникавий асосини мустаҳкамлаш чегаралари, уларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганлиги, уй-жой шароитларининг яратиб берилганлиги ало-ҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида Конституциявий суднинг тузилганлиги ҳуқуқий давлат сари қўйилган муҳим қадамдир. Бундай суд Ўзбекистонда биринчи бор қарор топди ва у бизнинг суд — ҳуқуқий тизимимизда янги институтдир. Конституциявий суд қонунларнинг ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа хужжатларнинг, Президент фармонларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ор-ганлари қарорларининг Конституцияга мослигини белгилайди; Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясига ва қонунларига мослиги юзасидан хulosса беради.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас (Консти-туциянинг 109-моддаси).

Илмий адабиётларда суд юрисдикциясини кенгайти-риш зарурлиги хусусида асосли фикрлар билдирилмоқда. Ижро этувчи органлари билан фуқаролар ўртасида вужудга келадиган барча низолар (шу жумладан норматив акт қабул қилинishi туфайли шахс ҳуқуқлари-нинг бузилишига доир даъволар) суднинг муҳокамасига тааллуқли бўлиши керак. Зоро, ҳуқуқий давлатда ҳар бир фуқаро суд ёрдамида ўзининг бузилган ҳуқуқлари-ни ва манбаатларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлиши шарт.

Ўзбекистон Конституциявий суднинг жорий этилиши билан конституциявий ва «умумий» судлар ўртаси-даги ўзаро муносабат борасида муаммо туғилди. Аслида суд ҳокимияти бизда уч қисмдан иборат бўлиб қолди: Конституциявий суд, Олий Суд ва Олий ҳўжалик суди. Конституциявий суд ҳам юридик, ҳам амалий жи-ҳатдан «умумий» ва ҳўжалик судларига қараганда анча

юқори мавқени әгаллаётпир. Амалиёт шундай бўлмоқда. Назарий жиҳатдан эса Олий суд ягона бўлиб, унинг таркибида Конституциявий палата ва хўжалик ишлари ни кўриб ҳал этувчи коллегия фаолият курсатса мантиқий бўлур эди. Масалан, АҚШ, Япония, Данія, Норвегия ва бошқа давлатларда Конституциявий суднинг функцияларини Олий суд, яъни «умумий» юрисдикция суди амалга оширади. Дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги хўжалик судьялари ҳам алоҳида эмас. Бундай масалаларни ҳам «умумий» судлар ҳал этади.

Уч поғонали суд тизимининг мавжуд бўлиши ўтиш даврининг ўзига хос хусусияти бўлса, эҳтимол. Амалда ташкилий жиҳатдан мустақил фаолият юритувчи учта суд органини сақлаб туриш мумкин, албатта, аммо уларнинг ҳаммаси ягона суд тизимини ташкил этиши керак. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам худди мана шу принципдан келиб чиқади.

Суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимиятлар билан тенг фаолият қилиши Конституция даражасида мустаҳкамланган. Асосий Қонунимиз: — «судьялар мустақиллар, фақат қонунга бўйсунадилар», деб эълон қиласди. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади (112-модда). Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлр, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир (114-модда).

Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи органга нафақат ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти устидан назорат қилиш орқали, балки қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш йўли билан ҳам таъсир кўрсата олади. Суд фикри қонун чиқарувчи орган учун ҳамиша қимматлидир. Зоро, суд ўз ғоя ва таклифларини бевосита ҳаётдан, ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб шакллантиради.

Шундай қилиб, ҳокимиятлар тақсимланиши давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва ўзаро бир-бирини назорат қилиши нуқтаи назаридан, улар ўртасидаги низоли вазиятларни ечиш ва фуқароларнинг манбаатини ҳимоя қилиш жиҳатидан энг самарали юридик восита бўлиб хизмат қиласди. Ҳокимиятлар тақсимланиши ижтимоий-сиёсий ҳаёт демократлаштирилганлигининг меъёри ва ўлчовидир. У ўзаро турли қутбларда турувчи ҳокимият ва эркинлик, қонун ва адолат, давлат ва шахс каби ижтимоий ҳодисаларни инсон қадр қиммати нуқтаи назаридан келиб чиқиб узвий мужас-самлаштиради.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат мақомига эга бўлганлиги муносабати билан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини қайта қуриш ва фаолиятларини такомиллаштириш тўғрисида кўпгина Конституциявий аҳамиятга эга бўлган Қонунлар қабул қилинди.

Аввало бу масалага оид қонун ва ҳуқуқий нормаларни қабул қилиниши номи ва вақти ҳақида айтиб ўтишликни маъқул курдик.

1. «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларининг мақоми тўғрисида»ги Қонун (1990 йил, 31 октябрь).

2. «Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисида»ги Қонун (1990 йил, 31 октябрь).

3. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун (1991 йил, 31 август).

4. «Ўзбекистон Республикаси Ижроия ҳокимият—бошқарма идораларини тузилишини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қонун (1990 йил, 3 ноябрь).

5. Ўзбекистон Республикаси «Тошкент шаҳар ҳокимини сайлаш тартиби тўғрисида» муваққат Низомни тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг Қарори (1991 йил, 25 ноябрь).

6. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий ҳокимият идорасини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонун (1992 йил, 4 ноябрь).

7. «Вилоятлар, ноҳиялар ва шаҳарларнинг ҳокимлари ҳамда уларнинг ҳокимиятнинг вакиллик идоралари—халқ депутатлари кенгашлари билан ўзаро муносабатлари асослари тўғрисида»ги муваққат Низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг Қарори (1992 й. 27 февраль. № 544—XII).

8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонун) (1992 йил, 8 декабрь.).

9. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун (1993 йил, 2 сентябрь.).

10. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун (1993, 2 сентябрь)

11. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун (1993, 28 декабрь).

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларининг мақоми тўғрисидаги қонунда: «Ўзбекистон Республикасида халқ ўзи сийлаган депутатлар кўмагида халқ депутатлари Кенгашлари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширади. Бошқа барча давлат идоралари халқ депутатлари назоратидадир ва унга ҳисоб берадилар», дейилган.

Демак, давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш ва ижроия органлари тузиш, уларнинг кўп қиррали фаолиятлари бевосита депутатларнинг иштироки билан амалга оширилади.

Ҳамма халқ кенгаши давлат идораларининг ишини ўюнтиришда депутатлар қатнашади.

«Ўзбекистон Республикасида халқ депутатларининг мақоми тўғрисида»ги Қонун давлат ишини бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Халқ депутатлари мақоми тўғрисидаги Қонун мустақил республикамиз давлат ҳокимияти органларининг янги шароитда ташкилий ишларни такомиллаштиришга яқиндан ёрдам берадиган муҳим ҳуқуқий дастур бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги Қонунда: Ўзбекистонда биринчи марта Мулкчилик тўғрисидаги Қонунни қабул қилишдан асосий мақсад — Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг самарадорлигига ва халқ фаровонлигининг ўсишига ёрдам берадиган ҳар қандай шаклдаги мулкчилик булишига рухсат беради.

Республикадаги ҳамма шаклдаги мулкчиликнинг ривожланишига ва уни давлат муҳофазасини таъминлаш давлат маҳаллий ҳокимият органларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Чунки мулк ва мулкчилик муносабатларини тартибга солиш ва унга давлат назоратини таъминлаш маҳаллий давлатни бошқариш органлари ваколатларига киради.

«Ўзбекистон Республикасининг Ер тўғрисида»ги Қонунда Ўзбекистон давлати ва уни маҳаллий ҳокимияти фаолияти муҳим ўрин тутади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки у ҳар бир давлат органини ўз ҳудудида хўжаликка—ҳамма турдаги ердан фойдаланишга давлат назоратини амалга оширишда асосий ҳуқуқий ҳужжатдир.

Мисол тариқасида Қонуннинг баъзи моддаларидағи маҳаллий ҳокимиятлари ваколатларини кўрсатиб ўтиш кифоя.

Халқ депутатлари туман Кенгашларининг ер мунсса-батларини тартибга солиш соҳасидаги ваколати. Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қўйидагилар халқ депутатлари район Кенгашлари ихтиёрида бўлади:

1) фуқароларга, корхоналарга, муассасаларга, ташкilotларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ҳамда ижарага ер бериш, шунингдек ер участкасининг катта ёки кичиклигидан қатъий назар заҳира ерлардан: тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган сугориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари барча қишлоқ хўжалик ерларидан, биринчи гуруҳга кирувчи ўрмонлар билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларидан; саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерлардан; сув фонди ерларидан битта ер эгасига ва ердан фойдаланувчига 10 гектаргача ер бериш;

2) халқ депутатлари кенгашларининг ҳуқуқ доирасига кирувчи ҳоллардан ташқари ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тұхтатиб қўйиш, бундай тұхтатиб қўйиш ушбу қонуннинг 14-моддасида белгиланган эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқларини тұхтатиш сабаблари белгиланган тартибда тасдиқланганидан кейин амалга оширилади;

3) ерга эгалик қилиш ҳуқуқини, ердан фойдаланиш ҳуқуқини ва ерни ижарага олиш шартномаларини рўйхатга олиш, колхоз аъзолари умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ колхозларни тугатиш, қайта ташкил этиш;

4) ер — кадастр ҳужжатларини ёритиши ташкил этиш;

5) ер тузиш ишларини ташкил этиш;

6) фуқароларга жамоат боғдорчилиги ва узумчилиги, дала-ҳовлилар қурилиши учун, давлат кооператив жамоат корхоналарига муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек, диний ташкилотларга бериб қўйилган ер солиғи ва ижара ҳақи ундириш;

7) ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни назорат этиш;

8) Ўзбекистон Республикасининг деҳқон ҳўжалиги тўғрисидаги қонун ушбу қонуннинг 3,4 ва бошқа моддаларида маҳаллий ҳокимлик ва уни ижроия бошқарма-

ларига кўп масалаларни амалга ошириш вазифаси топширилган («Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил, 13 август).

Юқорида келтирилган маҳаллий ҳокимият ваколатига кирадиган кўп қиррали ҳуқуқий муносабатлар Маҳаллий ҳокимият органларининг компетенциялари кенгаяётгандан далолат беради.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки ер ҳақидаги қонун мустақил республикани давлат ҳокимият органларининг фаолиятини такомиллаштиришда катта роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонунга асосан (1991 йил 31 августда) қабул қилинган республикамида давлатчилик соҳасида мутлақо янги саҳифа очилди. Ушбу қонуннинг айрим ҳолатларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш қабул қиласан Баёнотда қўйидағи ажойиб сўзлар ёзилган. Масалан: Ўзбекистон Республикаси, ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга, мустақил, демократик давлатadir деб қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг халқи суверенdir ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир. У ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллый-давлат ва маъмурӣ ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси ва ҳудуди даҳлсиз ва бўлинмас бўлиб, унинг халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин билдирамасдан туриб ўзгартирилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг тизими ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулкидир.

Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сувва ўрмонлар: ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий бойлик-

лари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги мулки ҳисобланади.

«Ўтмишдан сабоқ чиқариб ва сobiқ ССР Иттифоқининг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни эътиборга олиб,

— халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб,

— Ўзбекистон халқларининг тақдирни учун бутун масъулиятни англаб,

— шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мустақил давлатлар ўртасидаги чегараларнинг бузилмаслиги тўғрисидаги Хельсинки шартномаларига қатъий садоқатини баён этиб,

— миллати, динни эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъи назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносаби ҳаёт кечиришини, шаъни ва қадрқимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга итилиб,

— мустақиллик декларациясини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг, ўз таркибидаги Қоралпоғистон Республикаси билан бирга, ҳудудий бўлинмас ва даҳлсиздир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатларга ҳудудий даъволари бўлмай, у ўз ҳудуди ва унинг табиий бойликларига нисбатан олий ҳуқуққа эгадир.

Давлат ҳокимиятининг бирлан бир соҳиби Ўзбекистон Республикасининг озод мустақил халқидир.»

Юқорида келтирилган янги Қонунларга биноан Ўзбекистон Мустақил республикасининг янги давлат тузуми ва ҳокимият органларини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий ваколатини белгилаш зарурлиги ўз-ўзидан тушувнарли.

Шу муносабат билан янги шароитга мос давлат органларини такомиллаштириш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Масалан, 1992 йил 4 январда, Ўзбекистон Республикаси вице-Президенти лавозимини тугатиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири лавозимини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Конституцияси (Асосий Қонун)га ўзгаришлар киритиш; Ўзбекистон Республикасининг Маҳаллий ҳокимият идораларини қай-

та ташкил этиш тұғрисида қонун қабул қилинди; 1993 йил 2 сентябрда, Ўзбекистон Республикасы Маҳаллий давлат ҳокимияти тұғрисида, фуқароларнинг үзини үзи бошқариш органлари тұғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

Иқтисодиётни бозор муносабатларига ұтказиш шаритида ижроия ҳокимиятини мустаҳкамлаш зарурлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашы қарор қабул қилди. Қарорга биноан Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари, туманлари ва шаҳарларидә вакиллік ҳокимиятига ҳамда ижроия бошқарув ҳокимиятига бошчылық қиладиган ҳокимлар лавозими таъсис этилди.

Вилоятларнинг ҳокимлари Ўзбекистон Республикасынинг Президентига ва халқ депутатлари тегишли кенгашларига ҳисоб беришлиги белгилаб қўйилди. «Улар Президентнинг жойлардаги расмий вакиллари бўладилар. Унда ҳокимлар Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тайинланиши ва лавозимдан озод қилиниши ҳамда шундан сунг халқ депутатлари тегишли вилоят кенгашлари томонидан тасдиқлананиши қайд қилинди.

Туманлар ва шаҳарларнинг (Тошкент шаҳри бундан мустасно) ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланиб, халқ депутатлари тегишли туман шаҳар кенгаши томонидан тасдиқланадилар;

шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланиб, халқ депутатлари тегишли шаҳардаги ноҳия кенгаши томонидан тасдиқланадилар;

— туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари ўзларидан юқори турувчи ҳокимларга ва тегишли халқ депутатлари кенгашларига ҳисоб берадилар.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ҳокимлар бошчилигидаги халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари маҳаллий аҳамиятга мөлник барча масалаларни умумдавлат манфатлари ҳамда кенгаш худудида яшаётган фуқароларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этадилар. Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, юқори давлат идораларининг қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қуйи кенгашларининг фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва маҳаллий

аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Ҳоким ижроия аппаратига эга бўлиб, бу аппарат ҳозир амал қилиб турган кенгаш ва ижроия комитетининг вазифаларини бажаради. Аппаратнинг тузилишини ва штатларини ҳоким белгилайди ҳамда ҳалқ депутатлари кенгашни тасдиқлади.

Ҳокимнинг ўринbosарларини аппарат бўлимлари ва бошқармалари, бошқа бўлинмаларининг раҳбарларини ҳокимнинг тақдимиға мувофиқ ҳалқ депутатлари тегишли кенгашлари тасдиқладилар.

Ҳоким Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзиға бериб қўйилган ваколатлар доирасида қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Ҳокимнинг қарорлари ва фармойишлари кенгаш ҳудудидаги барча корхоналар, муасасалар, ташкилотлар, жамият ва бирлашмалар учун, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг сессиялари ҳокимлар томонидан заруратга қараб, лекин бир йилда камида икки марта чақирилади.

Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий ҳокимият идораларини тузниш масалалари Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан ушбу қонунга мос тарзда белгиланади».

Шундай қилиб, ушбу қонун конституцион қонун бўлиб, маҳаллий ҳокимият органларини қайтадан қуриш, уларнинг ҳуқуқ ва бўрчларини янги шароитда мослаштиришга онд муҳим ҳуқуқий нормаларни ўз ичинга олади.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясида алоҳида 21-бобда Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари ўз ифодасини топди.

Янги Конституцияга биноан вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимиятга бошчилик қиласидиган ҳалқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

Конституциянинг 100—105-моддаларида маҳаллий ҳокимият органлар ихтиёрига кирадиган масалалар баён этилган.

Юқорида келтирилган қонун ва Республикаизнинг Асосий қонунига биноан мутлақо янги ҳокимлик мақоми баён этилади. Энди Конституциянинг 103-моддасига

асосан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошлиқ асосларда амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қиласди.

Конституцияга асосан маҳаллаларда фуқароларнинг йифинлари ўзини-ӯзи бошқариш органлари бўлиб, улар 2, 5 йилга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби фаолиятини ташкил этиш ҳақида ваколат доираси янги — «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини-ӯзи бошқарув органлари тўғрисида»ги қонунлар билан белгилади.

## VI боб

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВАҚИЛЛИК ҲОКИМИЯТ ОРГАНИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўйича давлат Ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларнинг тақсимланиш принципи асосида амалга оширилади. Конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлатнинг учта асосий таянчидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ана шу учта ҳокимият идораларнинг ўзаро уйғун фаолият во-ситалари, шунингдек, бу идораларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриш тизимини вужудга келтирувчи қоидалар мустаҳкамланган. Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг, суд ҳокимияти идоралари бўлмиш: Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судининг ваколатлари мукаммал белгилаб қўйилган.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий вакиллик органи бўлиб, конун чиқарувчи ҳокимияти амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бу Республика Олий халқ вакиллик органи ҳисобланади. Халқ вакиллик органи деганимизда нимани тушунамиз ёки вакиллик органи нима? Халқ вакиллик органи — бу халқ томонидан сайлаб қўйиладиган халқнинг энг яхши вакиллари ҳисобланиб, улар асосан конун чиқариш билан шугулланади. Уларнинг асосий фаолияти халқ иродасини ифода этади, Олий Мажлис депутатлари уларни сайлаб қўйган халқ олдида жавобгардирлар ва уларга тобедурлар. Олий Мажлисга берилган халқ иродаси, бу Олий ташкилотни чиқарадиган ҳужжатларида: Конституция, конунларда, қарорларда ва бошқа ҳужжатларда ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар Республигадаги ҳамма давлат органлари, жамоат бирлашма-

лари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Олий Мажлис қабул қилган Конституция ва жорий қонунлар бошқа давлат органларининг ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш учун юридик манбай ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялийк асосида 250 нафар депутат беш йил муддатга сайланади. Ўзбекистон Республикасининг 1978 йилдаги Конституциясига биноан ўн иккинчи чақириқ Республика Олий Совети депутатларининг сони 500 кишидан иборат эди.

Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси Олий Мажлисга депутатлар сайлаш тартибиغا ҳам ўзгаришлар киритди. 1978 йилги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича Республика Олий Советига 21 ёшга етган фуқаролар сайланган бўлса, янги Конституцияга биноан Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ирқи, миллати, жинси, диний эътиқоди, маълумотидан қатъи назар эгадирлар. Бу сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Республика Олий Мажлиси ваколатларининг асосини белгилайди. Олий Республика Мажлисининг мутлақ ваколатлари янги Конституциянинг 78-моддасида тўлиқ белгилаб қўйилган. 1978 йилги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосан Олий Ҳокимият органи республиканинг бутун давлат ҳокимиятини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Президент бошқарувига ўтганлиги муносабати билан янги Республика Конституцияси Олий Мажлис ваколатини тўлиқ аниқлаб берди. Конституцияга мувофиқ Олий Мажлис ҳозирда Республикада фақат қонун чиқарувчи орган бўлиб қолди.

Яна шуни қайд қилиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти Конституциянинг 7-моддасига биноан, ҳалқ манфаатини кўзлаб Конституцияда бошқа қонунларда белгиланган давлат идоралари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимиятини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Кон-

ституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жа-  
вобгарликка тортишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-мод-  
дасига асосан Ўзбекистон Олий Мажлисининг қонун чи-  
қариш соҳасидаги мутлоқ ваколатларини шаклан 5 гу-  
руҳга бўлиш мумкин: 1) давлат қурилиши соҳаси;  
2) хўжалик соҳаси; 3) бошқарув ва суд органларини  
тузатиш; 4) қонунчилик соҳаси; 5) халқаро алоқалар  
соҳаси.

1. Олий Мажлиснинг давлат қурилиши соҳасидаги  
қонунчилик ваколатига:

— Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини  
қабул қилиш, унга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш;

— Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи,  
ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизмини ва ваколат-  
ларини белгилаш;

— Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат  
тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон  
Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни  
тасдиқлаш;

Маъммурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун  
йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси  
чегараларини ўзгартериш;

— туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш,  
тугатиш, номини ўзгартериш ва уларнинг чегараларини  
ўзгартериш;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва  
маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлаш; Мар-  
казий сайлов комиссиясини тузиш;

— ваколати тугаши муносабати билан Ўзбекистон  
Республикаси Президенти сайлов кунини тайинлаш;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ра-  
исини ва унинг ўринbosарларини сайлаш;

— давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш  
ваколатларини амалга ошириш киради.

2. Олий Мажлиснинг хўжалик соҳасидаги ваколат-  
ларига:

— Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати-  
нинг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат страте-  
гик дастурларини қабул қилиш;

— бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли  
билин тартибга солиш;

— Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўз-  
бекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва

унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тұловларни жорий қилиш киради.

3. Олий Мажлиснинг бошқарув ва суд органларини тузиш соҳасидаги ваколатлари:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофизасының раисини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосары ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш түғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазириллар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлаш;

— Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

— Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

— Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлашдан иборат.

4. Олий Мажлиснинг қонунчилик соҳасидаги ваколаттига:

Республика ҳуқуқининг барча соҳасидаги қонунларни қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш киради.

5. Ҳалқаро алоқа соҳасидаги Олий Мажлиснинг ваколатларига:

— ҳалқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барвақт тұхтатиш) қилиш;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлық эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тұхтатиш түғрисидаги фармонларини тасдиқлаш киради.

Бундан ташқари Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилған бошқа ваколатларни Олий Мажлис амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Олий Мажлиси ва унинг идораларининг фаолияти тартиби Олий Мажлис томонидан тасдиқланған «Иш тартиби» билан ҳамда Ўзбекистон Республи-

каси Конституцияси асосида чиқариладиган бошқа қо-  
нунлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг фаолияти масалаларни жамоа бўлиб, эркин муҳокама қилиш ва ҳал этишга, ошкораликка, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг тасдиғи билан тузиладиган идоралар, у сайлайдиган, тасдиқлайдиган мансабдор шахслар Олий Мажлис олдида масъул бўлиши, қонунчиликка, фуқароларни давлат ва жамоат ишларига кенг кўламда жалб қилишга, жамоатчилик фикрини доимо ҳисобга олишга асосланади.

Олий Мажлис йиғилиши жами депутатларнинг камидаги учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

Ваколат муддати тугагач Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги чақириқ Олий Мажлиси иш бошлагунига қадар ўз ваколатини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг сайловдан кейинги биринчи йиғилиши Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин икки ойдан кечиктиримай чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Олий Мажлис йиғилишини чақириш ҳамда йиғилиш муҳокамасига киритиладиган масалалар тўғрисидаги қарори Олий Мажлис депутатлари ва ахолига олдиндан маълум қилинади. Ўзбекистон Олий Мажлиси муҳокамасига киритилган қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари Олий Мажлис депутатларига барвақт тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг органлари йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Бош вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика Конституцияий суди, Олий суд, Олий ҳўжалик судининг раислари, Бош прокурори, Марказий банки бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишининг кун тартибини, ишлаш тартибини ва йиғилишини утказиш билан боғлиқ бўлган бошқа ташкилий масалаларни дастлабки суратда муҳокама қилиш учун Олий Мажлис Раиси Олий Мажлис депутатлари вакилларининг Кенгашини чақириши мумкин. Депутатлар вакиллари Кенгашини чақиришдан олдин Олий Мажлис Раиси

си Олий Мажлис йиғилишининг кун тартибига ва ишлаш тартибига доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари раислари билан биргаликда тайёрлади.

Олий Мажлис депутатлари вакилларининг Қенгаши фақат Олий Мажлис йиғилиши даврида ишлайди, у ҳар бир вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасидаги депутатларнинг вакилларидан иборат қилиб тузилади.

Қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари лойиҳаларини, Ўзбекистоннинг амалдаги қонунларини ўзгартириш тұғрисидаги қонунлар лойиҳаларини қабул қилиш тұғрисидаги таклифларини (қонун чиқариш таклифлари) киритиш шаклида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг 82-моддаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи бор органларни рүйхатини келтиради. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек үз давлат ҳокимининг олий органдар орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар.

Қонун лойиҳаларини таклиф этиш ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат ва жамоат идоралари, ёки айрим фуқаролар таклиф қилган Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг лойиҳалари ёки қонун чиқариш таклифлари қонун лойиҳаларини таклиф қилиш ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган идоралар ва шахслар орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилиши мумкин.

Қонун лойиҳаси ёки қонун чиқариш тұғрисидаги таклифни дастлабки тарзда қараб чиқиш ва бундан бўён унинг устида иш олиб бориш тартиби ҳақида таклиф тайёрлаш учун қоида тариқасида Олий Мажлис Раиси томонидан Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари ҳамда комиссияларига ва айни бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасига юборилади. Бунда хulosса тайёрлаш учун бош қўмита ёки комиссия белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, қоида тариқасида, икки марта ўқиши йўли билан амалга оширилади.

Қонун лойиҳасининг биринчи ўқилишида Олий Мажлис қонун лойиҳаси ташаббускорининг маъруzasини тинглайди, қонун лойиҳасининг асосий қондаларини муҳокама қиласи ҳамда тузатишлар шаклида таклиф ва мулоҳазалар билдиради, зарур ҳолларда қонун лойиҳасини муҳокама этиш учун эълон қилиш ҳақидаги таълифларни қараб чиқади.

Муҳокама якунлари бўйича Олий Мажлис қонун қабул қиласи, қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маъқуллайди ёки уни рад этади. Қонун лойиҳаси маъқулланган тақдирда Олий Мажлис уни иккинчи ўқишига тақдим этиш муддатини белгилайди.

Қонун лойиҳаси юзасидан иккинчи ўқиши чоғида лойиҳа моддама-модда, бўлимлар бўйича ёки бутунлай муҳокама қилинади.

Биринчи ёки иккинчи ўқиши натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунни қабул қиласи ёки қонун лойиҳасини рад этади, ёхуд уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ энг муҳим қонунларнинг лойиҳалари халқ овозига (референдумга) қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ қонунни қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг кўпчилик овози талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари умумий сонининг камидан учдан икки қисмини ташкил этувчи кўпчилик томонидан қабул қилинган Олий Мажлис қарори билан ўзgartirилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларини Республика Конституциясининг 93-модда 14-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолайди; Президентнинг конунга эътиrozлари бўлса, у тақдирда ўз эътиrozлари билан тақрорий муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига камида икки ҳафта ичидаги қайтариб юборишга ҳақлидир. Агар Олий Мажлис илгари ўзи қабул қилган қарорни учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди.

Қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунинг Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган матнни эълон қилиш учун Олий Мажлис Раисига юболади.

Ўзбекистон Республикаси Қонунларини эълон қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонуни билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ қабул қилинган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

Уз ваколатларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — қарорлар, Олий Мажлис Раиси — фармойишлар қабул қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бундан ташқари мурожаатномалар, декларациялар, баёнотлар қабул қилиши мумкин. Олий Мажлиснинг қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Раиси имзолайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили ҳисобот берib турадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон вакили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг депутати бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Раиси ва унинг ўринбосарлари Олий Мажлис ваколат муддатига сайланади. Олий Мажлиснинг Раиси этиб бир шахсни сурункасига икки муддатдан ортиқ сайлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Раиси муддатидан олдин яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис томонидан чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Раиси, агар уни чақириб олиш учун Олий Мажлис депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган бўлса, чақириб олинган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 85-моддасида Олий Мажлис Раисининг ваколатлари тұғрисидағап боради. Конституциянинг бу моддасига мувофиқ Олий Мажлиснинг Раиси қўйидаги ваколатларга эга:

— Олий Мажлис муҳокамасига қўйиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қиласди;

— Олий Мажлис йиғилишларини чақиради, Олий Мажлис кун тартибига киритиладиган таклифларни қўмиталар ва комиссиялар раислар билан биргаликда тайёрлайди;

— Олий Мажлис йиғилишларида раислик қиласди;

— Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

— қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилишини ташкил этади;

— парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ва халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик қиласди;

— Олий Мажлис раисининг ўринбосарлари, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари раислари этиб сайлаш учун Олий Мажлисга номзодларни тақдим этади;

— қўмиталар ва комиссиялар таркибини ўзgartириб, сўнгра бу ўзгаришларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

— Олий Мажлиснинг матбуот органлари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

— Олий Мажлис депутатлари ва девонининг ишлashi учун зарур ҳаракатлар сметасини тасдиқлади;

— Олий Мажлиснинг қарорларини имзолайди ва бошқалар. Олий Мажлиснинг Раиси бу ваколатларни бажариш юзасидан фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўз депутатлари орасидан қўмиталар ва комиссиялар сайлади. Уларниң асосий вазифаси қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлисга ҳавола этиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиши ва тайёрлаш, қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг ижросини назорат қилиб турлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қўмиталари ва мандат комиссияси Олий Мажлиснинг биринчи йи-

ғилишида Олий Мажлиснинг ваколат муддати даврига тузилади.

Қўмиталар ва комиссияларнинг рўйхати Олий Мажлиснинг қарорлари билан тасдиқланади. Қўмиталар ва комиссиялар аъзоларининг сони Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланади.

Зарур ҳолларда Олий Мажлис исталган вақтда янги қўмиталар ва комиссиялар тузиш, илгари тузилганларни тугатиши ёки қайтадан ташкил этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мандат комиссияси ва қўмиталари тўғрисида» ги Қонунида бу комиссия ва қўмиталарнинг ишини ташкил қилиш, улар фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида батафсил кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг мандат комиссияси ва қўмиталари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажара бориб, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий идораси булмиш Олий Мажлисни самарали фаолият курратишига ёрдам берадилар.

Ушбу Қонуннинг 2-моддасида Олий Мажлис комиссияси ва қўмиталарининг асосий вазифалари кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси зарур деб ҳисобланган пайтда ҳар қандай иш юзасидан тергов, тафтиш ва бошқа муваққат комиссиялар тузади.

Муваққат комиссияларнинг вазифалари ва уларнинг фаолият тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан уларни тузиш чоғида белгилаб қўйилади.

Комиссиялар давлат ва жамоат идораларидан, муасасалар ва ташкилотлардан зарур ҳужжатлар ва материалларни талаб қилиш ҳамда олиш, экспертлар чиқариш, ҳар қандай шахсни таклиф этиш ва сўраб-сүриштириш ҳуқуқига, Олий Мажлисни уларга бериб қўйган бошқа ваколатларига эгадирлар.

Олий Мажлис комиссия ва қўмиталари ўзи сайлаб қўйган Олий Мажлис олдида масъулдирлар ва унга ҳисоб берадилар. Бу комиссия ва қўмиталар ўз ишларини, масалаларни колектив равишда, эркин муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ошкоралик ҳамда ўз аъзоларининг кенг ташаббускорлиги асосида ташкил этадилар. Олий Маж-

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖРОИЯ ХОКИМИЯТИНИНГ ОЛИЙ ИДОРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ижроия ҳокимияти олий идораларининг тизимига республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа марказий бошқарув идора — (маҳкама) лари киради. Улар ўз ҳуқуқий мақомига кўра Ўзбекистонда умумий, соҳалар ва тармоқлараро марказий давлат бошқарувини амалга оширмоқда. Бу идоралар фаолияти мазмунида давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишга ҳамда ташқи алоқаларга ҳуқуқий-ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилиш намоён бўлади. Уларнинг ҳар бирининг ҳуқуқий мақомида, ташкил этилиши ва фаолиятида умумийликлар билан бир қаторда ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Шу боисдан уларни бирма-бир куриб чиқайлик.

Собиқ СССР, иттифоқдош ва айрим автоном республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда президентлик лавозимининг пайдо бўлиши 1985 йил апрелда бошланган қайта қуриш жараёнлари билан, айниқса 1988—1989 йилларда ёқ авж олиб кетган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар билан боғлиқ эди.

1. Қайта қуриш жараёнида пролетариат диктатураси давлатининг синфий зўрлик ишлатиш томони ўта даҳшатли тус олганлиги натижасида шахсга сифиниш даврида миллионлаб кишиларнинг қурбон булганлиги, совет тоталитаризмининг руҳи ва моҳияти, шаклланган ва тобора мустаҳкамланиб борган партия—давлат бюрократизми қаттиқ қораланди, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида ўрнатилган КПССнинг<sup>1</sup> якка ҳокимлигига барҳам бериш ўйлига киришилди. Аввалига СССР, сўнгра республикамиз конституцияларининг 6

<sup>1</sup> 1991 йил августдаги ГКЧП нинг давлат тўнтириши учун қилган ҳаракатидан кейин эса собиқ Совет Иттифоқида ва республикаларда КПСС тамоман ман этилди, баъзи республикаларда эса бошқа партияга айлантирилди.

ва 7-моддаларига Коммунистик партияning илгариги мавқенини ўзгартириш ва кўлпартиялилик мавжудлиги тўғрисида жиддий янги қоидалар киритилди. Хуллас, «жамиятни ривожлантиришнинг бош истиқболини» белгиловчи, «совет халқининг буюк бунёдгорлик фаолиятига «раҳбарлик» қилувчи КПССнинг жамият ва давлат ҳаётида ўз мавқенини—ролини йўқотиши президентлик институтининг келиб чиқишида энг муҳим ва белгиловчи сабаблардан бири бўлди.

2. Ана шундай сабаблардан яна бири шу бўлдики, Сиёсий бюро ва партия комитетларининг одатдаги стратегик ва тактик кўрсатмаларига омиҳта бўлиб (ўрганиб) қолган марказий ва маҳаллий бошқарув идоралари қайта қуриш жараёнида аввалги маъмурӣ-буйруқбозлик иш услублари учун қаттиқ танқидга учраб, уларнинг «қўли ишдан совиб» қолди ва бунинг устига халқ депутатлари Советлари янги демократия ва ошкоралик шароитида митингбозликка айланди, натижада давлат ҳокимияти бирмунча кучсизланди. Белгиланган иқтисодий ва социал режалар тўлиқ бажарилмай қолаверди, ишлаб чиқаришга давлат **раҳбарлиги**, **халқнинг** моддий ва маданий турмуш даражаси тобора пасая борди. Қонунлар ва ҳукумат **ҳужжатларининг** ижроси устидан наворат камайди. Хуллас, мамлакатда анархия ҳолати ҳавфи орта бориб, давлат ҳокимиятини марказда ҳам, жойларда ҳам кучайтиришга жиддий эҳтиёж туфилди.

3. Қайта қуриш программасининг, яқин ва узоққа мўлжалланган мақсаднинг ноаниқлиги, раҳбарият сиёсатидаги қатор ҳатолар ва чексиз сафсатабозлик натижасида фақат 1989—1992 йилларгагина келиб, мулкнинг турли шакллари асосида бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш зарурлиги озми-кўпми равshan бўлди. Бу пайтга келиб иқтисодий қийинчилкларга янги ижтимоий ва миллий муаммолар ҳам қўшилди, марказдан қочирма кучлар авж олиб кетди. Натижада қонун чиқарувчи ва ижроня ҳокимиятни бирлаштирувчи, уларнинг жамият учун нафини оширувчи янги институтга эҳтиёж тобора кучайиб борди.

Бу эҳтиёж 1990 йил март ойида СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқарӣ учинчи Съездидаги атрофлича муҳокама қилинди ва СССР Конституциясига ССР Иттифоқи Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда унинг ваколатларини белгилаш ҳақида муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу лавозимнинг

жорий этилиши якка шахснинг диктатурасини келтириб чиқариши мумкин, деган хавф ва ғўчишлар ҳам изҳод қилинди, ҳатто унга кўр-кўёна қарши чиққанлар ҳам бўлди. Масалац, ўша съездда ҳалқ депутати Ю. Н. Афансьев «регионларо депутатлар группасининг аъзолари президентлик лавозими жорий этилишига салбий муносабат билдирилар ба съездда Президент сайла нишига қатъий карши чиқмокдалар»<sup>1</sup> деди.

Иттифоқ Конституциясига ССР Президентининг ҳуқуқий мақомини белгилаш юзасидан киритилган қоидаларда бу лавозимнинг демократик табнатини белгилаш юзасидан қатор кафолатлар ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Уларга қўйидагилар кирарди: Президентнинг ҳалқ томонидан сайлаб қўйилиши, унинг кўпин билан ички муддатга сайланиши, қонун чиқарувчи идора назорати остида бўлиши ва вақти-вақти билан ички ҳамда ташқи аҳвол ҳақида унга ахборот берни туриши, Президент вақолатларининг Конституция ва қонунлар билан аниқ белгиланиши, унинг қошида маҳсус Кенгашнинг мавжуд бўлиши ва бошқалар. Бу кафолатлар Президент якка ҳокимлигининг келиб чиқнишига йул қўймаслик учун муҳим воситалардир, деб тан олindi.

Мамлакатимизда президентлик лавозимининг келиб чиқни ҳақида баён этилган фикрлар Ўзбекистонда шу институтининг вужудга келишига ҳам бевосита ва тўлиқ онддир. Республикаимизда бу лавозимнинг пайдо бўлиши, айниқса унинг ҳуқуқий мақомининг белгиланиши уч босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқич — 1990 йил март—октябрь ойларидан иборат. 1990 йил 24 марта Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш түғрисида Қонун қабул этилди. Унга кура республикамиз Президенти лавозими таъсис қилинди. Бунда демократия жараёнларини янада ривожлантириш, сиёсий ўзгаришларни чуқурлаштириш, конституциявий тузумни, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, республика давлат ҳокимияти ва бошқарувни олий идораларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш мақсад этиб қўйилди. Шу муносабат билан республика Конституцияси Президент ҳақидаги янги, 12<sup>1</sup>-боб билан тұл-

<sup>1</sup> Совет Ўзбекистони. 1990 йил, 14 март.

дирилди. Үндаги конституциявий қоidalарни бир неча гурухга булиб ўрганиш мумкин.

а) Президентни сайлаш. Президент этиб республикамизнинг 35—65 ёшгача бўлган фуқароси кўпин билан икки муддатга сайланиши мумкин. У фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга (унга номзодлар сони чекланмай) сайланади. (Биринчи марта Президентимиз Олий Кенгаш томонидан сайланди).

б) Президентнинг ваколатлари. У аввало мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда ЎзССР номидан вакиллик қилувчи давлат бошлиғи деб белгиланди. Сўнгра Президент:

— фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, республика Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили бўлади;

— ЎзССР суверенитетини, хавфсизлиги ва ҳудудий бутунлигини муҳофаза этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўради;

— республиканинг фахрий унвонларини беради, Фахрий ёрлиғи билан мукофотлайди;

— ЎзССР фуқаролигига қабул қиласи, бошпана бешиш масаласини ҳал этади, республика судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни авф этади ва бошқалар қатъий белгилаб қўйилди.

в) Президентнинг бошқа идоралар билан муносабати. Аввало у халқ депутати булиши мумкин эмас, шу лабозимни ижро этишга киришиш чоғида Олий Кенгаш мажлисида қасамёд қиласи. Бу соҳада Президент:

— республика давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларининг баҳамжиҳат ҳаракат қилишини таъминлайди;

— ЎзССР Олий Кенгашига республикадаги ишларнинг аҳволи тўғрисида ҳар йили маълумотнома тақдим этади, ички ва халқаро ҳаётга доир энг муҳим масалалардан уни хабардор қилиб туради;

— Олий Кенгашга Конституция билан белгиланган юқори даражадаги мансабдор шахсларни тайинлашни ёки ишдан озод этишни тавсия қиласи;

— вето ҳуқуқи билан республика қонунларини имзолайди; республика ҳукуматининг қарорлари ва фармойишларининг амал қилишини тўхтатиб қўя олади, Вазирлар Маҳкамаси эса ўз фаолиятидан Президентни

мунтазам хабардор қилиб боради ва бошқалар белгиланди.

г) Президент фаолиятининг демократик қоидалари кўрсатилди. Унинг ҳузурида Президентлик Кенгаши ишларди. Кенгашининг вазифаси давлатнинг ички ва ташки сиёсатининг асосий йуналишларини амалга ошириш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъмилаш чораларини ишлаб чикишдан иборат эди. Кенгаш таркибига Вазирлар Кенгаши Раиси ҳам киради, унинг ишида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Олий Кенгашларининг Раислари ҳам қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Президент Республика Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш юзасидан норматив (ва шундай булмаган) фармонлар чиқараарди. Президент даҳлислар ҳуқуқига эга ва у Конституция ва қонунларни бузган тақдирдагина Олий Кенгаш томонидан лавозимидан туширилиши мумкин эди.

**Иккинчи босқич** — 1990 йил 1 ноябрдан янги Конституциягача утган даврни уз ичига олади. Чунки уша куни Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Конуни)га — ўзгартириш ва қушимчалар киритиш тўғрисида ҳам маҳсус Қонун қабул этилди. Натижада мавжуд президентлик ҳокимияти билан Вазирлар Кенгашининг ижроия — бошқарув ҳокимияти қўшиб юборилиб, кейингиси Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди<sup>1</sup>. Президент айни бир вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси булиб қолди, Президент ва ҳукумат аппарати бирлаштирилди.

Шундай қилиб, Президент иккинчи босқичда республикада Олий ижроия ва бошқарув ҳокимиятини амалга оширувчи олий мартарабали шахсга айланди ва ҳамон давлат бошлиғи сифатида ҳам уз ўрнида қолди. Эндиликда у фақат фармонлар эмас, балки қарорлар ва фармойишлар ҳам қабул этадиган бўлди. Булардан ташқари ўша пайтда Вице-президент лавозими ҳам таъсис этилиб, у Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилувчи ва унинг ишини уюштирувчи шахсга айланди. Би-

<sup>1</sup> Президентнинг 1990 йил 15 ноябрдаги Фармони билан Вазирлар Маҳкамасининг ҳалқ ҳўжалиги, ижтимоий соҳа ва маданиятининг асосий комплексларига мос келадиган тузилмалари ташкил этилди ва уларнинг навбатдаги ҳамда истиқболдаги вазифалари белгиланди. (Совет Ўзбекистони, 1990 йил, 21 ноябрь).

роқ иккинчи босқичда жорий этилган вице-президент лавозими узини оқламади. Шу боисдан 1992 йил 4 январдаги Қонун билан у тугатилиб, Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири лавозими таъсис этилди<sup>1</sup>. У Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилади ва унинг ишини ташкил этади, деб белгиланди. Аммо Президент республика ҳукумати таркибига кирмаган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига ҳамон Раис бўлиб қолаверди. Конституциямизнинг 120-моддаси биринчи қисми қўйидаги янги таҳтирида қабул этилди. «Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати Баш вазирдан, Баш вазирнинг биринчи ўринbosари ва ўринbosарларидан, республика вазирларидан, давлат комитетларининг раисларидан, йирик концернларнинг ва бирлашмаларнинг раҳбрларидан иборат бўлади».

Республикамизда президентлик институтининг юзага келиши ва такомиллашувида 1991 йил 18 ноябрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун жиддий аҳамиятга эга бўлди<sup>2</sup>. Унда фуқароларнинг шу соҳадаги сайлов ҳуқуқи, сайловни ўтказиш принциплари ва тартиби, президентликка номзодлар кўрсатиш ва рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларини чиқариш тартиби каби ўта муҳим ҳуқуқий қоидалар ўз ифодасини топган.

**Учинчи босқич** — Ўзбекистоннинг мустакиллик Конституяси билан бошланади. Янги Асосий Қонунга мувофиқ Президентнинг ҳуқуқий мақоми янада такомиллаши ва маълум даражада кенгайди. Чунончи, Президент лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистонда муқим яшаган республика фуқароси сайланиши мумкин деб белгиланди. Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда сиёсий паргияга аъзолигини тұхтатиб туради, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас. Президент ваколатларининг қисман кенгайтирилиши Ўзбекистоннинг давлат мустакиллигига эришуви туфайли содир бўлди. Янги Конституцияда белгилаб қўйилдики, Президент: музокаралар олиб боради ва республика шартномаларини имзолайди, уларнинг бажарилишини таъминлайди, ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа

<sup>1</sup> Халқ сүзи. 1922 йил, 8 январь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон овози. 1991 йил, 23 ноябрь.

вакилларнинг ишонч ва чақириув ёрлиқларини қабул қиласди; вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судъяларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади ва ўз ваколатига берилган бошқа ички ва ташқи масалаларни ҳал этади.

Аввало шуни айтиш керакки, Ўзбекистонда президентлик институти үрнатилган биринчи босқичда Вазирлар Кенгаши ҳукумат сифатидаги ҳуқуқий мақомини ва ваколатларини сақлаб қолган эди. Чунончи унинг 1990 йил 30 марта Олий Кенгаш тасдиқлаган янги таркиби 41 кишидан: Ранс, унинг иккита биринчи ўринбосарлари, тўртта ўринбосарлари, 19 та вазирлар, 14 та давлат комитетлари раислари ва марказий идоралар бошлиқларидан иборат эди<sup>1</sup>.

Президентлик ҳокимиятининг жорий этилиши ва кейинчалик Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришуви муносабати билан 1990—1992 йилларда республика марказий бошқаруви идоралари тизимида айрим ўзгаришлар содир бўлди. Дастреб сиёсий-маъмурий ишларни бошқариш соҳасини олиб кўрайлик.

1991 йил 6 сентябрда республиканинг мустақиллигиги ҳамда ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистоннинг Мудофаа ишлар вазирлиги тузилди<sup>2</sup>. Шу мақсадларни кўзлаб унинг таркибида 1992 йил январь ойида ЎзР миллий гвардияси бригадасини ҳам барпо этиш лозим топилди<sup>3</sup>.

ЎзР Президентининг 1992 йил 8 январдаги Фармони билан адлия идораларининг роли ва масъулиятини ошириш, аҳолига ҳуқуқий хизматни яхшилаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилишини кучайтириш мақсадида республика Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тадбирлари белгиланди<sup>4</sup>. Адлия вазирлиги: Ўзбекистонда ҳуқуққа доир сиёсатни ўtkазишда республика давлат идораларининг фаолиятини мувофиқлаштиради; республиканинг бошқа марказий идоралари билан биргаликда ЎзР ҳамда унинг фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манбаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

<sup>1</sup> Совет Ўзбекистони. 1990 йил, 31 март.

<sup>2</sup> Ўзбекистон овози. 1991 йил, 7 сентябрь. 1992 йил июлида у Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

<sup>3</sup> Халқ сўзи. 1992 йил, 30 январь.

<sup>4</sup> Халқ сўзи. 1992 йил 10 январь.

бошқа давлатларнинг судларида томонлардан бири Ўзбекистон бўлганида низоларни кўриб чиқиш чоғида республикамиздан вакиллик килади.

1992 йил 13 январдаги Қонун билан республика Халқ назорати комитети тугатилиб, Президент ҳузурида ЎзРнинг Давлат назорати комитети таъсис этилди<sup>1</sup>. У республика бошқарув-ижроня ҳокимиятининг олий назорат идораси бўлиб. Президент раҳбарлигида иш олиб боради ва Олий Қенгашга ҳисоб беради. Давлат назорати идоралари қонунлар, фармонлар, қарор ва фармойишларнинг, ижтимоий ва иқтисодий дастурларнинг бажарилиши, давлат ва ижроия итизоминга риоя этилиши юзасидан мансабдор шахсларнинг маъсулиятини текширадилар.

1992 йил 7 марта Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича комитет тузиш түғрисида фармон қабул қилинди ва унинг фаолиятини ташкил этиш масалалари ҳал этилди, марказий идораси тузилиши ҳамда комитет түғрисида низом тасдиқланди<sup>2</sup>. Бу комитет давлат бошқарув идораси ҳисобланниб, унинг ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан чиқарган қарорлари вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек, вилоят, шаҳар ва район ҳокимиятлари учун мажбурийdir.

Булардан ташқари хўжалик ишларига раҳбарлик қилувчи марказий идоралар тузилишида ҳам жиддий янгиликлар содир бўлди. Мулкчиликнинг турли шаклларига йўл очилиши билан иқтисодий ривожланишини давлат томонидан режалаштириш бирмунча узгарди ва натижада бу фаолиятга раҳбарлик қилувчни идоралар тизими ҳам такомиллаши.

1990 йил 8 декабрдаги фармон билан Ўзбекистоннинг Мустақиллик Декларацияси асосида давлатнинг ижтимоий-иктисодий ва илмий-техникавий сиёсатини шакллантириш, жамоат ишлаб чиқаришини ўстириш ресурслар ва манбаларидан самарали фойдаланиш ҳамда аҳоли фаровонлигини яхшилаш ўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида республиканизнинг Давлат режалаш комитети (Госплан) негизида Иқтисодиёт комитети ташкил этилиб, унинг вазифалари белгиланган эди<sup>3</sup>. Бироқ 1992 йил 13 февралдаги

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 1992 йил, 15 январь.

<sup>2</sup> Халқ сўзи. 1992 йил, 3 апрель.

<sup>3</sup> Совет Ўзбекистони. 1990 йил, 9 декабрь.

фармон билан шу комитет негизида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуринда республикамизнинг Тараққиёт истиқболини белгилаш комитети ташкил этилди ва унинг аввалги вазифалари янада кенгайтирилди ва аниқланди<sup>1</sup>.

1992 йил 5 августда ушбу комитет ва Статистика давлат комитети негизида Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети ва жойларда шу фаолият билан шуғулланувчи тегишли идоралар барпо этилди<sup>2</sup>. Бу комитет вазифалари орасида Ўзбекистонни таракқий эттириш унинг устивор йўналишлари ва ташки иқтисодий алоқалари, стратегиясини ишлаб чиқиш, аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш ва ижтимоий муҳофаза этиш, ягона статистика сиёсатини ўtkазиш кабилар бор.

Президентимизнинг 1992 йил 11 февралдаги Фармони билан Ўзбекистонда молия органларини бошқариш ташкилий тузилмасини ва нарх белгилаш тизимини тақомиллаштириш тадбирлари белгиланди<sup>3</sup>. Шу боисдан нархларга доир давлат сиёсатини ўtkазиш вазифалари Молия вазирлигига топширилиб, у Давлат нархлар комитети билан бирлаштирилди.

Халқ ҳўжалигини хом ашё, ёқилғи ва бошқа моддий-техникавий ресурслар билан таъминлашга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Бу соҳага раҳбарлик қилувчи идоралар ҳам тақомиллашиб борди. 1991 йил февралда халқ ҳўжалигининг минерал хом ашёнинг қидириб топилган заҳираларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида геология соҳасидаги илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш ва бошқарув идоралари негизида ЎзССР Давлат геология ва минерал ресурслар комитети ташкил этилиб, унинг ваколатлари белгиланди.

1992 йил 3 майдаги фармон билан эса нефть ва газ конларини ҳар томонлама ва самарали ўзлаштириш, халқ ҳўжалиги ва аҳолини газ, газ кондесати, нефть ҳамда уларни қайта ишлаш маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, нефть ва газ саноатини бошқариш тузилмасини тақомиллаштириш мақсадида шу соҳада мавжуд бўлган ишлаб чиқариш бирлашмалари асосида Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концерни —

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 1992 йил, 14 декабрь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон овози. 1992 йил, 7 август.

<sup>3</sup> Халқ сўзи. 1992 йил, 12 февраль.

«Ўзбекнефтьгаз» ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгиланди<sup>1</sup>.

Концернлар халқ хўжалигига давлат раҳбарлигини олиб боришдаги янги шакл бўлиб, саноат соҳасида бундан илгари ҳам барпо этилган эди. Бу Ўзбекистоннинг мустақиллиги, иттифоқ тобелигидаги саноат тармоқларининг ҳам республикага берилиши, бозор иқтисадиётига ўтилиши, маъмурий буйруқбозлик усулининг чеклана бориши билан боғлиқ бўлди. Масалан, 1990 йил октябрiddа ЎзССР Вазирлар Кенгаши саноат тармоқлари бўйича ўзбек давлат концернларини тузиш түғрисида қарор қабул қилди<sup>2</sup>. Қарорга биноан Ўзбекистон Давлат кимё саноати, металлургия саноати, машинасозлик, қишлоқ хўжалик ва автомобиль машинасозлиги, радиоэлектроника (электротехника саноати ва асбобсозлик билан бирга), пахта тозалаш саноатини илмий-техникавий таъминлаш концернлари тузилди. 1992 йил 3 сентябрдаги Фармон билан эса Маҳаллий саноат вазирлиги тугатилиб ЎзР давлат «Маҳаллий саноат» корпорацияси ташкил этилди<sup>3</sup>. Президентимизнинг 1992 йил 27 октябрдаги Фармони билан ижара, коллектив, акционерлик ташкилотларини ҳамда мулкчиликнинг бошқа шаклларига асосланган монтаж, ихтинослаштирилган қурилиш, созлаш, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотларини, саноат ва транспорт корхоналарини ихтиёрий пайчилик асосида бирлаштирувчи «Ўзмонтажмаҳсусқурилиш» ишлари хўжалик ассоциацияси ташкил этилиб, унинг вазифалари белгиланди (шундай вазирлик эса тугатилди<sup>4</sup>)

Президентимизнинг 1992 йил 6 февралдаги Фармони билан ЎзР Дон маҳсулотлари вазирлиги негизида Дон маҳсулотлари («Ўздонмаҳсулот») давлат концерни ташкил этилиб, унинг зиммасига; халқ хўжалигини ва аҳолини овқатбоп дон, ун ва нон, қандолат маҳсулотлари, омиҳта ем билан таъминлаш; нонвойхона, макарон, тегирмон-ёрма ва омиҳта ем саноати корхоналари фалиятини мувофиқлаштириш вазифалари юкланди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 1992 йил, 5 май.

<sup>2</sup> Совет Ўзбекистони. 1990 йил, 30 сентябрь.

<sup>3</sup> Ўзбекистон овози. 1992 йил, 4 сентябрь.

<sup>4</sup> Ўзбекистон овози. 1992 йил, 29 октябрь.

<sup>5</sup> Халқ сўзи. 1992 йил, 8 февраль.

лаштирилмоқда ёки янгилари тузилмоқда. 1991 йил 7 сентябрда ЎзРнинг ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил қилинди. 1992 йил 21 февралда ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилди, 10 августда эса ЎзР Давлат божхона қўмитаси барпо этилди, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари белгиланди<sup>1</sup>. Ўзбекистон ҳудудида туризм соҳасидаги ягона сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга оширишин таъминлайдиган мувофиқлаштирувчи бош идора сифатида «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳам бунёд этилди<sup>1</sup>.

1992 йил охири ва 1993 йил бошида ҳам бир неча марказий бошқарув органлари ташкил этилди. Улар қаторига Ўзбекистон саноат ва ҳўжалик қурилиш давлат корпорацияси, Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат акционерлик корпорацияси, Ўзбекистон автомобиль йуллари қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни, Тошкент давлат акционерлик қурилиш корпорацияси кабилар киради.

Биз юқорида қисқача санаб ўтилган марказий бошқарув идоралари тизимининг такомиллашуви ва айримларининг янгидан ташкил этилиши, шунингдек президентлик лавозимининг юзага келиши, Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқий мақомининг ўзгариши асосан икки сабаб: Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришуви ва унинг бозор иқтисодига ўта бошлиши, билан чамбарчас боғланган.

Биринчи сабаб шундан иборатки, илгари давлат бошқаруви соҳасида жуда катта ва ҳал этувчи масалалар Йиттифоқ идоралари ваколатида эди. Мустақиллик шароитида бу ваколатлар ЎзРнинг тегишли марказий идораларига — Президент, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва бошқа маҳкамаларга тўлиқ ўтди. Иккинчи томондан эса аввал республикамизнинг ҳукумати, вазирликлари ва давлат қўмиталарининг 80—90 фоизи иттифоқ-республика идоралари бўлиб, марказнинг тегишли идораларига итоат этган бўлса, эндиликда улар мустақил республика идораларига айланди. Демак, республикамизда марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви функцияси ниҳоятда кенгайди. Бу тушунарли ҳолат.

<sup>1</sup> Ўзбекистон овози. 1992 йил, 29 июль.

Бироқ иккинчи сабаб билан боғлиқ бўлган сиёsat ҳали охиригача аниқ белгилангани йўқ. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида жамият ривожланишига умуман давлатнинг, шу жумладан бошқарув идораларининг таъсири, тўғрироғи, бу жараёнларга раҳбарлиги масаласи фақат дастлабки тарзда қўйилмоқда. Бунда давлатнинг ҳалқ ҳўжалиги тараққиётини режалаштириш, молиявий ва моддий техникавий ресурслар билан таъминлаш борасидаги роли аниқ белгиланган булиши лозим. Шунингдек аҳолини ижтимоий томондан муҳофаза этиш, унинг соғлиғи ва уй-жой шароити ҳақида ғамхўрлик қилиш кўпроқ давлат қарамоғида бўлади, деб ўйлаймиз. Хуллас давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига раҳбарлиги соҳасидаги сиёsatи қанчалик аниқ бўлса, унинг олий ва маҳаллий бошқарув идоралари тизими ҳам шунчалик равshan бўлади. Унгача бу тизимнинг қайта-қайта ўзгариб турилиши табний ҳолатdir.

Шунинг билан биргаликда бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги даврда Ўзбекистонда жиддий ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг қодир булишида Президент, Вазирлар Маҳкамаси олиб бораётган ишлар кўлами ҳам тобора кенгайиб боряпти, уларнинг фаолиятида аввалги маъмуриятчилик услублари камайиб, янги шароит талабларига кўра ишлаш устун бўлмоқда. Илгари вазирликлар, давлат комитетлари ва бошқа марказий маҳкамалар фақат давлат корхоналари ва ташкилотларига раҳбарлик қилган бўлса, эндиликда улар ўрнига барпо этилаётган концерн, ассоциация, компания, уюшма ва корпорациялар ҳам давлат, ҳам мулкчиликнинг бошқа шакллари асосида фаолият кўрсатувчи корхона ва ташкилотларга раҳбарлик қиласди ёки уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Ушбу асарнинг ва бобнинг ҳажмини ҳисобга олиб, ЎзР олий ижроия идоралари ҳозирги фаолиятининг асосий йўналишларини қўйида фақат санаб ўтамиз. Улар томонидан:

— Ўзбекистон Республикасининг суворен ҳуқуқларини кенгайтириш, унинг давлат мустақиллигига эришиш ва уни мустаҳкамлаш борасида жиддий ишлар олиб борилди ва олиб борилмоқда;

— давлатимизда иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш юзасидан дастлабки тадбирлар белгиланди. Бунда мулкнинг турли шаклларига йўл очиб бериш, умумхалқ

мулкини давлат тасарруфидан чиқарниш ва хусусийла-тириш белгиловчи қадамлардан бўлиб қолади;

— давлат олдида турган вазифаларни ҳал этишини яхшилаш ва давр талабига мослаштириш мақсадида марказий ва маҳаллий бошқарув идоралари тизимини такомиллаштириш ишлари давом эттирилади;

— ижтимоий-иқтисодий ва давлат ҳаётидаги муносабатларни янги шароитда тартибга солиб туриш мақсадида қатор норматив фармонлар ва ҳукумат қарорлари қабул этилди. Уларда эски ҳуқуқий қоидалар бекор қилинди ва янгилари яратилди. Олий ижроия идораларида юзага келган янги ҳуқуқий ҳужжатлар мулкчиликнинг турли шакллари, оборот солиғининг жорий этилиши, бошқарув идоралари тизимидағи ўзгаришлар, ички, ташки ва мудофаа ишлари билан боғлиқ эди. Уларнинг яратилиши ҳуқуқий давлатни шакллантиришдаги жиддий қадамдир;

— мустақиллик шаронтида ташки сиёсатни асослаш ва амалга ошириш, МДҲдаги ва бошқа давлатлар билан ўзаро манбаатли алоқалар ва ҳамкорликни йўлга қўйиш тадбирлари аниқланди;

— аҳолининг ночор табақалари (пенсионерлар, студентлар) ва ўқитувчилар, кўп болали оиласлар ва бошқаларни ҳамда давлат бюджетидан иш ҳақи олувчи фуқаролар (ўқитувчилар, врачлар, илмий ходимлар кабилар)ни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш бўйича қатор қўшимча чоралар белгиланди.

Бу органлар фаолиятининг санаб ўтилган ва бошқа йўналишлари Ўзбекистоннинг янги Конституциясида қонунан мустаҳкамлаб қўйилганидек «давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манбаатларига хизмат қилишини» кўрсатади.

## VIII боб

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг МАҲАЛЛИЙ ҲОҚИМИЯТ ВАҚИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИНИНГ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ВА ТАШКИЛИЙ-ҲУДУДИЙ АСОСИ

#### 1. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузумида вилоятнинг ўрни ва мавқеи

Ўзбекистон Республикасининг ҳозир амалда бўлган маъмурий-ҳудудий бўлиниши республиканинг ишлаб чиқарниш кучлари ҳолатинчи, уларнинг жойлашиш характерини, транспорт ва алоқа воситаларининг ривожланиши, жойларда бошқаришининг ташкилий тузилишини уёки бу даражада акс эттиради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қонуний мустаҳкамланган маъмурий-ҳудудий тузилиши тизими ҳозирги пайтда асосий звенолар — вилоят, туман ва аҳоли пунктларидан иборат.

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш; норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунарига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

«Маҳаллий ҳокимиёт органлари,— дейнлади 101-моддада,— Ўзбекистон Республикасининг қонунарини, Президент фармонларини, давлат ҳокимиётни юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қуи Қенгашлари фаолиятига раҳбарлик қиласидилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар. Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорларни қуи органлар ижро этиши мажбурийдир. Халқ депутатлари Қенгашлари ва ҳокимларнинг ваколатлари муддати — 5 йил.»

### 3. Халқ депутатлари маҳаллий Қенгашлари — маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг асоси

Халқ депутатлари маҳаллий Қенгашлари давлат ҳокимиётининг вакиллик идораси бўлиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга раҳбарлик қиласидилар. Халқ депутатлари маҳаллий Қенгашлари ҳудудлар бўйича тузилади. Халқ депутатлари маҳаллий Қенгашлари депутатлари сайловини ўтказиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари маҳаллий Қен-

гашлари депутатлари сайлови ҳақидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига шаҳарлардаги туман, шаҳар, туман ва вилоят Кенгашлари киради. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий Кенгашлари тизимиning бирлигини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий асослари, принциплари, шунингдек улар тегишли ҳудуд аҳолисининг манфаатлари йулида ҳал қилиши керак бўлган вазифалар умумийлиги билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини учта ҳудудий бўғинга бўлиш мумкин.

Биринчи ҳудудий бўғинга халқ депутатлари шаҳар (туманга бўйсунадиган шаҳарлар), шаҳарлардаги туман Кенгашлари киради. Иккинчи ҳудудий бўғинга халқ депутатлари туман, Тошкент шаҳридаги туман, шаҳар Кенгашлари киради, Учинчи ҳудудий бўғинга эса халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашлари киради.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг барча бўғинлари ҳуқуқий шахс хисобланадилар ва улар қонун билан ўз ихтиёрига берилган исталган масалаларни мустақил ҳал қилишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида таъкидланишича, «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раиси (оқсоқолни) ва унинг маслатчиларини сайдайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайдаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади».

Дарҳақиқат, маҳалла — Ўрта Осиёда шаҳарлар доирасидаги ҳудудий-маъмурий бирлик бўлиб, у бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган. Араблар истилоси ва ислом дини қабул қилинишидан анча илгари пайдо бўлган маҳалла чекланган ҳудудда истиқомат қилувчи одамлар бирлашмаси бўлиб, унда одамлар факат қўшичилик ришталари билан эмас, балки юзлаб йиллар давомида яратилган ички тартиб-қоида, маънавий-аҳлоқий нормалар, урф-одатлар ва анъаналар билан боғ-

лангандирлар. Бу — шаҳардаги анча мураккаб, жисплашиб кетган, ҳатто маълум даражада ўз қобиғига ўралган ўзига хос кичик бир оламдир. Аслида маҳалла фуқаролар ижтимоий фаолияти маркази бўлгани учун ҳам мавжуддир. Айни шу ҳолат маҳалланинг мавжуд бўлишининг асосини ташкил қиласиди.

Биз янги жамият — мустақил демократик ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Бизда янгилик яратишга табиий интилиш мавжуд. Бироқ бу ҳали ҳам иш бериб келаётган, шунинг учун ҳам фойдали бўлган, хусусан «инсон омилини» фаоллаштириш ишида наф келтираётган барча эски нарсадан воз кечиш дегани эмас. Маҳалла замирида биз шу кунда излаб юрган кўп нарса яширин. Шу сабабли у эътибордан соқит қилинмаслиги, аксинча, республиканинг регионал сиёсий тизимида муносаб урин олиши зарур. Зотан, маҳалла — биз учун асрлар мероси бўлиб, уни эскилик қолдиғига йўймасдан, ундан минглаб кишиларни фаол ижтимоий ҳаётга жалб этишнинг самарали воситаси сифатида фойдаланиш лозим<sup>1</sup>.

«Биз қишлоқ, овул ва маҳалла комитетларининг жуда кўп сонли отрядига етарли баҳо бермаганиligimizни таҳ олиш керак, — деганди И. А. Каримов. — Кейинги пайтларда одамларнинг турмуш тарзига, уларнинг хулқи ва кайфиятига одатда қишлоқ ва маҳалла комитетларига сайланадиган ҳурматли оқсоқолларимиз таъсир кўрсатувчи асосий куч эканлигини унугиб қўйган эдик. Маҳалла шароитида ўсиб вояга етган кишилар шуни яхши биладиларки, ҳар бир киши ва оила учун уларнинг қўшнилари ва умуман маҳалла берадиган баҳодан зўр нарса йўқдир. Ёшлиар, уларнинг ота-оналари ва авлодлари узоқ йиллар давомида мисқоллаб оила обрўсими топганлар. Одамлар кўз ўнгидаги ана шу обрўни сақлаб қолиш учун курашмайдиган кишини мен тасаввур қилолмайман. Оила обрўсими йўқотиш кўпчилик учун улим билан баробар. Биз қишлоқ ва маҳалла комитетларининг роли ва обрўсими янада мустаҳкамлашимиз ва қўллаб-қувватлашимиз керак»<sup>2</sup>.

Жумҳурият Министрлар Совети ушбу сиёсий йўлни рӯёбга чиқариш учун маҳалла комитетлари раислари ҳамда секретарларига ойлик иш ҳақи белгилади. Бу

<sup>1</sup> Очилов Ш. Ижтимоий ўзини ўзи бошқариш: Тажриба ва муаммолар. Т.: Узбекистон, 1990, 133—134-бетлар.

<sup>2</sup> Совет Узбекистони, 1989 йил, 27 сентябрь.

ташлари депутатлари сайлови ҳақидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига шаҳарлардаги туман, шаҳар, туман ва вилоят Кенгашлари киради. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий Кенгашлари тизимишинг бирлигини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий асослари, принциплари, шунингдек улар тегишли ҳудуд аҳолисининг манфаатлари йулида ҳал қилиши керак бўлган вазифалар умумийлиги билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини учта ҳудудий бўғинга бўлиш мумкин.

Биринчи ҳудудий бўғинга халқ депутатлари шаҳар (туманга бўйсунадиган шаҳарлар), шаҳарлардаги туман Кенгашлари киради. Йиккинчи ҳудудий бўғинга халқ депутатлари туман, Тошкент шаҳридаги туман, шаҳар Кенгашлари киради, Учинчи ҳудудий бўғинга эса халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашлари киради.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг барча бўғинлари ҳуқуқий шахс хисобланадилар ва улар қонун билан ўз ихтиёрига берилган исталган масалаларни мустақил ҳал қилишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида таъкидланишича, «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йинғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари булиб, улар икки ярим йил муддатга раиси (оқсоқолни) ва унинг маслатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади».

Дарҳақиқат, маҳалла — Ўрта Осиёда шаҳарлар доирасидаги ҳудудий-маъмурий бирлик булиб, у бизга ўтмишдан мерос булиб қолган. Араблар истилоси ва ислом дини қабул қилинишидан анча илгари пайдо бўлган маҳалла чекланган ҳудудда истиқомат қилувчи одамлар бирлашмаси булиб, унда одамлар факат қўшиничилик ришталари билан эмас, балки юзлаб йиллар давомида яратилган ички тартиб-қоида, маънавий-аҳлоқий нормалар, урф-одатлар ва анъаналар билан боғ-

лангандирлар. Бу — шаҳардаги анча мураккаб, жисплашиб кетган, ҳатто маълум даражада ўз қобигига уралган ўзига хос кичик бир оламдир. Аслида маҳалла фуқаролар ижтимоий фаолияти маркази бўлгани учун ҳам мавжуддир. Айни шу ҳолат маҳалланинг мавжуд бўлишининг асосини ташкил қиласиди.

Биз янги жамият — мустақил демократик ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Бизда янгилик яратишга табиий интилиш мавжуд. Бироқ бу ҳали ҳам иш бериб келаётган, шунинг учун ҳам фойдали бўлган, хусусан «инсон омилини» фаоллаштириш ишида наф келтираётган барча эски нарсадан воз кечиш дегани эмас. Маҳалла замирида биз шу кунда излаб юрган кўп нарса яширин. Шу сабабли у эътибордан соқит қилинмаслиги, аксинча, республиканинг регионал сиёсий тизимида муносаб урин олиши зарур. Зотан, маҳалла — биз учун асрлар мероси булиб, уни эскилик қолдигига йўймасдан, ундан минглаб кишиларни фаол ижтимоий ҳаётга жалб этишнинг самарали воситаси сифатида фойдаланиш лозим<sup>1</sup>.

«Биз қишлоқ, овул ва маҳалла комитетларининг жуда кўп сонли отрядига етарли баҳо бермаганлигимизни тан олиш керак, — деганди И. А. Каримов. — Кейинги пайтларда одамларнинг турмуш тарзига, уларнинг хулқи ва кайфиятига одатда қишлоқ ва маҳалла комитетларига сайланадиган ҳурматли оқсоқолларимиз таъсир кўрсатувчи асосий куч эканлигини унтиб қўйган эдик. Маҳалла шароитида ўсиб вояга етган кишилар шуни яхши биладиларки, ҳар бир киши ва оила учун уларнинг қўшнилари ва умуман маҳалла берадиган баҳодан зўр нарса йўқдир. Ёшлилар, уларнинг ота-оналари ва авлодлари узоқ йиллар давомида мисқоллаб оила обрўсини топганлар. Одамлар кўз ўнгига ана шу обрўни сақлаб қолиш учун курашмайдиган кишини мен тасаввур қилолмайман. Оила обрўсини йўқотиш кўпчилик учун ўлим билан баробар. Биз қишлоқ ва маҳалла комитетларининг роли ва обрўсини янада мустаҳкамлашимиз ва қўллаб-қувватлашимиз керак»<sup>2</sup>.

Жумҳурият Министрлар Совети ушбу сиёсий йўлни рӯёбга чиқариш учун маҳалла комитетлари раислари ҳамда секретарларига ойлик иш ҳақи белгилади. Бу

<sup>1</sup> Очилов Ш. Ижтимоий ўзини ўзи бошқариш: Тажриба ва муаммолар. Т.: Узбекистон, 1990, 133—134-бетлар.

<sup>2</sup> Совет Узбекистони, 1989 йил, 27 сентябрь.

мақсадларда маҳаллий бюджетдан 10 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Шундай қилиб, кўхна маҳалла давлатдан моддий мадад ҳам ола бошлади.<sup>1</sup>

Ўзбекнинг маҳалла-маҳалла бўлиб, бирниб-бирлашиб, ўзини ўзи идора қилиб, қуллаб-қувватлаб яшаш тарзининг илдизлари ғоят чуқур. Унинг тарихи балки минг йилларга бориб тақалур... Маҳалла шу давр ичидаги қанчадан-қанча киши билмас жабру жафоларни кўрди, аммо тўзиб кетмади. Шунча суронлардан ўтиб ҳам яшаб қолди. Шунинг учун Чилонзор район ҳокимлиги ва халқ депутатлари район Кенгаши маҳалла аҳлининг кўп асрлик орзу-умидлари улароқ одил идора усулини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш мақсадида мавзеларни ҳам маҳаллаларга айлантиришга жазм қилди. Район ҳудудида эскидан мавжуд бўлган 19 та маҳалла ёнига мавзелар ва бошқа тураржойлар ҳисобидан яна 25 та маҳалла қўшилди. Бугунги кунда районда 44 та маҳалла фаолият кўрсатмоқда<sup>2</sup>.

Эндиликда район ҳокимлиги мажмуи янгитдан ташкил этилган маҳаллаларни ташкилий жиҳатдан тиклаб бўлди. Барчасида таъсис мажлислари ўtkазилиб, уларнинг раҳбарияти ҳамда маҳалла қўмитаси аъзолари сайланди. Маҳалла маъмурияти учун иш хоналари ажратилиб, жиҳозланди. Барча янгитдан ташкил этилган маҳаллаларга ҳомийлик кўрсатувчи корхоналар ажратилди. Корхоналар маъмурияти эса узлари ҳомийлик қилаётган маҳаллаларга телефон ўтказиб бердилар.

Бундан кўриниб турибдики, яъни мустақил Ўзбекистон Республикасининг вилоят ва шаҳарлари ҳудудларида, ижтимоий ўзини ўзи бошқариш бўғини бўлган маҳаллалар сонининг ортиб бориши ижтимоий турмушимизни демократлашиб бораётганинг далилидир.

«Ўзбекистон Республикасининг маҳалла қўмиталари тўғрисидаги Низоми»да таъкидланишича, «Маҳалла қўмиталари аҳолининг истиқомат жойларидаги ўз-ӯзини бошқариш бўғинидир. Уларнинг фаолияти маҳалла ҳудудидаги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга, ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, зарур давлат ва жамоат ишларини амалга оширишда ошкоралик ва мустақилликни таъминлашта қаратилгандир.

<sup>1</sup> Совет Ўзбекистони, 1989 йил, 27 сентябрь.

<sup>2</sup> Тошкент оқшоми, 1992 йил, 19 ноябрь.

Маҳалла қўмиталари аҳолининг манфаатлари ва эҳтиёжларига даҳлдор бўлган кечиктириб бўлмайдиган масалаларни ҳал этиш учун маҳаллий ҳокимиятнинг қарорига мувофиқ турар-жой мавзеларини, кўчаларни ўз ичига олган ҳудудда, туман (шаҳар), қишлоқ, қўргонча ва овулларда ташкил этилади. Маҳалла қўмитаси фаолият кўрсатадиган ҳудудлар эса тегишли маҳаллий ҳокимият томонидан мазкур маҳалла аҳолисининг фикрини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Маҳалла қўмиталари аҳоли ташаббуси билан давлат ва ширкат (кооператив) уйларидан иборат яшаш жойларида ҳам умумий қоида асосида ташкил этилиши мумкин.

Маҳалла қўмиталари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, ўзлари ҳакидаги Низомга, маҳаллий ҳокимиятнинг маҳалла фуқароларининг йиғилиши қарорларига амал қиласидилар.

Шунингдек маҳалла қўмитаси юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиб, ўзининг маҳалласи номи кўрсатилган думалоқ муҳрига ва штампга эга бўлади ва банкда жорий ҳисоб очишга ҳақлидир

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 1992 йил 12 сентябрдаги, ҳамда Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида»ги 1992 йил 8 октябрдаги Фармонлари. Маҳалла қўмиталарини ўз ҳудудларида истиқомат қилувчи камбағал оиласаргага, ногиронларгага, етим-есирларгага, ёлғиз кексаларгага моддий ёрдам бериш ҳамда аҳолининг ижтимоий зарур талаб ва эҳтиёжларини қондириш борасидаги ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтиришга сабаб бўлди.

Президент Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан «Маҳалла» жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси марказий банкидаги 700-сон ҳисоб рақамига 25 миллион сўм пул ўtkazildi. Унинг ҳар бир сўми тежаб-тергаб ута муҳтоҷ кишиларга сарфланиши лозим.

## X боб

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ЎТҚАЗИШ ТАРТИБИ

Ҳар қандай мамлакатда тегишли давлат органлари сайлов йўли билан ташкил қилинади. 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб собиқ иттифоқда, сайлов ўтқазиш тартибини такомиллаштириш зарурати вужудга келди. Сабаби ўтқазилаётган сайловар номигагина халқ сайлови эди. Депутатликка номзодлар асосан юқоридан ёки партия органлари томонидан белгилаб берилган кўрсаткичлар асосида танланар, сайловчиларда эса танлаб олиш имконияти йўқ эди, бу аҳолини сайловларга бўлган қизиқишини сундириб борди.

Шунинг учун ҳали Ўзбекистонда иттифоқ таркибида турган даврдаёқ сайлов ўтқазиш тартибини такомиллаштиришга киришилди. 1987 йилда маҳаллий Советларга сайловда ҳар бир вилоятнинг биттадан туманида эксперимент сифатида сайлов ўтқазилди. Бу сайловда қўлланилган янгиликлар: сайловларни кўп мандатли округлар бўйича ўтқазилганлиги ва депутатлар билан бирга уларнинг ўринбосарлари сайланishiни белгилангани ва номзодлар сони сайланадиган депутатлар сонидан кўп бўлганидадир. Тошкент вилоятининг Коммунистик (хозирги Юқори Чирчиқ) туманидаги Бордон-кул қишлоқ Советига 21 округдан 110 депутат сайланди, номзодлар сони эса 142 та эди, бу биринчи муқобиллик асосида ўтқазилган сайлов эди<sup>1</sup>.

Депутатлар сонига нисбатан, номзодлар сонининг кўп булиши, сайловчига танлаб олиш имкониятини берди ва сайловлардан уларнинг манфаатдор булиши таъминланди.

‘ 1989 йил 20 октябрдаги сайлов түғрисидаги қонунларни қабул қилишда эксперимент натижалари ҳисобга

<sup>1</sup> Кўп овоз олган депутат бўлади. Тошкент ҳақиқати, 1987 йил 10 апрель.

олинди<sup>1</sup>. Бу қонунлар асосида 1990 йил 18 февралда ўтказилган сайловлар кенг демократик асосда ўтди, вакиллик органларининг ҳамма поғонасига аҳоли истиқомат жойларидан номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди. Номзодлар сони чекланмади. Сайлов даврида 11,9 минг округда 100 мингдан ортиқ номзод муҳокама қилиниб, улардан 86,6 минги номзод сифатида рўйхатга олинди. Шу рақамларнинг ўзи сайлов муқобиллик асосида ўтганини, туман Советига сайловнинг 4 округида, шаҳар Советига сайловнинг 2 округида, қишлоқ Советига сайловнинг 3 округида қонун бузилишлари учун сайловларни ҳақиқий эмас деб топилиши, вилоят Советига сайловда 138 округда, туман Советига сайловда 65 округда, шаҳар Советига сайловда 268 округда биринчи босқичда ҳеч ким етарли овоз тўплай олмай, икки ҳафталик муддатда такрор овоз бериш ўтказилгани сайловлар тортишув, баҳс, танлаш асосида ўтганини кўрсатади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, ўзининг биринчи Конституциясини қабул қилгач, сайлов тўғрисидаги қонунларини ҳам янгитдан қабул қилди. Бу қонунларда аввалги қонунлардаги демократик ҳолатлар сақлаб қолинди ва демократик ҳуқуқий давлатга хос хусусиятлар ўз ифодасини топди. Булар ичидә энг аввало сайловни кўп partiyalik тизими асосида ўтказилиши, сайловни ташкил қилиш ишларидан давлат ҳоқимияти органларини иложи борича четлаштирилганлиги, сайлов комиссияси таркибига бирон-бир партияга мансуб шахсларни киритилмаслик қоидаларини ўрнатилишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Сайлов фақат овоз бериш билан чекланмасдан бир неча мураккаб ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ жараёнлардан иборатdir. Ўзбекистонда амалдаги сайлов тўғрисидаги қонунлар жумласига: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида, Халқ депутатлари вилоят,

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови ҳақида ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови ҳақидаги қонунлар. 1989 йил 20 октябрда қабул қилинган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Секретариатининг жорий архиви, 1990 йил.

туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тӯғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тӯғрисидаги қонунлар киради<sup>1</sup>.

Аввал сайлов ташкил этиш ва ўтказиш тартиби деганда вакиллик органларининг турли бўғинларига ва халқ судларининг сайловига қарабарди. Эндиликда судларни сайлашда қўлланилган тӯғри, умумий сайлов принципларидан воз кечилган ва улар бошқа йўллар билан ташкил қилинади.

Сайлов ўтказиш деганда Ўзбекистон Президенти сайловига ҳам эътибор берилади.

Вакиллик органларининг турли погонасига депутат сайловини ҳамда Президент сайловини ўтказишда умумий хусусиятлар билан бирга алоҳида хусусиятлар ҳам мавжуд. Қуйида биз ана шу масалаларга қисқача тұхталамиз.

Вакиллик органларига бўладиган сайловларни ҳам, Президентликка ўтказиладиган сайловларни ҳам шартли равиша маълум босқичларга бўлиш мумкин. Бу босқичлар нимага қаратилгандиги, вазифаси, мақсадини яқинлиги, ўхшашлигига қараб айрим тадбирларни бирлаширади.

Сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш босқичлари деб қўйиндагиларни айтиш мумкин:

1. Сайлов кунини тайинлаш, сайлов округларини, сайлов участкаларини ва сайлов комиссияларини тузиш;
2. Номзодлар курсатиш ва уларни рўйхатга олиш;
3. Сайловчиларнинг рўйхатини тузиш;
4. Овоз қабул қилиш ва сайлов якунларини аниқлаш;
5. Такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов ўтказиш;

6. Ўрни бўшаб қолган округда сайлов ўтказиш:

Қонунга асосан сайлов кунини белгилаш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг олий вакиллик органининг ваколатига киради (бу амалдаги Конституцияга биноан Олий Мажлисдир)<sup>2</sup>. Олий вакиллик органининг, шунингдек маҳаллий вакиллик органининг ҳам ваколат муддати

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тӯғрисидаги қонун 1993 йил 28 декабрда, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тӯғрисидаги қонун 1994 йил 5 майда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тӯғрисидаги қонун 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган

<sup>2</sup> Ҳамма органларга сайлов Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан тайинланади.

тугашидан уч ой олдин бу ҳақда қарор қабул қилиниб. у матбуотда эълон қилинади. Шу билан З ой давомида сайлов тадбирлари олиб борилади.

Сайловларда қанча округ булиши вакиллик органига қанча депутат сайланишига қараб белгиланади. Ўзбекистон Олий Мажлисига бўладиган сайловда округлар Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил қилинади. Олий Мажлисга 250 депутат сайланиши белгиланди, шу сабабли округлар ҳам 250 та бўлади. Махаллий кенгашларга: вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 60 тадан кўп бўлмаган, туман ва шаҳар Кенгашларига 30 тадан кўп бўлмаган ҳудудий сайлов округлари тузилади.

Президент сайловида округлар тузишнинг алоҳида хусусияти мавжуд. Президент Ўзбекистоннинг жами аҳолиси томонидан сайланади. Бунда сайлов натижасини аниқлашда айрим округлардаги натижа эмас, балки Республика миқёсидаги умумий натижа аниқланади. Шунинг учун бу сайловда ҳар бир вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси алоҳида алоҳида округ қилиб белгиланади, бу сайловда ҳам округларни Марказий сайлов комиссияси тузади.

Сайловларда, сайлов ҳужжатлари, номзодлар ҳақидаги маълумот, сайловчилар рўйхати билан таништиришни осонлаштириш, овоз беришда қулайликлар яратиш мақсадида сайлов ўтказишдаги қўйи ячейка сайлов участкалари тузилади. Дастреб овозлар сайлов участкасида ҳисоблаб чиқилади. Сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимларининг тақдимига кўра туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан камидан 20, купи билан З минг сайловчидан иборат тузилади. Вакиллик органларига сайлов участкаси сайлов тайинлангандан ўттиз кун кечикмай, Президент сайловида эса сайлов белгиланганидан кейин ўн бешинчи кунидан кечикмай тузилиши керак. Истисно ҳолларда бориш қийин бўлган жойларда сайловдан беш кун аввал ҳам тузиш мумкин. Сайлов участкалари туман, шаҳар ҳудудида, шунингдек ҳарбий қисмларда, санаторий, дам олиш уйлари, касалхона ва бошқа даволаш муассасаларида ҳам тузилади.

Сайловни ташкил қилиш ва ўтказишда сайлов комиссиялари алоҳида роль ўйнайди. Вакиллик органларининг турли пофонасига сайловда ва Президент сайловида сайлов комиссияларининг турлари ҳар хил бўлади.

Узбекистон Олий Мажлисига сайловда Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ва участка сайлов комиссиялари тузилади.

Президент сайловида ҳам худди шу турдаги сайлов комиссиялари тузилади. Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис томонидан тузилади ва аъзоларининг сони ҳам шу орган томонидан белгиланади. Комиссия раис ва камидан 14 аъзодан иборат бўлади. Ўринbosар ва котиб комиссиянинг биринчи мажлисида сайланади, комиссиянинг ваколат муддати 5 йил. Комиссия таркиби га Қорақалпоғистон Республикасидан, вилоятлардан ва Тошкент шаҳридан биттадан вакил киради. Президент сайловини ўтказиш учун алоҳида Марказий сайлов комиссиясини тузиш мўлжалланган эди, аммо Президент сайловини ўтказиш вазифаси ҳам шу Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилиб тўғри қилинди.

Олий Мажлисга сайловда округларда сайлов тайинланган кундан 20 кундан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиясини тузади. Таркиби раис, ўринbosар, котиб ва камидан 6 нафар аъзодан иборат бўлади. Президент сайловида сайлов бошланган кундан 15 кундан кечиктирмай, округ сайлов комиссияси раиси, ўринbosари, котибдан иборат таркибда тузилади. Президент сайловида ҳам округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Участка сайлов комиссиялари вакиллик органларига сайловларда сайлов тайинлангандан 50 кундан кечикмай, Президент сайловида сайловдан 30 кун аввал раис, ўринbosар ва котиб таркибда тузилади. Участка салов комиссиялари округ сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда ташкил қилинадиган сайлов комиссияларининг тизими ўзгача, бу сайлов даврида:

- вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияси,
- туман Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияси,
- шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияси,
- округ сайлов комиссиялари,

— участка сайлов комиссиялари тузилади<sup>1</sup>.

Маҳаллий Кенгашларга сайловда Марказий сайлов комиссияси тузилмас экан, уларнинг вазифасини эса тегишли Кенгашларни поғонаси бўйича сайловни ўтказувчи сайлов комиссиялари бажаради. Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тузилади. Улар эса округ ва участка сайлов комиссияларини тузади.

Сайлов даврида номзод кўрсатиш, уни рўйхатга олиш алоҳида тадбирларни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда вакиллик органларига номзод кўрсатиш сайлов кунни тайинлангандан кейин йигирма бешинчи кундан эътиборан бошланиб сайловга 45 кун қолганда тугалланади, Ўзбекистон Президентлигига номзод кўрсатиш эса, сайловга 25 кун қолганда тугалланади. Олий Мажлис депутатлигига номзод 25 ёшга, маҳаллий Кенгаш депутатлари номзодлари 21 ёшга, Президентга номзод 35 ёшга тўлган бўлиши керак.

Ўзбекистон Олий Мажлисига номзод сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Жуқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан кўрсатилади. Сиёсий партиялар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлиш учун сайлов тайинланган кундан камидаги 6 ой аввал Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтган бўлиши ва сайловда иштирок этишни қўллаб-қувватловчи камидаги 50 минг сайловчининг имзосини тўплаши керак.

Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига номзодлар сиёсий партиялар ва халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари томонидан кўрсатилади. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига эса сиёсий партиялар ва фуқароларнинг йиғинлари (вакилларининг йиғилишлари) номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Сайлов тўғрисидаги қонунларда депутатликка номзодлар олдига баъзи талаблар қўйилади. Судланганлиги қонунда белгиланган тартибда бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган фуқаролар, сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон ҳудудида доимий яшамаган фуқаролар, ҳарбий хизматчилар, миллий хавфсизлик хизмати, ИИВ ва бошқа ҳарбийлашган

<sup>1</sup> Амалдаги Конституция қишлоқ, посёлка ва туманга бўйсунувчи шаҳар ҳамда шаҳар таркибиға кирувчи туманларда халқ депутатлари Кенгашларини бўлишини назарда тутмайди.

булинмаларнинг ходимлари, диний ташкилот ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинмайди. Шунингдек ижро ҳокимияти, суд ҳокимияти органларининг раҳбарлари, прокуратура органларининг мансабдор шахслари депутатликка сайлангудек бўлса, лавозимидан кетиш ҳақида ариза беришган тақдирдагина номзод қилиб рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига тегишли тартибда рўйхатга олинган сиёсий партиялар, касаба ўюшмалари федерацияси, корхона, муассаса, ташкилотларнинг меҳнат жамоалари, фуқароларнинг туар жойларидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг қисмларидағи мажлислар эга. Сиёсий партия ва касаба ўюшмалари кўрсатган номзод бевосита рўйхатга олинса, қолганлар номзод кўрсатилганда рўйхатга олиш учун 60 минг фуқаро номзодни қўллаб-қувватлаши талаб этилади. Президент сайлови тўғрисидаги қонунда президентликка номзод олдига қўйиладиган талаблар кўрсатилмаган.

Сайловда ҳар бир сайловчининг овоз беришини таъминлаш мақсадида сайловчилар рўйхати тузилади. Рўйхатни участка сайлов комиссияси тузади, раис ва котиб томонидан имзоланиди. Рўйхат тузиш ишига фаоллар жалб қилинади. Рўйхат тузиш учун комиссия маълумотлари тегишли ташкилотлардан олинади. Рўйхатга сайлов куни 18 ёшга тўлган, шу вақтда участка ҳудудида вақтинча ёки доимий яшовчилар киритилади. Бир киши фақат бир сайлов участкасида рўйхатга олинади.

Вакиллик органларига сайловдан 15 кун олдин, узоқ жойларда, санаторий ва бошқа муассасаларда рўйхат иккى кун олдин танишиш учун осиб қўйилади. Ҳар қандай сайловнинг энг масъулиятли босқичи овоз беришини ташкил қилиш ва овоз натижаларини аниқлашдир.

Овоз бериш маҳаллий вақт билан соат 7.00 дан 20.00 гача ўтказилади, қоида тариқасида бу иш якшанба куни амалга оширилади. Халқ депутатларининг сайловида сайловдан камида 10 кун олдин, Президент сайловидан 5 кун олдин овоз бериш вақти ва жойи ҳақида сайловчиларга хабар қилинади. Ҳарбий қисмларда, даволаш муассасаларида ва узоқ ерларда тузилган участкаларда рўйхатга киритилганларнинг ҳаммаси овоз берган бўлсалар, овоз бериш тугалланган ҳисобланади. Ҳамма

Сайловларда овоз бериш маҳсус ажратилган ва тегишиңдай жиҳозланган бино ва хоналарда ўтказилади. Бундан ширини овоз беришни таъминлашга алоҳида эътибор берилади. Сайловчи сайлов қутиси ёнига кабиналардан утиб бориши зарурый шартдир. Овоз беришни ташкил қилинган участка сайлов комиссияси зиммасига юклатиласди. Сайлов куни овоз беришдан олдин комиссия раиси, ҳамма аъзолар иштирокида сайлов қутиларни текшириб, уларни муҳрлайди. Овоз бериш бюллетенлар орқали амалга оширилади, ҳар бир сайловчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида бюллетенъ берилади. Ҳеч бир киши бошқа киши учун овоз бериши мумкин эмас. Овоз бериш куни истиқомат жойида бўлиш имкониятига таъсизланади. Булмаганлар ҳам овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланилар. Улар аввалдан сайлов варақасини олиб, уни тўлдириб конвертга яширган ҳолда участка сайлов комиссиясига қолдирадилар. Бу уларнинг овозидир. Соғлиги туфайли овоз беришга кела олмаганларга маҳсус сайлов қутиси олиб борилиб, овоз қабул қилинади.

Овоз беришда сайловчи яширин хонага кирган вақтда бюллетендаги ўзи қарши бўлган номзодларнинг фамилиясини ўчиради.

Овоз бериш вақти тугагач, участка сайлов комиссиясининг ҳамма аъзолари иштирокида қутилар очилади, ҳамма аъзолар ҳар бир номзод бўйича аниқланади. Шубҳадан бўли бўлиш учун қутилар очилгунча фойдаланилмаган бюллетенлар ҳисоблаб чиқилиб, йўқ қилинади. Дастраси сайловчилар рўйхати асосида, сайловчиларнинг умумий санни ва бюллетенъ олганлар сони аниқланади, сунг овоз беришда иштирок этганлар сони бюллетенлар сони орқали аниқланади. Бюллетенларга асосланиб ҳар бир номзодни ёқлаб, қарши берилган овоздар, ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенъ ва сайлов варақалари ҳисоблаб чиқилади.

Бирдан ортиқ номзодлар қолдирилган, бошқа фамилиялар ёзиб қўйилган, белгиланган нусхадан бошқа бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади. Овоз санаш натижаси комиссия мажлиси баёнда қайд этилади. Баён раис, раис ўринбосари, котиб ва аъзолар томонидан имзоланади.

Округ сайлов комиссияси эса участка сайлов комиссияси баёнлари асосида натижани аниқлайди. Халқ депутатлари сайловида депутатни сайланган ёки сайлан-

маганлиги округда аниқланади. Президент сайловида эса натижани Марказий сайлов комиссияси аниқлади.

Сайловда рўйхатга олинган сайловчиларнинг ярмидан кўпи иштирок этса, сайлов ҳақиқий саналади. Овоз беришда иштирок этгандарнинг ярмидан кўли овозини олган номзод сайланган ҳисобланади.

Овоз беришда рўйхатга киритилган сайловчиларнинг ярмидан ками иштирок этса, сайлов ўтмаган ҳисобланади.

Рўйхатга олинган номзодлар асосий овоз бериш куни етарли овозни ола олмаслиги, сайловларни ҳақиқий эмас деб топилиши, сайловни бўлмаган деб ҳисобланishi, такрорий овоз бериш ёки такрорий сайлов ўтказишни тақозо этади.

Такрорий овоз бериш депутатликка ёки Президентликка сайловда иккитадан ортиқ номзод қўйилган бўлса, улардан бирортаси белгиланган миқдордаги овозни ола олмаган бўлса ўтказилади. Бунда янги номзодлар кўрсатилмай, номзодлар орасидаги энг кўп овоз олган иккитаси бюллетенга киритилади. Такрорий овоз бериш сайловдан кейин 2 ҳафта ичida ўтказилади. Президент сайловида эса сайлов ўтказилган кундан бошлаб 1 ой ичida, лекин камида 15 кун кейин белгиланади. Такрорий овоз беришда иштирок этгандарнинг бошқа номзод га нисбатан кўпроқ овозини олган номзод сайланган ҳисобланади.

Агарда номзодлар сони иккитадан кўп бўлмасдан, улардан биронтаси тегишли овозни олмаган бўлса, ёхуд сайлов бўлмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, такрорий овоз бериш натижасида ҳам депутат ёки Президент сайланмаган бўлса, такрорий сайлов ўтказилади. Депутат сайлашда бу алоҳида округларда, Президент сайловида Республика бўйича амалга оширилади, такрорий сайлов, асосий сайловдан кейин кўпи билан 1 ой муддат ичida депутат сайлаш учун, Президент сайлашда эса 40 кун ичida ўтказилади. Бунда сайлов даврида ўтказилиши мўлжалланган ҳамма тадбирлар амалга оширилади.

Айрим вақтларда, яъни олий вакиллик органи, депутатлик ваколатини ҳақиқий эмас деб топса, депутат чақириб олинган тақдирда, уз хоҳиши билан ёки бошқа сабабларга кура депутатлик ваколати муддатидан илгари тухтатилса, сайлов, округларида бўшаб қолган де-

путатлик ўрнига Олий Мажлисга 2 ой муддат ичида, маҳаллий Кенгашларга 1 ой ичида сайлов ўтказилади.

Бунда округ сайлов комиссияси 25 кун олдин, участка сайлов комиссияси 15 кун олдин тузилади. Бошқа ишлар сайлов қонунлари асосида олиб борилади.

Вакиллик органларининг ваколат муддатига 6 ой қолган вақтда янги депутат сайлови ўтказилмаслиги мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонуннинг 46-моддасида ва Маҳаллий Кенгашларга сайлов қонунининг 45-моддасида депутатларни рўйхатга олишнинг янги тартиби ўрнатилди. Уларга асосан сиёсий партиялардан номзоди курсатилган депутатлар, Олий Мажлисга сайловда республика сайловчиларининг, маҳаллий Кенгашларга сайловда тегишли ҳудуд сайловчиларининг камида беш фоизи овозини тўплай олмасалар, депутат этиб рўйхатга олинмайди. Олий Мажлисга сайловда Марказий сайлов комиссияси, маҳаллий Кенгашларга сайловларда вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари депутат этиб рўйхатга олади.

Қабул қилинган сайлов тўғрисидаги қонунлар анча пухта ва мукаммал ишланган, улар асосида ўтказиладиган сайловлар демократик асосда ўтади деган ишонч мавжуд, қонунлар муҳокама қилинмайди, улар оғишмай бажарилиши лозим.

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ ҚҮМИТАСИ  
(1990 йил март — 1992 йил декабрь)**

Ўзбекистонда Президентлик лавозими таъсис этилиши билан давлатнинг янги тизими — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси ташкил этилди. Бу қўмита 1990 йилнинг марта тузилди. 1992 йилнинг 8 декабряда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу тизимнинг фаолияти назарда тутилмаган эди. Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгashi Конституциявий суд сайлангунга қадар унинг вазифасини бажаришни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси зиммасига юклади. Конституциявий назорат қўмитасининг вазифаси ҳуқуқий тизимнинг бирлиги ва мувофиқлигини таъминлашга қаратилган. Ҳозирги кўп partiялилик, сиёсий плюрализм Республикада жамиятни демократлаштириш жараёнини чуқурлашишида ва уни аниқ амалга оширишда давлат ҳамда жамиятнинг фаолиятини меъёрлашга қаратилган институтлар аҳамиятини кучайтирги. Жамиятни мувофиқлаштирадиган ва бирлаштирадиган асосий куч Конституция ва Қонундир. Қонун ҳукмрон бўлсагина ҳуқуқий давлат тузиш ҳакида гапириш мумкин. Баъча ҳуқуқий тизимларнинг ўзаги Конституциядир. У барча қонунларнинг негизи ва асосидир. Ҳуқуқий тизимда изчиллик, уйғунлик, ўзаро алоқа бўлиши зарур. 1990 йилнинг марта Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг биринчи сессиясида Конституциявий назорат қўмитаси ташкил этишга қарор қилинди.

Бу органнинг вужудга келиши — демократик давлатнинг ҳаётида катта воқеадир. Бошқа давлатларда бундай органлар ҳар хил номда юритилади. АҚШда — Олий Суд. Францияда — Конституциявий Кенгаш. ГФРда — Конституциявий суд. Қоида бўйича бу орган фаолияти ҳеч ким томонидан назорат қилинмайди. У парламент қонунларини, ҳукумат ва мамлакат Президенти фар-

монларининг Конституцияга мослигини аниқлайди. 1991 йилнинг октябрида Россия халқ депутатларининг съездида ҳам Конституциявий суд сайланди ва унинг аъзолари умрбод шу лавозимни эгаллайдилар. 1992 йил декабрида қабул қилинган Узбекистон Республикаси Конституциясида Конституциявий назорат қўмитасини Узбекистон Республикаси Конституциявий судига айлантиришни, яъни янги орган ташкил этишни назарда тулади.

Конституциявий назорат қўмитаси ўз фаолиятига кура учинчи ҳокимиятни — суд ҳокимиятини ифодалайди. Узбекистон Республикасининг 1978 йилги Конституциясида Конституциявий назорат қўмитасида иккита модда (115 ва 116) ажратилган эди. Уларнинг мазмуни қўйидагича: Узбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси Узбекистон Республикаси Олий Кенгashi томонидан қўмитанинг Раиси, Раис ўринбосари, Корақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшиб ҳисоблаганда 9 аъзодан иборат бўлиб сиёsat ва ҳуқуқ соҳасининг мутахассислари сайланади.

Узбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасига сайланган аъзоларнинг ваколат муддати ўн йил эди.

Узбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасига сайланган шахслар бир вақтда ҳужжатлари қўмита томонидан назорат қилинадиган органлар таркибига кира олмайдилар.

Узбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасига сайланган аъзолар ўз фаолиятларини бажариш даврида мустақиллар ва фақат Узбекистон Республикаси Конституциясида (1978 й.) буйсунадилар (115-модда).

1978 йилги Конституциянинг 116-моддасида, Узбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси Олий Кенгаш қабул қилган Қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг, шунингдек Республика Олий Кенгashi муҳокамасига киритилган қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг Узбекистон Республикаси Конституциясида қайдаражада мувофиқлигини аниқларди.

Биринчидан, Олий Кенгаш топшириғига биноан, иккинчидан, халқ депутатларининг камидан бешдан бир қисмининг, шунингдек Республика Президентининг ва

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Қенгашининг тақлифига биноан бажариларди.

Конституциявий назорат қўмитаси Республика Президенти фармонларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хulosा бериш ҳуқуқига эга эди. Конституцияда бу ваколат Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгashi топшириғига биноан бажарилади, деб кўрсатиб ўтилган.

Конституциявий назорат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгashi топшириғига, Президент, Олий Қенгаш Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Қенгashi тақлифларига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясини — Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг — Ўзбекистон Республикаси қонунлари га қай даражада мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Олий Қенгашига хulosалар тақдим этади. Шунингдек, Конституциявий назорат қўмитаеи Конституцияда қайд қилинган органларнинг олий мансабдор шахслари ва халқ депутатларининг топшириғи ёки тақлифларига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгashi ҳужжатлари ва бошқа ҳужжат лойиҳаларининг, ҳукумат қарорлари ва фармойишларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари ва бошқа мажбуриятлари, прокурорлик назорати амалга оширилмайдиган бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотлари меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунлари га қай даражада мувофиқлиги тўғрисида хulosалар беради.

Бу конституциявий қондаларни келтиришнинг боиси шундаки, Конституциявий назорат қўмитасининг фаолияти Конституцияда аниқ белгилаб қўйилганлигини таъкидлашдир. Қўмитага юборилган ариза ва шикоятлардан, Олий Қенгаш сессиясида сузга чиқсан айрим халқ депутатларининг нутқларидан шу нарса маълум бўлди.

Конституциявий назорат қўмитаси қонунларни қўллаш, судларнинг ҳукм ва қарорларининг қонунийлиги, айрим мансабдор шахсларнинг фаолиятлари ҳақидаги актларни куриб чиқмайди.

Шу билан бирга бу Конституциявий назорат қўмитаси фақат Олий Кенгаш, Президент ва бошқа қатор орғанлар ҳамда мансабдор шахсларнинг топшириқлари, таклифлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларининг камидаги бешдан бир қисми таклифига биноан иш курди. Конституциявий назорат қўмитаси уз ташаббуси билан олий давлат ҳокимияти ва бошқармаларининг ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларига мувофиқлик масаласини кўриб чиқишга ҳақли эди.

Фуқаролардан тушган, Қўмита кўриши шарт бўлмаган, шу билан бирга фойдали айрим шикоят ва аризалар инсон ҳуқуқларини қупол равишда бузишга хизмат қилган ҳуқуқ нормаларини қайта кўриб чиқишга ундаиди. Масалан, Қўмитага тушган шикоятлардан шу нарса маълум бўлдики, баъзи бир ишлар бўйича фуқаролар суд қилинмай 7—9 йилдан бери терговда ётган экан. Қўмита қонун бўйича терговни қашча вақт давом эттириш мумкинлигини ўрганишга қарор қилди. Яқин вақтгача бу масалани кўриб чиқишга умумиттифоқ қонунчилиги йўл қўймасди. Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилиниши ва Республика Қўмитаси қонунларни бошқарниши муносабати билан Республика ҳудудида амал қилаётган ҳар қандай қонун ҳамда ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини узи ҳал қилишга ҳақлидир. Шу муносабат билан Республика Конституциявий назорат қўмитаси Республика Жиноят-процессуал Кодексининг баъзи нормалари Республика Конституциясига, шунингдек, Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Декларациясига қанчалик мувофиқлигини текшириш ташаббуси билан чиқди.

Маълум бўлдики, қонун чиқарувчи судгача қамоқда тутиш ва судда иши кўриш муддатларининг аниқ фарқларини пазарда тутмаган. «Гўзал» ишлаб чиқарпиш бирлашмаси бўйича жинойи ишга алоқадор бўлган Резенгаус ва бошқалар суд ҳукм чиқаргунча 9 йилдан ортиқ қамоқда бўлган. Шу давр ичida тергов қилинаётганлардан 7 киши тергов изоляторида вафот этган.

Бу мисоллар криминалистикага доир дарслклардан ўрин олишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро актлари, 1978 йилги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37, 52, 55-моддаларига кура, дастлабки тергов босқичида қамоқда турган фуқароларнинг ҳуқуқларини тегишли кафолатлашни назарда тутиб, Жиноят-процессуал Кодексининг 79 ва бошқа моддаларига ўзгартишлар киритиш лозим, деб ҳисоблади. 9 ойдан ортиқ вақт мобайнида қамоқда сақлаш муддатини бир ярим йилгача узайтиришга, айрим ҳоллардагина ва фақат суд ҳукми бўйича йўл қўйилади. Бундан кейин бошқа узайтиришга йўл қўйилмайди, қамоқда сақлананаётган айбдор дарҳол озод қилинади.

Конституциявий назорат қўмитаси қисқа давр ичida бир мунча ишларни амалга ошириди. Қўмитанинг иш тартиби ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Қўмита Ўзбекистон Республикаси уй-жой Кодекси 67-моддасида «Башарти уй-жойни ижарага олувчи ёки унинг оила аъзоси озодликдан маҳрум этишга, сургунга, бадарғага ёки маҳкумни меҳнатга мажбуран жалб этган ҳолда шартли равишда озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган тақдирда, турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳукм ижро этилган кундан бошлаб олти ой мобайнида сақлаб қолинади», деб белгиланган.

Мазкур норма Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Халқаро инсон ҳуқуқлари актига мувофиқ эмаслигини кўриб чиқди. Бу белгиланган тадбир ҳукм қилинган шахсга нисбатан қўшимча жазо бўлиб, инсоннинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини чекаб қўярди.

Конституцион назорат қўмитаси аҳволни тузатди. Бу масалани фақат суд ҳал қилиши мумкин.

Олий Кенгашнинг қонун чиқарувчи Қўмитаси илтиносига кўра ва қонун лойиҳаларининг аҳамияти муҳимлигини ҳисобга олиб, Қўмита Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳақидаги қонунининг лойиҳасини ўрганиб чиқди. Қўмита аъзолари лойиҳа бўйича бир қатор жиддий фикр ва мулоҳазаларини билдирилар.

Демократик институтларнинг энг муҳимларидан бири фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини митинглар, мажлислар, кўча юришлари ва намойишлари шаклида амалга ошириш ҳуқуқи ҳисобланади.

Бу ҳуқуқ 1978 йилги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасида, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларациясининг 8-моддасида ва қатор Халқаро инсон ҳуқуқлари актларида аниқ белгилаб берилган.

1990 йилнинг 21 февраляда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати «Ўзбекистон Республикасида ташкил этиладиган ва ўтказиладиган мажлислар, митинглар, куча юришлари ва намойишларни тартибга солиш тўғрисида» Фармон чиқарди. Бу Фармонни 1990 йил 31 марта Республика Олий Кенгashi тасдиқлади ва қонуний кучга кирди:

Бу Фармоннинг пайдо бўлиши, кейинчалик қонун чиқарувчи актда таъкидланишича, митинглар, куча юришлари ва намойишлар натижасида қатор шаҳар, туманлarda тартибсизликлар, бевошликлар содир бўлдики, натижада давлатга, баъзи бир жамоат ташкилотларига, корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга, шунингдек кўпчилик фуқароларга катта моддий ҳамда маънавий зиён етказилди.

Конституциявийлик тўғрисидаги Олий Кенгаш Раёсатининг 1990 йил 21 февраль Фармони ва Республика Олий Кенгашининг 1990 йил 31 марта актига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси ушбу мақолани ўрганиб чиқди. Қўмита 1978 йилги Республика Конституциясининг 48-моддасидан келиб чиқиб, унда фуқароларнинг бу эркинлиги «халқнинг манбаатларига мувофиқ бўлсагина» ҳамда конституциявий тузумни «мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида» амалга оширасагина кафолатланади, деган хуносага келди.

Олий Кенгаш Раёсати ва Республика Олий Кенгashi қабул қилган актлар Конституция берган ҳуқуқларни бир мунча чегаралаб қўяди, аммо уша конституция Олий Кенгашининг қонун чиқариш тартибига кўра шунга ўхшаш актлар қабул қилишга имкон беради. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг 1978 йилги Конституциясида «фуқаролар томонидан фойдаланилдиган ҳуқуқ ва эркинликлар жамоатчиликка ва давлатга, бошқа фуқаролар ҳуқуқларига зиён етказмаслиги көрак» дейилади.

Республика Олий Кенгashi маъқуллаган Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларациясида таъкидла-

нишинча, фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш учун уларнинг жамоатчиликдаги фаолликлари суверен давлатнинг қонунларига мувофиқлашиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси халқи давлат ҳоқимиятининг ягона манбаи бўлганлиги учун халқ иномидан сўзга чиқишга ва масалаларни ҳал қилишга фаяқтунинг энг олий вакиллик органи — Республика Олий Кенгаши ҳақлидир, деган холосага келади. Ўзбекистон Республикасининг 1978 йилги Конституцияси ни эътиборга олган ҳолда, «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат тўғрисида»ги Қонуннинг 12 ва 18-моддаларига асосланиб юқорида санаб ўтилган қонуний ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид келмайди. Ўзбекистон Республикасининг 1978 йилги Конституциясининг 48-моддасида кафолатланган сиёсий эркинликни чекламайди.

Республика Олий Кенгаши мажлислар, митинглар, кучা юришлари ва намойишларни чеклаш масалаларига истаган вақтда баъзи ўзгартиришлар киритиши мумкин ва ҳақлидир. Митинглар ўтказишни хоҳлаш ва хоҳламаслиги ҳақида аҳоли билан савол-жавоб ўтказиш мумкин. Бир нарса аниқ равшани, бозор иқтисодига ва демократияга ўтиш давридаги қийинчиликлар халқ ёки унинг истагини қонуний ифодаловчи парламентнинг жавоби бир хил.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси, Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг 1990 йил 8 июндан «Тошкент шаҳрида митинглар, мажлислар, кучা юришлари ва намойишларни вақтинча таъқиқлаш тўғрисида»ги қарорини кўриб чиқди ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаб қўйиш, 1978 йилги Конституциянинг 48-моддасида кўрсатилган, шунингдек 1990 йил 21 февралда Олий Кенгаш Раёсатининг Фармони нормаларига мувофиқ келмаслигини таъкидлади.

Конституциявий назорат қўмитаси Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси 1990 йил 8 июнда қабул қилган қарорини қайта кўриб, қонунга мувофиқлаштиришини тақлиф этди ва бу Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси томонидан бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг таклифига кўра Конституциявий назорат қўмитаси қатор қо-

пурин дүржатларнинг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ келмаслиги хақидаги хуносаларни тақдим этди, Республика Олий Кенгаши бўларни кейинчалик муҳокама қилди.

Жумладан, қўмита томонидан Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ва фармойиш берадиган ҳукуматни тизимини мукаммаллаштириш ҳақида, Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари ҳақида, милиция олимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳақида, Ўзбекистон Республикасининг 1978 йилги Конституциясининг 175 ва 176-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорларнинг лойиҳалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси 1978 йилги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига мувофиқ қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиб Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳақидаги Қонун лойиҳасини муҳокамага тақдим этди ва 1991 йил февралидан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг IV сессиясида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясига Ўзбекистон Республикаси Президентига республиканинг амнистия ҳақидаги ҳужжатларини қабул қилишга ҳуқуқ бериши ҳақидаги таклифни киритди. Қўмита олдида турган вазифалар жиддий. Қўмита фаолиятини юзага чиқарадиган вазият оддий эмас, балки аинча мураккабdir. 1991 йил 11 октябрда собиқ СССР-нинг Конституциявий назорат қўмитаси «Фуқароларни прописка қилиш тартибини ҳал этиш» ҳақидаги хуносасини қабул қилди. Ўнда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги Декларация, иносон ҳуқуқлари ҳақидаги Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги фуқароларнинг эркин кўчиб юришлари, туарар жой ва иш турларини эркин танлашлари юқоридаги прописка ҳақидаги масалани қонуний деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси бу хуносани кўриб чиқиб қўйидагиларни қайд қилди: фуқароларнинг пропискаси ҳақидаги қонуний ўзгаришлар жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий

вазиятни ҳисобга олган ҳолда амалга ошиши керак. Паспорт тизими, прописка тартиби, фуқароларни қайд этиш ва рўйхатга олиш — давлат тузумидан келиб чиқилади. Ҳозирги шароитда пропискани ман этиш қарорини қўллашга вақт эрта. Собиқ иттифоқдош республикалар ўрнига суверен давлатлар пайдо бўлиши муносабати билан фуқароларни рўйхатга олиш, қайд этишни мустақилликни қабул қилган қарорларга асосланиб, суверен давлатнинг ўзи мустақил ҳал этиши лозим. Фуқаролик, божхона, чегара ишлари ва бошқа масалалар қонуний ҳал этилиши лозим. Фуқароларни прописка қилиш, рўйхатга олиш, қайд этиш тартиблари ҳақида бир қанча қарорлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси шундай хуносага келди: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жорий этилган прописка ҳақидағи низом ҳалқаро актларга ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунига мослаштирилиши лозим. Қўмита паспорт тизими рўйхатга олиш, қайд этиш, Ўзбекистон фуқароларни прописка қилиш ҳақида қонун қабул қилишни лозим деб топади. Бу қонун принципи асосида рўйхатга ва ҳисобга олиш белгилаб қўйилиши қонунлар, аҳолини кўчиши божхона, масалаларига ва бошқаларга қараб қабул қилиниши мумкин.

Конституциявий назорат қўмитаси бир йиғилишда Республика Конституциясига мувофиқ чиқарилган бир қатор қонунларнинг меъёrlарини куриб чиқди. Мазкур қонунларда фуқаролар билан мулкий битим тузиш вақтида улар томонидан молия идораларига тақдим этиладиган декларация асосида тегишли маблағ олиш бурчлари аниқлаб берилди. Агар қурилаётган уйнинг баҳоси йигирма мингдан ортиқ булса, битим ўн минг сўмдан ортиққа тузилади.

Конституциявий назорат қўмитаси маблағ олинадиган манбаларни декларация қилиш учун битим тузилаётган вақтда ҳуқуқий таъсирини ўтказиш ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мулкий муносабатларни тартибга солиш асосий ҳуқуқий ҳаракатларга мос келмаслигини аниқ белгилаб берди.

Шу муносабат билан Конституциявий назорат қўмитаси 1986 йил 30 июндаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фуқаролар маблағ оладиган манбаларни декларация қилиш учун битим тузадиган қарори мос келмаслигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1978 йилги Конституцияси I бўлимининг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасининг шахсий мулкчилик, корхоналар, чет эл инвестицияси, банк ва банклар фаолияти ҳақида корхонага эгалик қилиш ва бошқа бир қатор қонунлари мос келмаслигни қайд этган эди.

Юқорида келтирилган хulosаларни кўриб чиқиб, бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборишга қарор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасининг ташаббуси билан қамоқдан озод бўлганинг маъмурӣ назорат ўрнатиш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Маъмурӣ назорат Ўзбекистон Республикаси **Ахлоқ** тузатиши—меҳнат қонунлари мажмуасининг 121—123-моддаларига асосан белгиланади. Бу низомлар Ўзбекистон Республикасининг 1978 йилги Конституциясининг 52 ва 55-моддаларига, Иисон ҳуқуқларининг умумий баённомаси ҳамда бошқа ҳалқаро ҳуқуқиёт уй-жойини давлат ҳудудида жойдан-жойга кўчишини эркин таплаш ҳукукини таъминлашга қаратилган ҳужжатларга мос келмасди. Бу фуқароларнинг шахсий эркинлигини ва жойдан-жойга эркин кўчишини чеклашдир. Қўмита маъмурӣ назорат ҳақида агар зарурат бўлса, суд йўли билан аниқлашни лозим топди. Бу инсон ҳуқуқларининг ҳалқаро ҳуқуқ ҳужжатларига мос келади. Республика Конституциявий назорат қўмитаси, Олий Қенгаш Раисининг топшириғига биноан Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати олий органлари тизимида янги тартиблар жорий этиши масаласи юзасидан уз фикр-мулоҳазаларини билдириди.

Қорақалпоғистон Республикаси Президенти ёки Давлат Қенгашин лавозимини таъсис этиш ҳақидаги масала кўтарилиган эди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси билдирилиган мулоҳазалар Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарлари томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш вақтида эътиборга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасининг ҳукуқни демократиялаш ва уни Республика Конституциясига ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ҳужжатларга мувофиқлаштириш бу орган бажарадиган катта ишнинг бошланиши холос.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасининг таркибида ишлаш шаронтига мусассар бўлган республиканинг таникли олимларидан профессор Қаюмов Рауф Қаюмович — Қўмита Рансининг ўринбосари; профессор Пинхасов Борис Ильинч — Ҳ. Сулаймонова номидаги суд экспертиза илмий-тадқиқот институтининг директори; Изимбетов Тажек Изимбетович — Бердаҳ номидаги Нукус давлат дорилғунунинг профессори; ҳуқуқшунос фанлари доктори — Тожиев Турсун Тожиевич — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳуқуқий маслаҳатхонасининг бўлим мудири; ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Ҳакимова Сайёра Абдуллаевна — Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг бўлим бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси; ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Олимжоцов Омон Ҳамидович — Республика Олий Кенгаши Раёсати Котибиятининг бошлиғи; ҳуқуқшунослик фанлари номзодлари: Скрипников Николай Кузьмич, Мирҳамидов Миршоҳид Мирҳамидович, Раҳмонкулов Миракбар Ҳожиакбарович, Тешабоев Маматхон Тешабоевич.

1992 йилги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини тайёрлашда Конституциявий назорат қўмитаси аъзоларидан баъзилари Конституциявий комиссиянинг ишчи гуруҳида қатнашдилар.

Мустақил демократик давлат — Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизимини ишлаш жараёнида Конституциявий назорат қўмитаси биринчи ва ғоят фойдали тажриба ортириди.

## XII об

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг СУД ҲОҚИМИЯТИ ТИЗИМИДА ҲУЖАЛИК СУДИ

Ҳакамлар маҳкамасининг ташкил этилиш тарихи 1922 йилдан бошланган.

Ҳўжалик низоларини ҳуқуқий нормалар орқали ҳал қилиш мамлакатнинг халқ ҳўжалиги ривожланишига таъсирпни кўрсатади.

1919 йил 7 марта ҳакамлик суди ҳақида қабул қилинган 2-сонли декретни биринчи акт деб кўрсатиш мумкин.

1922 йилнинг 21 сентябрида давлат муассасалари ва ташкилотлари муносабатларидан келиб чиқадиган мулкий низоларни бартараф этиш тартиблари ҳақида биринчи Низом тасдиқланди. Шунга мувофиқ Мехнат ва Мудофа Кенгашида Олий ҳакамлик суди ҳайъатлари, кейин губернияларда мажлислар ташкил этилди.

1924 йилнинг 6 майида Мехнат ва Мудофаа Кенгашида ҳакамлик суди ҳайъатининг Низоми тасдиқланди.

1924 йилнинг 28 декабря Ҳакамлик маҳкамаси Ўзбекистонда Ўзревком қошида Олий ҳакамлик ҳайъатини ташкил этди.

1925 йилнинг 28 августида Олий ҳакамлик ҳайъати ЭКОСО Ўзбекистон ССР қарамоғига, 1928 йилнинг 10 марта эса Ўзбекистон ССРнинг Халқ Комиссарлари бошқармаси ихтиёрига ўтди.

1931 йилнинг 4 марта МИК ва СССР халқ комиссарларининг қарори билан давлат ҳакамлик судининг ҳайъати тугатилди (расмий идораларга қарашли ҳакамлик ҳайъатлари аввалроқ тугатилган эди), ҳар хил идораларга қарашли ташкилотларининг низоларини ҳал қилишни суд органларига топширишга қарор қилинди.

Давлат ҳакамлик суди ҳақидаги биринчи Низом 1931 йилнинг 3 майида МИК ва собиқ СССРнинг ХКС қарори билан тасдиқланган. Ушбу Низомнинг бир қатор асослари ҳозирги вақтгача аҳамиятини йўқотмаганлиги сабабли ўзгармасдан қолди.

Давлат ҳакамлик суди ҳақидаги Низомда Давлат ҳакамлик суди бир бошқармaga тегишли идоралар орасидаги умумдавлат ёки маҳаллий бюджетта тааллуқли низоларни ҳал этиши таъкидланган.

Низомда бир бошқармaga тегишли муассаса ва корхона, хўжалик бирлашмаси ёки кооператив тузуми ўртасидаги низоларни Давлат ҳакамлик судига юқори идоралар текшириш учун топширган тақдирдагина Давлат ҳакамлик суди ҳал қилишга ҳақилиги кўрсатилган. Низомда Давлат ҳакамлик судини бир бошқармaga тегишли хўжаликлар орасидаги низоларни ҳал этиш умуман унинг ҳуқуқ доирасига кирмаслиги маҳсус кўрсатилмаган. Шу билан бирга бундай низоларни қандай ҳал қилиш Низомда аниқ белгиланмаган. Бир бошқармaga тегишли ташкилотлар орасидаги мулкий низоларнинг қандай ҳал этилиши шу бошқарма ихтиёрига топширилган эди.

Тез орада бошқармаларда ҳакамлик судлари ташкил этилди.

Бошқармаларда ташкил этилган ҳакамлик судлари ҳукуматнинг ҳеч қандай қарорисиз тузилди.

1932 йилнинг 7 июня МИК ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг қарори билан Иттифоқдош республикаларнинг Халқ Комиссарлари Совети ихтиёрида давлат ҳакамлик судларини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. 1932 йилнинг 28 октябринда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ихтиёридаги Давлат Ҳакамлик судини ташкил қилиш ҳақидаги Низом»ни қабул қилди ва фаолиятини бошлади.

1959 йилнинг июлида СССР Министрлар Совети «Давлат ҳакамлик судларининг фаолиятини яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилди, унда давлат ҳакамлик судларининг асосий масаласи: корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ишини яхшилашга, хўжалик режаларини бажариш ва хўжалик ҳисоб-китобларини мустаҳкамлашга фаол таъсир кўрсатишга қаратилди.

1960 йил 17 августида СССР ҳукумати «СССР Министрлар Совети қошида Давлат ҳакамлик суди Низомни тасдиқлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. 1960 йил 28 декабрда республика ҳукумати «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат ҳакамлик суди ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ҳузури-

даги Давлат ҳакамлик суди түгрисидаги Низом»ни тасдиқлади.

Бу Низомда Давлат ҳакамлик судларининг халқ хўжалигини ривожлантиришдан келиб чиқадиган муаммолар ва шу асосда корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги иқтисодий ҳамда мулкий алоқаларини аниқлаш масалалари қўйилган эди.

Иқтисодиётни янгича бошқаришга ёндашув хўжалик ташкилотларининг ҳамма тармоқлари иқтисодий сиёсат принципларини изчиллик билан амалга оширишни, марказлашган соҳаларни бошқарувида қардош республикалар ҳуқуқларини кенгайтириш, хўжаликка раҳбарлик қилишда иқтисодий усулларнинг аҳамиятини ошириш, режалаштиришни тубдан яхшилаш, хўжаликларнинг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда ташкилотларнинг жамоалари ташаббусини қувватлаш, режа ва шартнома мажбуриятларини бажарнишларinda моддий манфаатдорлигини ошириш ҳамда мулкий жавобгарлигини кучайтиришни талаб қилади.

1970 йил 7 августида СССР Министрлар Совети ва 1970 йил 23 сентябрда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Давлат ҳакамлик судларининг ва вазирликлар ҳамда халқ хўжалиги бошқармаларининг ҳакамлик судларининг фаолиятини кучайтириш» ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур қарорда иқтисодий ислоҳот даврида давлат ҳакамлик судлари идораларининг асосий вазифалари аниқлаб берилди.

Ҳакамлик судлари иш жараёнига баъзи бир муҳим ўзгаришлар киритилди.

Низомда давлат ҳакамлик судлари идоралари ва вазирликлар ҳамда маҳкамалар ҳакамлик судларининг асосий вазифалари белгилаб берилди: корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг хўжалик низоларини ҳал қилишда мулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни амалга ошириш; ижтимоӣ ишлаб чиқаришни юксалтиришга, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ўртасидаги хўжалик алоқаларини мақсадга мувофиқ юксалтириш, халқ хўжалиги режаларини бажаришда улар ўртасидаги шартномаларнинг ролини кучайтириш; корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардаги низоларни давлат интизомига риоя қилган ҳолда режадаги ва шартнома асосидаги вазифаларни бажаришда фаол таъсир кўрсатиш; маҳаллийчилик ва маҳкамачилик курнишларига қар-

ши курашиш, ҳакамлик суди тажрибасини мунтазам ўрганиш ва умумлаштириш, хўжалик муносабатларини ривожлантириш борасида таклифлар киритиш, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятидаги камчиликларни бартараф қилиш.

1977 йилги СССР Конституцияси қонун чиқарувчи идоралар фоалиятининг бирмунча жонланишига рағбатлантириди.

1979 йил 30 ноябрда СССР Олий Совети «СССР давлат ҳакамлик судлари тўғрисида» Қонун қабул қилди. СССР Олий Советининг қарори билан ушбу Қонун 1980 йил 1 июлида кучга кирди.

СССР Министрлар Совети қошидаги ҳакамлик суди— СССР Давлат ҳакамлик судига, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Совети қошидаги давлат ҳакамлик судлари — иттифоқдош ва автоном республикалар давлат ҳакамлик судларига, ўлка, вилоят, шаҳар ижроия комитетлари халқ депутатлари Кенгашларига қарашли давлат ҳакамлик судлари — ўлка, вилоят, шаҳар давлат ҳакамлик судларига ўзgartирилди. Шу билан бирга давлат ҳакамлик идораларининг хўжалик шароитлари янгиланишини таъминлашдаги ваколатлари кенгайтирилди; қонуний ва шартномавий интизомларни мустаҳкамлашда қўшимча ҳуқуқлар берилди.

Давлат мустақиллиги ва суверенлиги негизида жамиятни демократлаштириш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, бозор иқтисодига ўтиш, хўжалик идораларининг мустақиллигини кенгайтириш шароитида, қонуний ақтлар билан мустаҳкамланган ҳакамлик судлари янги иқтисодий муносабатлар талабларига жавоб беролмасди. Шунинг учун ҳакамлик судларини тубдан ўзгартириш зарурияти пайдо бўлди.

1991 йил 12 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашини Ўзбекистон ССР Давлат ҳакамлик идоралари ни Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳакамлик судига, вилоят давлат ҳакамлик судларини вилоят ҳакамлик судларига ўзгартириш ҳакида қарор қабул қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашига Қорақалпоғистон Республикаси Давлат ҳакамлик идорасини Қорақалпоғистон Республикаси ҳакамлик судига айлантириш масаласини кўриб чиқишини тавсия этди.

Шу куни республикамизда мустақил ҳакамлик суди идораларининг туғилган куни деб атаси мумкин.

Шу тариқа республикамиз ҳакамлик суди идоралари

мавжуд бўлгандан бери биринчи маротаба иттифоқ тувилицидан ажраб, ҳақиқий мустақил бўлди.

1991 йил 14 июнданги Ўзбекистон Республикаси Қарори ва 1991 йил 26 июнданги Қорақалпогистон Республикаси қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Қорақалпогистон Республикаси Конституциясига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди.

Ҳакамни ва ҳакамлик судларининг бошқа раҳбар ходимларини сайлаш ҳамда тайинлаш тартибларига жиддий ўзгартиришлар киритилди.

Ҳакамлик судига раҳбарликни амалга ошириш борасида молиявий, моддий-техник ва бошқа таъминотлар Ўзбекистон Республикаси Олий ҳакамлик суди зиммасига юклатилди. Бу ҳакамлик судларини маҳаллий ҳокимият идораларига мулкий мустақил, моддий қарам эмаслигини таъминлайди ва хўжалик низоларини ҳаққоний ҳал қилишга имкон яратади.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Қеңгаш томонидан давлат мустақиллигининг эълон қилиниши аввалги ҳуқуқий муносабатлардан ҳакамлик идораларининг хўжалик низоларини ҳал қилиш тартиблари янги шароитларга мутлақо мос келмасди, ҳакамлик идораларининг иш услублари ва шаклига янгича ёндошишни, унинг обрўси, ваколатининг аҳамиятини кучайтиришни тақозо қиласди. Шунинг учун Олий Қенгаш 1991 йил 20 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик суди ва хўжалик низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида» Қонун қабул қилди.

Бу Қонунда ҳакамлик судларининг вазифалари, вазиятлари, фаолиятларини акс эттирувчи масалалардан ташқари хўжалик низоларини ҳал қилиш тартиблари ҳам ёритилган.

Ҳакамлик судлари идораларининг янги Қонуни ўзиға тегишли бўлмаган ҳалқ хўжалигини бошқаришдек вазифадан озод қилди ва улар мутлоқ мустақил ва эркин юриедикция органи бўлиб қолди. Ҳусусийликнинг қандай шаклдалигидан қатъи назар субъектининг ҳуқуқий ва қонуний муносабатларини таъминлашга қодирдир.

1992 йилда қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасидаги хўжалик низоларни Ўзбекистон Республикаси ҳакамлик суди ўз ваколати доирасида ҳал этишини таъкидлаган. Бино-

барин, давлатимизнинг Асосий Қонунни ҳакамлик суди-  
ни юрисдикция идора, деб ҳисоблади. Янги Қонунда ҳа-  
камлик судининг юрисдикция вазифаси унинг бош фа-  
лияти деб қабул қилинди, қолган масалалар эса мана-  
шу юрисдикция фаолияти асосида ҳал этилади.

Қонуннинг З-моддасида асосий вазифалар санаб ўти-  
лади — одил судловни амалга ошириш йўли билан таш-  
килотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун би-  
лан муҳофаза қилинадиган мағфаатларнинг ҳўмоя эти-  
лиши, ҳакамлик судига худди хўжалик юрисдикция идо-  
раси, деб қаралган.

Ҳакамлик судларининг ваколатлари бирмунча кен-  
гайтирилди, уларнинг ихтиёрига битта вазирлик, маҳка-  
ма, ташкилотлар орасидаги низоларни ҳал қилиш юкла-  
тилди. Авваллари битта вазирликни ёки маҳкамага те-  
гишли ҳакамлар ҳал қиласарди. Низолашаётгандарнинг  
бир томони колхоз бўлиб, 100 сўмгача даъвогар бўлса,  
у идорада ҳал қилинарди.

Қонунда кўзда тутилган янгиликлардан бири ҳакам-  
лик судига қарашли низоларни бошқарма идоралари  
орасидаги иқтисодий муносабатлардан келиб чиқиб, шу-  
нингдек, хусусий, қўшма корхоналар ва халқаро бир-  
лашмалар, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлат-  
лар ташкилотлари юридик шахслари ҳисобланади.

Ҳакамнинг мавқеи ошди. Ҳакам ўз вазифасини амал-  
га ошириш борасида, яъни низоларни ҳал қилиш чори-  
да мустақил ва фақат қонунга бўйсунади. Ҳакамнинг иш  
фаолиятига ҳар қандай идора, ташкилот ва мансабдор  
шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди. Оммавий  
ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзаси-  
дан қарор қабул қилинмагунга қадар ҳакамлик муҳока-  
маси натижаларини олдиндан белгилаб қўйишга ҳақли  
эмас. Ҳакамлик жараёни қатнашчилари ёки ҳакамлик  
суди мажлисида қатнашаётган фуқаролар томонидан  
ҳакамга иисбатан ҳурматсизлик кўрсатилиши, шунинг-  
дек бирон-бир киши томонидан Ҳакамни очиқдан-очиқ  
менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатларнинг  
содир этилиши Ўзбекистон Республикаси қонунларига  
мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Олий Ҳакамлик суди таркибида, шунингдек алоҳида  
ҳакамлик судларида хўжалик низоларини ҳал қилиш  
учун Ҳакамлик раёсатини (П-босқич) сайлайди ҳамда  
қарорларнинг қонуний ва асосли эканлигини текширади-  
ган Ҳакамлик раёсатини сайлайди.

Низоларни ҳакамлик суди таркибида битта ҳакам, қонуннан салынғанда битта ёки учта ҳакам иштирок этади.

Хўжалик низоларини раёсатда ҳал қилиш ва қарорларни қонуний ҳамда асосли эканлигини чуқур, ҳар томондайма текшириш тарафларнинг ўзаро муносабатидан ишботлашда хатолардан ҳоли булади. Қонунда ҳакамлик суди жараёнида томонларнинг вакиллари, учинчи шахслар — прокурорлар, давлат ва актни ҳақиқий мөбабар арз қилган бошқа ташкилотларнинг қатнашиши ҳам назарда тутилган. Ҳакамлик судида хўжалик низоларини ҳал қилишда ташкилотлар қонун ва ҳакамлик суди олдида хусусийлик, бўйсунишлик жойидан ва бошқа жиҳатлардан қатъий назар тенгдирлар.

Биринчи марта давлат божини республика бюджетига тўланаш жорий этилди, шунингдек нул маблағларини валютасида ундириш тўғрисидаги низолар бўйича давлат божи чет эл валютасида тўланиб, у валюта сифога ўтказилади.

Ҳакамлик судининг фаолиятидаги муҳим масалаларни ҳал қилиш учун Олий ҳакамлик суди таркибида Пленум тузилди. Пленум Олий ҳакамлик суди ҳайъатининг ҳакамлик раисини, Қорақалпоғистон Республикаси ва ғиломлар ҳакамлик судлари раисларининг иш фаолидаридаги маърузасини тинглайди.

Узбекистон Республикаси Конституциявий назорат комиссиининг Олий ҳакамлик суди Пленумининг тушунторишлари Узбекистон Республикаси Конституцияси қонуннорига тўғри келмаслиги хусусидаги холосаларни кораб чиқади, шунингдек Олий ҳакамлик суди Раиси. Узбекистон Республикаси Прокурорининг Олий ҳакамлик суди қабул қилган қарорлар қонунларга зид болиб қолганлиги муносабати билан билдирилган эътироғималари бўйича ишларни назорат тартибида куриб чиқади.

Олий ҳакамлик судининг раёсати ўз мажлисларида танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларини муҳокама этади. Шунингдек Олий ҳакамлик суди ҳакамлари ҳамда ушбу суд таркибий бўлинмалари раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси ва ғиломлар ҳакамлик судлари раисларининг ҳисоботларини эштиб боради. Ҳакамлик суди идораларининг филиалларининг муҳим йўналишларидан бири иқтисодий муносабатларда қонунлар бузилиши сабабларидан

дарак берувчи маълумотларни изчил таҳлил қилиб боради, уларни ўз ҳуқуқ доирасида бартараф этиш чора тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда ташкилотлар раҳбарларига, давлат идоралари ва бошқа идораларга хусусий ажримлар, аниқланган қонунбузарликлар тўғрисидаги, ана шу қонунбузарликлар содир этилишига таъб бўлувчи ҳамда тегишли чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилувчи ҳолатлар ҳақидаги ахборотларни юборади.

Қонунда жуда муҳим нарса кўзда тутилганки, бу Олий ҳакамлик суди ҳал қилув қарорлари қатъий ва ишни қайта кўриш ман этилади.

Олий ҳакамлик суди Рансининг ваколатига кенг аҳамият берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунига мувофиқ Олий ҳакамлик судининг Раисига қонун чиқариш таклифларини Республика Олий Кенгашига тақдим этиш ваколати берилган. Бундан ташқари Раис ўз ваколатлари доирасида ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ фаолияти устидан прокурорлик назорати амалга оширилмайдиган давлат идоралари ҳамда ташкилотларининг норматив ҳуқуқий хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси Қонунларига қай даражада мос эканлиги тўғрисида хулосалар бериш хусусида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасига тақлифлар киритади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик суди ва хўжалик низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида» қабул қилинган Қонунида иқтисодий мустақилликни таъминлаш, республиканинг ҳақиқий суверенликка эришганлигини мустаҳкамлайди; иқтисодий-хўжалик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар чет эл кўз ўнгига республикамиз обрусини кўтаради, ҳакамлик суди туфайли ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва қизиқишларини ҳимоя этади.

Республика ҳакамлик судларининг ягона тизимини ташкил этувчи Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳакамлик суди зинмасига ҳакамлик судларини бошқаришни ташкил этиш, молиявий масалалар, моддий ва бошқа таъминот масаласи ҳакамлик судини ташкил этишга жавобгарлик, аҳволни ва ҳакамлик судлари фаолиятини такомиллаштириш, ҳакамлик судларининг барча ташкилотлари қонуний ягона куринишида ва түғри кўл-

ланни, шунингдек иш унумдорлигини ошириш натижаси-  
нинг хўжалик низоларининг тўғри ҳал қилинишига эри-  
шиди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-  
моддасида — Ўзбекистон Республикаси суд тизими беш  
йил мурдатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий  
суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, ви-  
лоятлар хўжалик судларидан иборат эканлиги қайд  
стилган.

112 ва бошқа моддаларда судьяларнинг мустақил-  
лиги одил судловни амалга оширишда фақат қонунга  
бўйсунишлари, бошқа бирон-бир тарздаги аралашувига  
пур қўймаслиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги  
«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини амал-  
ла киритиш тартиби тўғрисида»ги қонунига асосан Ўз-  
бекистон Республикаси Олий ҳакамлик суди, Қорақал-  
погистон Республикаси ҳакамлик суди ва вилоятлар ҳа-  
камлик судларини Ўзбекистон Республикаси Олий хў-  
жалик судига, Қорақалпогистон Республикаси ва вило-  
ятлар хўжалик судларига айлантирилди.

Раис, раис ўринбосарлари, хўжалик судларининг ҳа-  
камларининг ҳамма мавқедагилари илгари сайланган  
тайинланган раислари, раис ўринбосарлари ва ҳа-  
камлик судларининг ҳакамлари сайлангунча ёки тайин-  
лагунга қадар ўз вазифаларини бажарадилар. Хўжа-  
лик судларининг судьяларига ҳам одил судловни амал-  
оширишида юқорида келтирилган кафолатлар таал-  
луклидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, илгариги маъму-  
тиш буйруқбозлик тизимининг вазифаси — назорат қи-  
ши ва тақсимлашдан иборат эди. Ўзбекистон Республикаси  
Олий хўжалик суди ва Қорақалпогистон ҳамда  
вилоятлар хўжалик судлари Конституцияий суд ва  
Олий суд билан бир қаторда Республика ҳукуматининг  
суд тизимини ташкил этадики, бусиз ҳақиқий мустақил,  
демократик, ҳуқуқий давлат бунёд қилиш ҳақида гап  
бўлиши мумкин эмас.

### XIII боб

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ — АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЧИ

Фақат давлат, қонуний сайланган ҳукуматгина ислоҳотчи бўлиши мумкин ва лозим. Уларгина устивор йўналишларни белгилайдилар, ижтимоий ларзаларга олиб келмайдиган оқил, пухта ўйланган ва изчил сиёсат ўтказдилар.

**Давлат нима?** Бу хусусда қадимий даврдан то ҳозирги кунгача ўнлаб тавсифлар келтириш мумкин. Бизни давлат ва халқ муаммоси қизиқтиради. Шу маънода олганда давлат — халқнинг ўзи тақдирини ўзи белгилашнатижаси, туб ҳуқуқ ва маффаатларини ўзи ҳимоя қилиши учун ўз-узини ташкиллаштириши, ўз ҳокимиятини амалга ошириш дегани. Давлат — халқ маънавияти ва маданиятигининг ифода усули, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги етуклик кўрсаткичи. Халқ жамоат ўюшмалари, диний жамоа, фуқаролар ўрни орқали узини жамият сифатида намоён этади. Шу сабабли Ўзбекистон Конституцияси Халқ, Шахс, Жамият, Давлат каби тушунчаларнинг умумийлигига, узвий бирлигига асосланган.

**Ислоҳот нима?** У аста-секин жорий этиладиган шунчаки ўзгаришлар, янгиликларгина эмас. Ўзбекистонда тушунилишича, ислоҳот — халқ учун халқнинг фаол иштирокида ва қўллаб-қувватлаши билан амалга ошадиган янгиланиш, тараққиётдир. Давлат эса ислоҳ қилишининг энг асосий воситасидир. Унга озгина путуретказилса ҳам ислоҳот тартибсизликка айланади. Бунга мамлакатимизнинг ўзидаи ҳам, унинг ташқарисидан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. «Демократия» моҳияти, яъни халқ ҳокимияти тушунчасининг ўзиёқ давлатнинг ислоҳотчилик вазифасига тўсқинлик қилишини, халал беришни ишкор этади. Жуда жадал инқиlobий ислоҳотга халқ тайёр бўлмаган пайтда давлатдан ислоҳотни ўта жадаллаштиришни талаб этиш демократ эмас, балки инқиlobчи бўлиш демакдир.

Нима учун Ўзбекистонда янгиланиш ва тараққиётини ўтиш босқичида давлат бош ислоҳотчи ҳисобланали?

Халқимиз давлат ҳокимиятчилиги борасида мустақиликка эга бўлмаган, бу ҳокимият ўзининг маънаний на миллий негизидан ўсиб чиқмаган қадимги даврдан буен давлатни қандайдир ўгай, фақат зўравонлик поситаси деб билишдек нотўғри тушунча сақланиб келмоқда.

Бироқ гап шундаки, ҳур Ўзбекистон Республикаси об атамниш мустақил давлат мавжудлигининг ўзи ҳолигири ўзбек миллатининг, Ватанимиз бутун кўпмиллатни халқининг буюк тарихий ютуғидир.

Давлатининг ислоҳотчилик роли фақат ҳокимият, этиш ва назорат қилиш ҳуқуқи, ҳуқуқий тартибот ифмолоти, моддий ресурслар унинг идоралари қулида ғилигидангина келиб чиқмайди. Халқ учун алоҳида буюк ифтихор бўлган давлат унинг яратувчан кучга прати, одамларимиз қандай юксакликларни эгаллашга юдири эканлигини бутун дунёга намоён этиш саъй-хакратлари манбаига айланади. Давлат халқ билан алоқаларга оид анъаналарида унинг кўп асрлик притиҳидаги энг фойдали аъмолларни мужассамлайди. Шу билан бирга давлат фуқароларнинг ўз-узини ташништиришнинг мураккаб тамойили бўлиб, уларнинг этиш ва манфаатларини қондириш учун шарт-шарорлар яратишга даъват этилган. У жумҳуриятдаги ҳамма гурӯҳ ва қатламлар, барча миллатлар манфаатлари муштараклигини сақлаб, уни ягона, умум манфаатига ишлантиради. Бу Ўзбекистоннинг буюк келажагидир.

Бизнинг давлатимиз айнан шу маънода катта оила ҳисобланади. У бирдамлик — умумий ҳамкорлик принципишига асосланади: давлат — ўз фуқароларига, фуқаролар — бир-бирлари ва давлатга.

Биз бошдан кечираётган даврнинг ўтиш босқичи эканлигига ҳеч кимда шубҳа йўқ. Ҳар бир фикрловчи ўз шуқтаи мазарини баён этишга ҳақли. Аммо ким тўғри йўлни топа олади, ким уни халқ манфаати йўлида ошира олади? Бу битта партия, ҳаракат ёки бошлиқлар гуруҳининг қўлидан келармикин? Ўзимиз ва ўзгаларнинг тажрибаси бу саволга бир сўз билан «йўқ» деб жавоб беради, агар давлат одамларнинг та-

шаббускорлиги ва уддабуронлигини ошира олса, булга қодир бўлади. Шу боисдан И. Қаримов фуқароларнинг шахсий ташаббуси муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва уни қўллаб-қувватлаш давлатнинг бурчи деган фикрни зур бериб уқтироқда.

### Ўзбекистон Республикасида давлатнинг ислоҳотчилик куч-қудрат нималардан иборат?

Куч-қудрат — давлатнинг имкониятлари. Биринчидан, ҳуқуқий имкониятлар, зеро ҳаёт, ҳар қандай мулк, иш билармонлик ҳуқуқ ва қонунга асосланади. Давлат тимизнинг ўз Конституцияси бор ва ишлаб турибди, у келажакка қаратилган. Биз шу пойдевор устида янги ҳуқуқий давлат, жамият қурамизки, унда қонунга бўйсуниш барқарорлик ва тараққиётнинг шарти бўлади.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг иқтисодий куч-қудрати унинг ички ва ташқи мустақиллиги учун етарлидир. Аммо у ўз-ўзидан эмас, балки фақат фуқаролар ташаббуси шарофати билан рӯёбга чиқадиган давлат ташаббуси туфайли ҳаракатга келади.

Учинчидан, давлат бошқарувининг бош тамойили сифатида ҳаётнинг ҳамма соҳаларига таъсир ўтказади ва шу боис уни босқичма-босқич, равон ўзгартириб бериши мумкин. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотнинг бозор муносабатлари ва давлатнинг ижтимоий ҳимоя сисати сари муайян мутаносибликни таъминлаши бунинг доимий тасдиғидир.

Тўртинчидан, кўлпартияли жамият кўлпартияли давлат дегани эмас. У доимо нопартиявий, Қонуний сайловлар орқали давлат тепасига келган ҳар қандай партия фақат ўз партияси нуқтаи назарини акс эттиришини тұхтатади. Давлат тепасида турган ҳар қандай ақлли сиёсий куч ислоҳот мантиғига кўра умумхалқ мақомини олмоги керак. Давлатнинг демократиявийлиги, унинг ижтимоий-сиёсий кучлар ролини, фуқароларнинг ҳурфикарлигини тан олиши дегани шудир.

Бешинчидан, давлатнинг маданий-тариҳий куч-қудрати халқнинг маънавияти ҳамда бугунги ва эртанги тарихий хотираси демакдир. Ўзбекистонда давлат миллӣ маданиятни тикламоқда, истеъдодларни қўллаб-қувватламоқда, таълим ислоҳини амалга оширмоқда, ўзбек тилининг буюк қадр-қимматини, обрусини бутун чоралар билан оширмоқда, миллатлараро ҳамжиҳатликини, ўзаро ҳурматни мустаҳкамламоқда. Давлат халқ эътиқодини улуғлаётгани учун ҳам художўй мусулмонлар

данинн түйғуларини рүёбга чиқариш хусусида қайтада.

Олтинчидан, давлат халқ мұхофазаси ва хавфсиздік таъминламоқда. Бу ҳам бизнинг ҳозирги муржыкаб геополитик вазиятда ута мұхим ишdir. Одамдардың жиностырылышы ҳуқуқбузарлардан шахсий хавфсиздікке давлат ҳимоясига мұхтождір. Орол деңгизи ва шаҳарларда юзага келган экологик танazzул давлаттың ақолини экологик ҳимоя қилишга ундағы да.

Еттегинчидан, давлатнинг ташқи сиёсий ва ички иқтиодий куч-қудрати уннинг барқарорлығы ва халқаро ҳамиятта тенг ҳуқуқлилиги манбаи бұлып хизмат қылады. Ягонаю-яхлит вә үзаро үзвий боғлиқ дүниә Үзбекистонни үзаро ҳамкорликка ундағы да. Бизнинг ички ва ташқи сиёсатимиз халқаро күлами давлат орталығы белгиланади.

Шу ва давлат куч-қудратини белгилайдигап бошқа омбандар Үзбекистоннинг буюк келажаги учун хизмат берді. Агар амалий мушоқада қиладиган бұлсак, бу — ижтимау сочинлик, хотиржамлик, әртанды қунга ишонч демократиядір. Ахир Үзбекистоннинг буюк келажаги мазмұн мөншіті шу нарасада мужассам әмасми? Давлатнинг маҳобати — оддий инсоннинг бағыт. Айнан шундай шуқтаи назар давлатнинг мутлақ ҳукмдорлигини пакор этади. Давлатнинг инсонпарварлығы инсонни үзүглайды. Ва давлатнинг ислоҳотчи сифатидаги роли, ислоҳатосынан абалы агадай бұлмайды.

Давлатнинг яратувчан куч-қудрати фуқароларнинг ташаббуслари орқали мустаҳкамланиб бориши туфайли давлатнинг шериги сифатида жамиятнинг ҳам ислоҳотчилик куч-қудрати үсіб боради. Үзбекистондаги ислоҳотларнинг кенг күламилиги ислоҳотнинг ижтимауи тәмойиллари күлами ҳам кенг булишини талаб этади. Шу боис демократик, ҳуқуқий давлат яъни фуқаролар ҳамжамияти керак. Вакиллар ҳокимиятини сийдән түғрисидаги янги қонун давлатдаги ана шу ислоҳот вазифаларини ҳал қилишга даъват этилган.

Халқаро тажрибалардан маълумки, фақат давлатнинг үзи ислоҳотчи булишга уринган мамлакатлар йўқ әмас. Бироқ ислоҳот изга туша бошлиши билан давлатнинг үзи жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ташкил топи-

шига кумаклашади. Бу билан давлат фуқароларининг сиёсий мададига эришади.

**Ўзбекистонда давлат ислоҳотчилигининг асосий йўналишлари қандай?**

Биринчидан, янги қонунларни тузиш: давлат қурилишнга оид (сайловлар, Вазирлар Маҳкамаси, суд, милиция, ҳокимлар ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш); бозор иқтисодиётiga оид (янги фуқаролик кодекси, савдо ва божхона кодекслари, халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида қонун); сиёсий партияларга оид; халқ маданиятни ва маънавиятига оид.

Иккинчидан, бозор инфраструктурасини барпо этиши рағбатлантириш (мол ва хизмат бозори, капитал бозори, банклар тизими, экспорт ва импортни таъсисе этиш, майда ва ўрта топармонлик, йирик давлат саноатни рақобат бардош маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаб технологик жиҳатдан қайта қуриш, чет эл ва ички сармояларни хорижга мол чиқара оладиган муҳим тармоқларга жалб этиш, яъни транспорт, алоқа, қурилиш ва информатика, ирригация, қишлоқ хужалик маҳсулотларини охиригача қайта ишлаш соҳаларига).

Учинчидан, одамларнинг иқтисодиётдан узилиб қолишинларининг олдини олиш, текинхурлик ва боқимандалик кайфиятидан халос бўлиш тарзи сифатида давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, ҳиссадорлик ва кредитлаш. Хўжаликни бошқариши ва мувофиқлаштиришнинг концерн, компания ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси каби идоралари тизимини вужудга келтириш. Улар давлат бюджети елкасида ўтирамай, аксинча уни тўлдиришлари керак бўлади.

Бундан бўён меҳнат жамоалари (хусусий, давлат, аралаш, ижара), уларнинг яшовчанлигини текширувчи ҳолатида бўладилар. Бу кредитлар, технологиялар, ресурслар, ўзаро алоқаларни излашга ундайди. Истесь молчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтиёжлари тақосида бозор мунисабатлари шаклланади. Улар ўртасида ҳакам ҳисобланувчи давлат эса ҳар иккаласига қонун ҳамда ижтимоий ва иқтисодий мувозанат асосида ёрдам беради.

Тўртинчидан, ижроия ҳокимиятнинг ҳокимлар вазифасини ўзига олувчи янги тизимига ўтилади. Ҳокимлар

Президентнинг жойлардаги вакили ва ҳамма йўналиш-  
хўрал ислоҳотларни уюштирувчиси бўлиб, фуқаролар  
миллатларини ифодаловчи ҳалқ депутатлари Қенгаш-  
хори билан бирга бажаради.

Бешинчидан, давлат ижтимоий мададнинг шундай  
излайдики, токи у бизнинг иқтисодиётимиз  
миллатларини ҳисобга олсин, айнан ўзини ўзи таъ-  
нилай олмайдиганларга кўмаклашсин. Бунда давлат  
ишлоҳурят аҳолисининг учдан икки қисми унинг ёрда-  
нида яшаётган ҳозирги вазиятни бир умр сақлаб қо-  
нганийди. Томорқа ерлари, ҳунардмандчиликка солиқ  
кордитлар, оилавий топармонлик ва касаначилик учун  
кордитлар вақти келиб ўз муаммоларини ўзлари ҳал  
оладиган кишиларнинг кўпайишига олиб келади. Бунинг  
умуми амалдаги демократиядир. У кўпчилик одамлар ўз  
кордиган бурунликларини намоён эта оладиган келажакка  
мулжалланган.

Олтинчидан, И. Каримов ўз китобларида ислоҳот-  
ларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини алоҳида таъ-  
нилайди. Давлат ўтказаётган ислоҳотларнинг марказ-  
и на ватанпарвар ва фуқаро туради, бундай маънавий  
жистоҳатларсиз на билм, на унвон фойда бермайди. Ўз-  
бекистондаги таълим тизими муаллимлар ва ўқувчилар  
уон истеъдод мусобақаси бўлмоғи керак. Япония ти-  
нади бунга мисол була олади. Таълим амалий, яъни  
юхий ва ижтимоий, иқтисодий ва маънавий муаммолар  
ни счишга тайёрлайдиган бўлиши лозим. Ёшларимиз  
ни таълим ва ҳалқ қадриятларидан келиб чиқсан ҳолда  
на тайёрланмоғи зарур. Тараққиёт ва янгиланиш  
ни жаҳон тажрибасидан манба топа билиш муҳим-  
дор.

Еттичидан, бизнингча Узбекистоннинг мустақил  
хўсни сиёсати таркиб топди. Президент И. Каримов  
Азриазий Осиё ва МДҲда ҳам, Осиё, Европа бутун  
халқаро ҳамжамият билан ҳам кўптомонлама мувоза-  
ни алоҳани амалга ошироқда. Бизнинг ҳар қандай  
тифкуравий таассуб ва шартлардан холи миллий ман-  
фаатларимиз, ҳамма шериклар билан тенгҳуқуқлилиги-  
ни Узбекистон ташқи сиёсатининг асосини ташкил этади.  
Масаланинг моҳияти ташқи ресурсларни ва ҳалқ-  
аро сиёсий мададни ислоҳот ва барқарорликка хизмат  
ни тадришишdir. Узбекистон Республикасининг чинакам  
штрафоқчилар ва дўстлари ана шу аъмолларга қараб  
иниқланади.

Бизнинг мамлакатимиз халқаро майдондаги ўзига муносиб ўринни эгаллай бориб, қардош Тожикистон муаммолари масаласида қатъйлиги ва тинчликсеварлигини намойиш этиб, бугунги кунда халқаро кўламдаги дипломатия тамойилларини яратмоқда. Бунинг учун юқори малакали кадрларни тайёрламоқда.

Давлат ислоҳотчилигининг ўзига хос хусусияти шундаки, ислоҳотнинг асосий йўналишларини тўғри белгилай олиш ва уларни уйғуналаштира билиш лозим. Бундай стратегик йўл бир томондан, Президентимизнинг сиёсий фалсафа таърифини чуқур идрок этишида музжассамланган: «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», бу вазифани ҳал этишининг стратегияси «Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йули»дир. Иккинчи томондан давлатнинг ташкилотчилигига амалга ошириладиган ислоҳотнинг шартларини очиб берувчи бешта тамойилда ўз аксини топган.

**Давлатнинг ислоҳотчилик йўлиниңг ҳуқуқий демократик тамойиллари нималардан иборат?**

Конституция ва Ўзбекистон қонунларида бу тамоиллар кўрсатилган. Шунингдек, давлатнинг ислоҳотчилик роли ошган чоғда фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликлари амал қилишининг ижтимоӣ кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Уларни қисқача санаб ўтишга ҳарарат қиласмиз. Фуқароларнинг ҳуқуқий ва ижтимоӣ жиҳатдан тўла тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг фуқаролик, ижтимоӣ-сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари, умумий, тенг яширии сайлов ҳуқуқи ваколатли ва ижроия органларинг сайлаб қўйилиши, давлат ҳокимиятининг қонунчиқарувчи, ижроия ва судлов шаҳобчаларига бўлинishi ва ўзаро боғлиқлиги, президентлик Республикаси, сайлов тизими ва жамиятининг кўп партиялилиги, давлат ва аҳолининг маҳалла уюшмалари орқали ўзаро алоқадорлиги.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорати — Олий Мажлис, Конституция, Қонун, Фармон, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси устидан президентлик назорати, Конституциявий суднинг роли, прокурорлик назорати, судлов назорати — буларнинг ҳаммаси давлатда самарали ислоҳот ўтказишнинг ҳуқуқий воситаларидир.

Ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати, аввало халқ фикри орқали амалга оширилади. Бу президентлик сайловлари ва давлат мустақиллигига бағишлилаб ўтказилган референдумда яққол намоён бўлди. Олий

Мажлисни ва барча депутатлар кенгашлари сайлови умумхалқ ҳоҳиш-иродасининг навбатдаги босқичи бўлади. Конституция ва қонунга мувофиқ амал қилаётган сиёсий партӣлар ўз таклифларини давлат ислоҳоти ва бошлиқлари дастурларини тавсия этиш борасида катта ҳуқуқларга эгадирлар. Сўнгги ихтиёр — фақат ҳалқда, сайловчидан. Бу Ўзбекистоннинг давлатчилик ва ижтиёмий ҳаётида мутлақо тарихий янги воқеликдир.

Ўзбекистонда давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган ислоҳотни амалга ошириши учун жамиятда қандай шарт-шароитлар зарур?

Бизнинг азалий маънавий қадриятимиз бўлган ижтиёмий заковатни биринчи үринга қўйишни истардик. Сиёсий мухолифатчиликдан ҳалқ ва давлат манфаатларини кўзлаб оқилона фойдаланиш мамлакатни биз ҳаммамиз фахрланадиган юксакликка олиб чиқиши мумкин. Унутмайликки, ҳар доим ҳалқимиз фақат бемаъни низо ва адоватлар туфайлигина гоҳ у, гоҳ бу империя зулмига дучор бўлган. Ислоҳотнинг нафақат хабардор дсиралар ва юқори малакали арбобларга, балки оқил, доно кишиларга, барчага ҳам дахли булади. Аждодларимиз, хусусан Абу Али ибн Сино доноликни қандай талқин этган? Донолик — инсоннинг ҳам, оиланинг ҳам, давлатнинг ҳам соғломлиги учун лозим бўладиган фойдали мезон, дея таъриф беради у.

Бизнингча, фуқароларнинг давлатга ишончи ислоҳот учун зарур шартлардан биридир. Бу ишончга путур етказувчилар худбииликлари туфайли ҳалқимизнинг буюк ва қудратли ҳаёт дараҳтини қўпоришни истайдилар. Ҳеч кимнинг бунга эриша олмаслиги аён. Аммо каттагина зарар етказиши мумкин. Ҳалқнинг ишончи ислоҳотнинг мураккаб ва машаққатли эканлигини тушунишларида ҳам, сабр-бардошида ҳам ва айниқса меҳнатида ўз ифодасини топади. Буни юракдан ҳис қилаётган деҳқонлар ўзларининг оғир меҳнатлари маҳсулига ўзлари эгалик қилиш ҳуқуқларини кенгайтирмоқдалар.

Мутахассисларга, олиму ишниларга ҳам осон эмас, аммо улар давлат Ўзбекистоннинг мутлақо дахли бўлмаган ҳолда вужудга келган вақтинчалик иқтисодий қийинчиликларини енгиллаштириш учун иложи борича чора излаётганлигини кўриб турибдилар. Ўзимизнинг ишбилармонларимиз ҳам маблағларини шу ишларга сарфламоқдалар.

Одамлар үз Президентлариға ишонадилар, чунки унинг мамлакат манфаати йўлида куч-гайратини аямаётганини кўриб, билиб турибдилар. Улар танқид қилиш билан бирга таклифлар киритмоқдалар, чунки адолат қарор топишига ишонадилар. Президентнинг одамларга қулоқ солаётгани, тушунаётгани ва буни рӯёбга чиқараётганини амалий мисолларда кўриб турибдилар. Бундай услугуб жамият соғломлиги ва ислоҳот тўғрилигининг ишончли белгисидир.

## XIV боб

### УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ

Ҳар қандай давлатнинг белгилари жумласига унинг тимсолији рамзлари ҳам киради. Шу ўрицида биз мустақил Ўзбекистонимизнинг давлат рамзлари — байроқ, герб ва мадҳияси ҳақида сўз юритмоқчимиз. Хуш, рамзнима деган савол туғилиши табий. Рамзлар — бу шартли белгилар бўлиб, улар қадим даврлардаёқ турли ҳалқларда у ёки бу ҳодиса, олам, мавжудот, одамлар тасвирини ифодалаган.

Дарҳақиқат, рамзлар ҳалқ, миллат ҳаёти, анъаналяри, психологияси, фольклори, тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Тарихдан маълумки, масалан, Амир Темур давлатининг уз рамзий байроби бўлган.

Давлат рамзларида ҳалқнинг азалий орзуси, унинг эзгу ниятлари, бугунги ҳаёт мазмуни акс этиши лозим.

Республикамизда давлат мустақиллиги эълон қилинши, чинакам истиқлол йўлига чиқишимиш мустақиллигимизни акс эттирувчи рамзларни ишлаб чиқишни ҳам тақозо этади. Шу муносабат билан 1990 йил 30 марта «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси тўғрисида» қарор қабул қилинди ва бу борада ишлар бошлаб юборилди. Таниқли мусиқашунослар, композиторлар ва бошқа мутахассислардан иборат эксперт комиссия тузилди. Унинг таркибига Ўзбекистон Республикасининг таниқли артистлари, Давлат мукофотининг лауреатлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арабблари Икром Акбаров, Рустам Абдуллаев, Сайфи Жалил, Мутал Бурҳонов, Улуғбек Мусаев, Ботир Умиджонов каби таниқли композиторлар кирдилар.

Энг яхши мадҳия матни учун Республика танлови эълон қилинди. Танлов натижасида энг кўп қўлланган матни мутахассислар томонидан танлаб олинди. Матнларда ҳалқнинг бугунги куни, унинг интилиши, орзу-

умидлари, эртанги истиқболи, ғуури ва фахри ифода  
лангандир.

Республикамиз Олий Кенгашининг 1992 йил 8 де-  
кабрда булиб ўтган XI сессиясида Ўзбекистонниг дан-  
лат мадҳияси масаласи күн тартибига қўйилди. Қизғин  
мунозаралар ва баҳслар натижасида Ўзбекистон Ҳалқ  
шоири Абдулла Орипов сўзи, таниқли композитор Му-  
тал Бурҳонов мусиқаси билан айтиладиган қўшиқ жо-  
нажон Республикализнинг Мадҳияси қилиб таилаб  
олинди. Унинг сўзлари қўйидагича:

Серқуёш, ҳур үлкам, элга баҳт, нажот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон,  
Яшнагай то абад илму фан, ижод,  
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

#### Нақорат

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон.  
Оlamни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,  
Эркин, ёш авлодлар сенга зур қанот!  
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,  
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

#### Нақорат

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оlamни маҳлиё айлаган диёр!

Ушбу матн ва қўшиқ мусиқаси маҳсус қонун билан  
мустаҳкамланган.

1991 йил 15 февралда «Ўзбекистон ССРнинг Давлат  
рамзлари тўғрисида» Ўзбекистон Олий Кенгашининг  
қарори қабул қилиниб, тайёргарлик ишлари бошланиб  
кетди.

Республика байроғи ва гербининг чизмаларига оид  
таклифларни тайёрлаш учун машхур рассом-мусаввир-  
лар, санъатшунос-назариётчилар: Баходир Жалолов,  
Раҳим Аҳмедов, Жавлон Умарбеков, Нигора Аҳмедова  
сингари бадиий тасвири ва графиканинг билимдонлари,  
шунингдек Республика Конституциявий комиссия аъзо-

ары, маданият ва санъат арбоблари, сиёсатшунослик, қуқишунослик, гербларни ўрганиш соҳасидаги мутасислардан иборат маҳсус комиссия ташкил этилди. Бу борадаги саъий-ҳаракатлар умумхалқ муҳокамасида булиб, матбуотда кенг ёритилди. Байроқ ва Герб тасвири учун Республика конкурс танлови эълон қилинди.

Байроғимиз тарихига назар ташласак, Ўзбекистон ССР ташкил тоғган вақтда у қизил-алвон рангда бўлиб, чап тарафида чеккада зарҳал ҳарфлар билан араб ёзуvida «ЎзССР» пастда Рус тилида таржимаси берилген. Бу байроқ Россиянинг 1917 йилги революциясининг байроби булиб, қизил советлар империясининг белгиси булибди. Бу ёзув бизда 1929 йилдан лотни алифбосида берилдиган булди. Чунки Республикамизда уша йили лотнича ёзув қабул қилинган эди.

1937 йилга келиб эса Ўзбекистон ССРнинг байроғидаги ёзув тўлиқ «Ozbekistan SSP» ва пастда рус тилиде шифода қилинди. 1940 йили марказ томонидан рус трафикаси—кириллицанинг Республикамизга тиқишириши, ҳарфларнинг ҳозирги замон ёзуvida берилишибабаб бўлган. 1952 йилнинг 29 августида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Ўзбекистон Байроғига ўзгариши киритилди. У энди байроғининг ўртасида қалин ҳаво ранг чизиқ булиб, бу чизиқ ингичка чизиқчалар билан ҳошияланган эди. Байроқ ҳавон қизил рангда булиб, энди унда ёзув ўрнида соён СССР байроғи каби ўроқ ва болға ҳамда унинг ташнида зарҳал ҳошияланган қизил юлдуз бор эди.

Янги Байроғимиз уч хил рангда булиб, улар кўк, оқ, яшил ранглардир. Оқ ранг қизил ранг билан ҳошияланган. Юқорида чап томонда ярим ой тасвири ва 12 та юлдуз жойлашган. Байроғимизда юртимиз тариси, ҳалқимизнинг миллий руҳи ва табиатимиз жамоли этган. Кўк ранг ва юлдузлар мовий тиниқ осмон белгисидир. Ўртадаги оқ ранг эса ёруғ кун ва покиза, кунгли оқ ҳалқимизнинг тилаги, қизил ҳошиялар қонғизирлари каби тириклик ва ҳаёт рамзидир. Яшил ранг эса қадим-қадимлардан яшил табиат белгисидир. Ойнинг берилиши мустақиллигимизнинг янги эканлигидан даюлат беради. Ўлдузлар сонининг 12 талиги йил ойларига, мучал ҳисобига ишорадир.

1991 йилнинг 25 ноябрида Ново-Огарёво шаҳрида СССР Давлат Кенгашининг СНГ (МДҲ) ҳақидаги шартномасини қабул қилишга бағишиланган йиғилиши бўлиб ўтди. Аммо янги Иттифоқ Шартномасини тасдиқлаш содир бўлмади, чунки жуда кўп тузатишлар киритиш таклиф этилди. Шартнома лойиҳаси янги Иттифоқни ташкил этиш истагини билдирган давлатларнинг Олий Кенгашларига юборилди, қайсики, улар қабул қилиш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилишлари лозим эди. Фақат шундан сўнггина республикаларнинг вакиллари делегацияси бу шартномани имзолаш ва у кучга киритилиши мумкин эди.

1991 йилнинг 26 ноябрида Мустақил Давлатлар Иттифоқи ҳақидаги Шартнома лойиҳаси матбуотда чоп этилди.

Иттифоқ Шартномасини келишишнинг узоқ давом этган жараёнига учта славян давлатларининг: РСФСР, Украина, Белоруссия раҳбарларининг 1991 йилнинг 8 декабрида Минск шаҳрида бўлиб ўтган учрашувлари якун ясади.

## МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДҮСТЛИГИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИИ СТАТУСИ

### I

Мустақил Давлатлар Ҳамдүстлиги — МДҲ ва Марказий Осиё Ҳамдүстлиги — МОҲнинг ташкил этилиши билан давлат ҳокимиятиning вакиллик ва бошқариш орғанлари фаолиятини конкретлаштириш, уларни бирлаштириш ва мувофиқлаштириш вазифаларини орттириш ва такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий-назарий ва амалий муаммо ва аспектлар вужудга келади.

МДҲ ва МОҲ — бир бутун давлат, федерация ва мамлакат эмас ёки ҳукумат ва ягона ҳарбий блок ҳам эмас, балки «Давлатчилик» — мустақил давлатлар ҳамдүстлигининг янгича шаклидир. Ўлар халқаро ҳуқуқнинг мустақил ва teng ҳуқуқли субъекти бўлган унинг барча аъзолари мустақил ҳуқуқли асосда мужассамлашган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдүстлиги 1991 йил 8 деқабрда Минск шаҳрида ташкил топди. Унинг вужудга келиши ҳақидаги ҳужжат-битимга уч республика — РСФСР, Украина ва Белоруссия раҳбарлари имзо чекдилар, Марказий Осиё Ҳамдүстлиги эса 1993 йил бошларида ташкил этилиб, бунда ҳам қатор ҳужжатлар имзоланди.

МДҲ ташкилотчилари бўлган уч давлат раҳбарлари халқларнинг муносабатлари, улар ўртасида вужудга келган алоқаларга асосланиб, ҳуқуқий демократик давлат қуришга ҳаракат этган ҳолда ана шунга интилдилар.

Томонлар БМТ Устави, Хельсинки яқунловчи акти ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашининг бошқа ҳужжатлари мақсад ва принципларига тарафдор эканликларини тасдиқладилар, инсон ва халқлар ҳуқуқи тўғрисидаги халқаро нормаларга риоя қилиш бўйича мажбурият олдилар, ўз фуқароларининг қайси миллатга мансуб эканликларидан қатъи назар teng ҳуқуқлилиги ва эркинликларини кафолатладилар, кам

Соли миллатларнинг маданий, тил ва диний мустақиллигини сақлаш ва ривожлантиришга имкон яратиш бўйича мажбуриятлар олдилар.

Ҳалқлар ва давлатларнинг тенг ҳуқуқли ва ўзаро боғдали ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида сиёсат, мудофаа, иқтисодиёт, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш, фан, савдо, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва башка соҳаларда махсус битимлар тузишга қарор қилинди.

Битимни имзолаган давлатларнинг ҳудудий бутунлигини тан олиш, ҳурмат қилиш ҳамда амалдаги чегаралар, уларнинг очиқлиги ва фуқароларнинг ҳаракати бўйича эркинлиги эътироф этилди.

Ҳамдустлик аъзолари ҳалқаро тинчлик ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий харажат ва қуролларни қисқартириш чора-тадбирларини амалга оширишда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар. Ҳозиргача юздан ортиқ норматив ва тавсифий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар ҳалқаро назорат остида ядро қуролларини йўқ қилиш ва тулиқ қуролсизланишга ҳаракат қиласидилар. Шу билан бирга томонлар бир-бирларининг ядросизона ва бетараф давлат статусига эришиш учун олиб борадиган ҳаракатларини ҳурматлайдилар.

Бошлиғич ҳужжатлар бўйича умумий ҳарбий-стратегик соҳасида бирлашган қўмондонликни ва ядро қуроли устидан назоратни сақлашга қарор қилинди.

Томонлар МДҲ аъзоларининг биргаликдаги фаолияти соҳасига:

- ташқи сиёсий фаолиятни мувофиқлаштириш, мудофаа сиёсати ва ташқи чегарани муҳофаза қилиш;
- умумий иқтисодий муҳитни шакллантириш ва ривожлантириш, умумевропа ва Евро-Осиё бозорини шакллантириш;
- иқтисодий ислоҳот ўтказиш;
- божхона сиёсати;
- транспорт ва алоқа, шунингдек энергетика тизимини ривожлантириш;
- саломатлик, атроф-муҳит ва экология хавфсизликгини сақлаш;
- уюшган жиноятчиликка қарши кураш сингари муҳим соҳаларни киритдилар.

Битим тузиленган пайтдан бошлаб уни имзолаган давлатлар ҳудудида учинчи мамлакат, шу жумладан со-

биқ СССР қонунлари құлланилмайды, аввалғи Иттифоқ органдары фаолияти тұхтатилади.

Собиқ ССР Иттифоқи имзо чеккан шартнома ва битимлардан келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши кафолатларади.

Хужжатнинг мақсад да принципларыга қушилувчи собиқ СССРдаги, шунингдек, бошқа давлатларнинг аъзо бўлиб киришлари учун Битим очиқдир.

Минск шаҳри Ҳамдустликнинг Мувофиқлаштирувчи органларининг расмий жойи деб танланди.

Шундай қилиб Ҳамдустликнинг асосий мақсадлари:

а) сиёсат, мудофаа, иқтисодиёт, экология ва бошқа соҳалар бўйича ҳар томонлама ҳамкорлик қилишин амалга ошириш;

б) Ҳамдустликка аъзо бўлган давлатларни ҳар томонлама ва мувозанатлаштирилган иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириши уларнинг иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштириш ва умумий иқтисодий оламини вужудга келтириш, шунингдек, давлатлараро кооперация ва интеграцияни ривожлантириш йўли билан таъминлаш;

в) Халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда Ҳамдустликка аъзо давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, қуролланиш ва ҳарбий харажатларни қисқартириш учун самарали чораларни амалга ошириш;

г) аъзо давлатлар фуқароларининг бир давлатдан иккинчи давлатга эркин ҳаракатини ва МДҲ доирасида ахборот алмашишни кафолатлаш;

д) давлатлар ўртасидаги ва давлатлар ичидағи келишмовчиликларни бартараф этиш ва МДҲ доирасида тинч яратувчилик механизmlарини вужудга келтириш бўйича кучларни мувофиқлаштиришдан иборатdir.

Бу мақсадларга эришиш учун МДҲ ўз муносабатларини:

— давлат суверенитетини үзаро тан олиш ва ҳурмат қилиш;

— тенг ҳуқуқлилик ва бир-бировларининг ички ишларига аралашмаслик;

— иқтисодий куч ёки бошқа тазийқ услугбларини қуллашдан воз кечиш;

— баҳсли муаммоларни келиштирув воситалари ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа ҳамма эътироф қилган прин-

ни ва нормалар асосида ҳал қилишдан иборат принципларга мувофиқ қуришлари керак.

Уч Республика Ҳукумат бошлиқларининг «Иқтисодий снёсатини мувофиқлаштириш тўғрисида»ги иккинчи баёнотига мувофиқ томонлар зарур ҳолларда ва они вақт ичида республикаларо иқтисодий битимни замалга оширишга келишганликлари ҳисобга олинди.

Шундай қилиб, 1922 йилдаги эски ССР Иттифоқи ташисчилари янгича ҳамкорликни ташкил этдилар, бошқача қилиб айтганда уч славян давлати бошлиқлари ССР Иттифоқи тақдирини ҳал этдилар.

1991 йил 10 декабрда учала республикада мустақил давлатлар ҳамдустлиги ҳақидаги Битим бир овоздан ратификация қилинди.

Ҳамдустлик тарафдорлари сони аста-секин ортиб борди. Ўрта Осиё ва Қозогистон республикалари Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигини кувватладилар.

Ашгабод шаҳридаги учрашув қатнашчилари ҳаммуассис тенг ҳуқуқлилик принципига риоя қилиши шартин билан ҳамдустликка аъзо бўлишга тайёр эканликларини маълум қилдилар. Ашгабоддаги учрашув қатнашчилари давлат бошлиқларининг қўшма баёнотини имзоладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йил 31 авгуустда Давлат мустақиллиги тўғрисида Қонун қабул қилди. 1991 йил 16 декабрда Қозогистон Республикаси Олий Кенгаши ҳам ана шундай ҳужжат қабул қилди. Бир кун кейин, 1991 йил 17 декабрда Олий Кенгаш Фармонига кўра «Қозогистон Республикасининг демократик янгиланиш куни» эълон қилинди. Ана шу Фармонга мувофиқ ўз вақтида жавобгарликка тортилган декабрь воқеалари қатнашчилари (беш йил илгари оммавий нағойиш милиция ва ҳарбий қўшин томонидан тарқатилган эди) оқландилар.

1991 йил 21 декабрда собиқ ССР Иттифоқнинг уч славян ва Ўрта Осиёдаги беш республикаси раҳбарлари Олмаотада учрашдилар. Саккиз республикага Арманистон ва Молдова, шуңингдек Озарбайжон ҳам қушилди. Бу ва собиқ Иттифоқнинг бошқа аъзолари Ҳамдустлик ҳужжатига имзо чекдилар. Кейин мазкур ҳужжат улар-

нинг парламентларида муҳокама этилиши, шундан ке-йингина сабиқ ССР Иттифоқининг тұла барҳам топиши ва МДҲ нинг ташкил топиши тұғрисида асос пайдо бўларди.

Олмаотада давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари Кенгаши, шунингдек мустақил давлатлар бошлиқлари кирадиган мудофаа Кенгаши тузилди. Давлатларниң ишчи ва ваколат органлари ташкил топди.

1991 йил 21 декабрда (ССР ташкил этилганлигига 70 йил тулишига бир йилу 9 кун қолганда) бир овоздан қўйидаги тарихий ҳужжатлар қабул қилинди.

МДҲ декларациясини сабиқ Иттифоқнинг 11 республикаси имзолади;

Мустақил давлатлар бошлиқлари Кенгашининг Бирлашган қўмондонлик остидаги умумий ҳарбий-стратегик маконни сақлаб қолиш ва ядро қуролларини назорат қилиш тұғрисидаги протокол;

Мустақил давлатлар бошлиқлари Кенгашининг Россиянинг сабиқ Иттифоқ ўрнида БМТ га аъзолиги тұғрисидаги қарори;

МДҲнинг мувофиқлаштирувчи муассасалари тұғрисидаги Битими;

ядро қуроли соҳасида биргаликда күриладиган чоратадбирлар тұғрисидаги Битими;

МДҲни тузиш тұғрисида 1991 йил 8 декабрь куни Минск шаҳрида Белорусь Республикаси, Россия Федерацияси (РСФСР), Украина томонидан имзоланган битимга доир Протокол.

Шундай қилиб ССР Иттифоқи барҳам топди, энди марказ йўқ, диктаторлик йўқ: Олмаотада 11 мустақил давлатнинг ҳамдўстлиги вужудга келди.

## II

Энди МДҲнинг истиқболини, кейин Ҳамдўстликка аъзо давлатларниң ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш учун баъзи тарихий ҳужжатларни муфассалроқ кўриб чиқамиз.

МДҲнинг биринчи ҳужжати демократик ҳуқуқий давлат тузишнинг муҳим муаммоларига бағишланган бў-

<sup>1</sup> Шунингдек ҳамон жадал ишланыётган, лекин шу пайтгача қабул қилинмаган (1993 йил 1 марта) МДҲ Устави ҳам муҳим маъба бўлиши мумкин.

иб. 1991 йил 21.декабрь санаси қўйилиб, янги тузилган Ҳамдустликка кирувчи ўн бир давлат раҳбарлари имзо чеккан ўн олти моддадан иборат «Олмаота декларацияси»дир.

Мазкур ҳужжатда ўзига хос мулоҳаза ва принциплардан келиб чиқиб, МДҲнинг таърифи берилган. Унда жумладан шундай дейилади:

— Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, улар ургасидаги муносабатлар давлат суверенитетини ва суверен тенгликни, ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат лихисиз ҳуқуқни ўзаро тан олиш ва ҳурмат қилиш, ҳуқуқий тенглик ва ички ишларга аралашмаслик қоидалари, куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан дўқ қилишдан, иқтисодий ва бошқа ҳар қандай тазийқ усулларидан воз кечиш, низоларни тинч йўл билан бартариф этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу жумладан, оз сонли миллатларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, мажбуриятларини ҳамда ҳамма эътироф қилган ҳалқаро ҳуқуқ қоидалари ва меъёрларини ҳалол бажариш асосида ривожланишини йўлга қўйишга итилиб;

— бир-бирининг ҳудудий яхлитлигини ҳамда мавзуд чегаралар бузилмаслигини тан олиб ва ҳурмат қилиб;

— чуқур тарихий илдизларга эга бўлган дўстлик, ихши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳалқларнинг туб манфаатларига мос тушади ҳамда тинчлик ва хавфсизлик ишига хизмат қиласи, деб ҳисоблаб;

— фуқаролар тинчлигини ва ҳамдустлигини тузиш тўғрисидаги Битимнинг мақсадлари ва қоидаларига содиқ қолиб;

#### қўйидагиларни билдирадилар:

Ҳамдустлик қатнашчиларининг ўзаро алоқалари тенглик асосида тузиладиган ҳамда Ҳамдустлик қатнашчилари ургасидаги битимларда белгиланадиган мувофиқлаштирувчи муассасалар орқали тенг ҳуқуқлилик қоидаси асосида амалга оширилади, мазкур Ҳамдустлик давлат ҳам эмас, давлатлар устидан турадиган тузилма ҳам эмас.

Олмаота Декларациясига асосан ҳамда ҳалқаро стратегик барқарорликни ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳарбий-стратегик кучларнинг бирлашган қўмон-донлиги ва ядро қуроли устидан ягона назорат сақла-

ниб қолади; томонлар бир-бирларининг ядросиз ва (ёки) бетараф давлат мақомига эришиш муддаосини ҳурмат қиласидилар.

Бошқа ҳужжат — МДҲга аъзо бўлган фақат тўрт давлат бошлиқлари имзо чеккан «Ядро қуроли соҳасида биргаликда кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги Битим»дир. Бу давлатлар «қатнашувчи-давлатлар» сифатида номланадилар.

Ҳамдўстлик давлатларининг умумий манфаатлар соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун Ҳамдўстликнинг олий органи — «Давлат бошлиқлари кенгашӣ», шунингдек, «Ҳукумат бошлиқлари кенгашӣ» тузилди.

МДҲ давлат бошлиқлари кенгашининг МДҲ қатнашилари бўлган давлатларнинг БМТга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисидаги қарорида ҳар бир давлатнинг БМТ Устави юзасидан мажбуриятларни бажариш ва шу ташкилот ишида тўла ҳуқуқий аъзолари сифатида қатнашиш ниятига асосланиб, Белорусь Республикаси, СССР ва Украина БМТнинг дастлабки аъзолари эканликларини эътиборга олиб, Белорусь Республикаси билан Украина БМТда суверен мустақил давлатлар сифатида қатнашиб келаётганликларидан мамнуният изҳор этиб, ўз халқарининг ва бутун халқаро жамиятнинг манфаатлари йўлида БМТ Устави асосида ҳалқаро тинчлик ва хавфсизлик мустаҳкамлашга кўмаклашишга азму қарор берилди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат бошлиқлари кенгashi, биринчидан, Россиянинг БМТдаги СССР аъзолигини, шу жумладан, Хавфсизлик Кенгашидаги ва бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий аъзолигини давом эттириш учун уни қўллаб-куватлашга, иккинчидан, Белорусь Республикаси, РСФСР, Украина Ҳамдўстликдаги бошқа давлатларнинг БМТдаги ва бошқа ташкилотлардаги тўла ҳуқуқли аъзолиги масалаларини ҳал этишда кўмаклашадилар, деб қарор қабул қилиди.

Кейинроқ 1991 йил 30 декабрь куни Минск шаҳрида барча давлатларнинг бошлиқлари тўққизта асосий ҳужжатни имзоладилар. Булар қўйидагилардан иборат:

1. МДҲ Давлат бошлиқлари кенгashi ва Ҳукумати бошлиқлари кенгashi тўғрисидаги мувакқат битим.

2. МДҲ давлатлари ўртасидаги стратегик кучлар буйича битим.

3. МДҲ давлатлари бошлиқлари кенгашининг Қу-

ролли Кучлар ва чегара қўшинлари тўғрисидаги битими.

4. Космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича биргаликда фаолият кўрсатиш тўғрисидаги битим.

5. МДҲ давлатлари бошлиқларининг собиқ СССР-нинг чет эллардаги мулки тўғрисидаги битими.

6. Мустақил давлатлар бошлиқлари кенгаш-мажлисининг Орол муаммоси, шунингдек, Спитакдаги зилзила оқибатларини тугатиш муаммоси бўйича маҳсус битимни тайёрлашга оид қарор.

7. Давлат бошлиқларининг Қаспий денгизи балиқ ресурсларини сақлаб қолиш бўйича маҳсус битимни тайёрлаш тўғрисидаги кенгаш-мажлиси қарори.

8. Давлат бошлиқлари кенгаш-мажлисининг 1992 йилда бажарилиши зарур бўлган Чернобиль фалокати оқибатларини тугатиш бўйича тадбирлари, уларни маблағ билан таъминлаш тартиби ва ҳажмига оид қарори.

9. МДҲ давлат ва ҳукумат бошлиқлари кенгашлари мажлисининг Ҳамдустлик давлатлари бошлиқлари кенгари ва ҳукумат бошлиқлари Кенгари мажлислари ни ташкилий-техникавий тайёргарлиги ва ўтказилиши учун ишчи гуруҳларининг номи, тизими ва маблағи манбаларини ишлаб чиқишга оид қарори.

### III

Тўртинчи ва бешинчи учрашув 1992 йил 8 февралда Минскда, 14 февралда Москвада бўлиб ўтди. Мазкур учрашувларда асосий эътибор Европа ҳамжамиятига ўхшаш ягона, кучли марказ сақланишига қаратилди. Лекин ҳар бир республиканинг ўз армияси ташкил этилади. Унда яна МДҲ аъзолари Мудофаа Вазирлари Кенгари тузиш тўғрисидаги масала ҳам кутарилди.

Минскда:

- ягона ҳарбий бюджетни шакллантириш;
- мудофаа масалалари бўйича мустақил давлатлар вакиллари олий органлари;
- МДҲ Қуролли кучларининг бош қўмондонлиги;
- қисмларда МДҲ доирасида эришилган битимларга зид бўлмаган ҳарбий-ҳуқуқ актларида мавжуд салоҳият таъкидланадиган армиянинг асосий ҳуқуқий фаолияти тўғрисидаги қатор ҳужжатлар ва битимлар муҳокама этилди.

Бош Қуролли Кучларга 1995 йилгача вақтли ҳар бий низомни амалға киритиш ҳуқуқи берилди.

Навбатдаги учрашув Киевда бўлиб ўтди. 1992 йил 20 марта Украина пойтактида МДҲ давлатлари бошлиқлари халқ ва унинг кайфиятидан узилиб қолмасликлари учун ҳамма шароит яратилди.

Эрталабки мажлисини Украина Президенти Леонид Кравчук очди. У бир йўла МДҲ мамлакатлари ҳаддан ташқари оғир дамларни бошидан кечираётганлиги оптимизм учун асос йўклигини уқтириди. «Конфронтация ўрнига қатор ҳудудларда ҳақиқий уруш бошланиб кетди, иқтисодиёт тубсизлик ёқасида, ичимида эса МДҲ лоақал битта йирик ҳарбий, сиёсий ёки ҳўжалик масалаларини ҳал этилишига халқларнинг умиди кундан-кун пасайиб бормоқда», деди у. «Агар учрашувимиз кескин бурилиш ясамас экан, — дея сузини якунлади Кравчук, — у ҳолда МДҲ ниқобдан ортиқ бўлмаган нарсани кўриб чиқиши мумкин». У ана шундай кайфият билан ва вакилларнинг келишувига кўра, кейинги учрашув Тошкентда ўтишига умид боғланган ҳолда ранглик ҳокимлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовга берди.

Киевдаги учрашув кун тартиби бир неча тематик блок, ҳаммаси бўлиб 21 масалани ўз ичига олди:

1-хўжалик блоки: собиқ ССР Иттифоқи Давлат бани активлари, пассивлари, мулкни тақсимлаш, умумий мақондан фойдаланиш тўғрисидаги битимга багишланди.

2-блок: ҳарбий муаммоларга тегишлидир.

3-блок: ягона аҳборот воситасига тегишли масалалардан иборат. Бунда, шу жумладан Останкино төлевиденияси тақдирни ҳал бўлади ва Бойқўнир билан баглиқ масалалар блокидир.

4-МДҲ мамлакатларининг тинчликни сақлаш масалаларини муҳокама қилиш таклиф этиладиган блок.

МДҲ мамлакатлари бошлиқлари учрашви доирасида Украина ва Қозоғистон ўртасида давлатлараро битим имзоланди, ратификация ёрлиқлари алмашинди, шунингдек Украина ва Арманистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Учрашувда ҳарбий қурилма мавзуси ҳам бошлиқлар наздида иқтисодиёт муаммосидан кам бўлмаган ўринни эгаллади. Куннинг биринчи ярмида мудофаа масалалари бўйича МДҲнинг собиқ органлари вакиллориги, ўтиш

дағында Бирлашған қуролли күчлар статуси тұғрисидә бир битимга келинди, МДХ давлат чегараларини сақтаған МДХ доирасыда тинчликни құллаб-құвватлаш үшүн кузатувчилар гурухы тузиш тұғрисидаги битимлар нағоланды.

1992 йил 23 мартда «Известия» мухбири МДХ Бирлашған Қуролли Күчлар бош құмандони, авиация маршали Евгений Шапошниковдан МДХ президентларнинг Киевдеги учрашуви бүйіча интервью олди. «Мен, — деді у, — президентларнинг Киев учрашуви якуннан жуғын мамнун бўлдим. Биз ҳал қиломаган, чунончи, қуролли күчларни маблағ билан таъминлаш, ҳарбий хизматга чақириш, шунингдек, Қора денгиз флоти сингари масалаларни давлатларнинг ҳукуматлари муҳокамасынга тавсия этамиз. Энди шу йил 7 майдан Россиянинг Мудофаа вазирлиги мавжуд, ўйлайманки, барча баҳсшы муаммолар ана шу даражада тезроқ ва осон ҳал этилади».

Бош құмандон Преднестровье ва Тоғли Қорабоғдаги пазият бүйіча қабул қилинған ҳужжатларни ҳам юқори баҳолади. Лекин улар таъсири булиши, ишлай бошларни үшүн ҳуқуқий, асоси — хавфли ҳудудларда ўт оғашши тұхтатиши учун курашиш, шунингдек БМТнинг тегишили ҳужжатларида таъкидланғанидек ғаним тоқыларға тушунтириш учун давлатлар ўртасыда ҳарбий шыны тузиш тұғрисидаги битим зарур.

Шундай қилиб, МДХга аъзо бўлган давлатлар бошларнинг Киев учрашуvida улар муҳокама қилинған ун еттига масала бўйича бир битимга келдилар. Шунга қарамай, агар ҳар бир нарсани ўз номи билан атайдиган бўлсак, бу учрашув Минск ва Москвадаги учрашувлар сингари «Известия» газетасыда қайд этилгенидек қувончдан кўра оғир таассурот қолдириди, чунки ҳамдустлик ҳамон энг муҳим муаммоларни ҳал этиш механизмини топа олмади. Л. Кравчукнинг фикрича, МДХда муҳокама қилинған ва қабул қилинған қарорлар амалга ошмаяпти. МДХ ҳозирча аниқ натижә бермаяпти. У умумлаштириш билан чегараламоқда, бунга құшилиш анча қийин: кейинги вақтларда қайта қуриш деб номланған даврда собиқ Иттифоқнинг президенти, собиқ ҳукумати органлари, эндиликда эса МДХ томонидан қабул қилинған ҳужжатларнинг биронтаси бажарылмаяпти.

1992 йил 15—16 майда Тошкентда МДХ аъзолари

бўлган давлатлар раҳбарларининг навбатдаги (еттио чи) учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув иштироқчилари ун еттига масалани кўриб чиқдилар. Лекин Украина президенти Л. Кравчукнинг Тошкентга келмаганлиги туфани МДҲ учун жуда муҳим иккита — Қора дengiz флоти устидан иқтисодий ислоҳот ва назорат қилишини мувофиқлаштиришга тегишли масалалар кун тартибида ўз-ўзидан олиб қўйилди\*.

Умуман олганда, учрашув қатнашчилари собиқ ССР Иттифоқи ҳудудида кимёвий қуроллар ишлатиш устидан ва келгусида йўқ қилиш учун Россияга келтирилган ядро қуролларининг хавфсизлигини самарали наюрат қилишини амалга оширган ҳолда Европада оддил қуролли кучлар тўғрисидаги Шартнома бажарилиши билан боғлиқ шахсий армияни тузишга киришган данлатларда, шу жумладан Россия ва Украянани қўшган ҳолда, МДҲ Бирлашган Қуролли Кучлар ролига алоқадор масалаларни кўриб чиқдилар.

Саккизинчи учрашув Бишкекда 1992 йил сентябрь охирида ўтказилиши белгиланган эди, лекин у 9 октябрга кўчирилди. Бу вақтда Москвада МДҲ аъзолари бўлган давлатларининг Ташқи ишлар вазирлари йигилишди. Кун тартибига МДҲ аъзоларининг Маслаҳатмувофиқлаштирувчи Қенгаш тузиш тўғрисидаги муҳим масала бор эди (таклиф Қозоғистон томонидан киритилганди). Учрашувда олти давлат вакиллари тўпланди. Бу таклиф Президентлар ва Баш Вазирларнинг қўшима мажлисида куриб чиқишига қарор қилинган эди. Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев бу таклифининг ташаббускори бўлганди. У бунда Қенгашнинг савдо-иқтисодий ҳамкорликни ташкил этиш, бюджет, солиқ, пул-кредит, валюта ва божхона сиёсатини ўтказиш, шунингдек, капитал ва қимматдор қофозларнинг умумий бозорини шакллантиришдаги ҳаракатларни мувофиқлаштиришни қўшган ҳолда МДҲ давлатларининг келишилган иқтисодий сиёсатини амалга ошириш, аниқ таклиф ва тавсияларини ишлаб чиқиши соҳасидаги бош вазифасини назарда тутган эди.

Иккинчи ҳужжат, у ҳам Қозоғистон томонидан таклиф этилган — қонуний тўлов воситаси сифатида рубль сақланиб қолган давлатларнинг ягона пул тизими ва

\* Тошкент учрашувида Қирғизистон, Молдова, Тожикистон раҳбарлари иштирок этмади. Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Арманистон ва Туркманистон раҳбарлари қатнашди.

келишилган пул-кредит ва валюта сиёсати тұғрисидаги биттім әди. Учинчы ҳужжат — кейинчалик қайта ишланды, келишилгандан сүнг парламентлар томонидан ратификация қилинадиган МДХ Устави.

Бош құмбондөнлик ва ҳарбий хавфсизлик тұғрисидаги ҳарбий масалалар ҳам кенг доирадаги суҳбат мавзуди бұлды. Энди ҳар бир давлат үз ҳарбий сиёсатини өзінде қиқиши мумкин.

Украинаниң асосий позицияси ҳисобланған МДХ-нинг стратегик ядрөвий күчлери тұғрисидаги масала қишине қолди. У МДХнинг тұрт «ядровий» давлатлар президентлари доирасыда муҳокама қилиш тақлиф этилғанди.

Шундай қилиб Қозогистон тақлифлари пакети күргөнчи қиқиған Бишкекдеги учрашув аслида тор йұнашындағи конфедератив харakter бўйича йўналтирилди.

МДХ таркиби үз мақсадимизга, яъни чинакам мустақилликка тезроқ эришиш мумкин. Бунинг учун Ҳамдүстлик үзичинг номига тұла-тұқис мос келиши керак. МДХ давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг Тошкентдеги учрашуви Ҳамдүстликнинг келажаги борчесини кўрсатди.

Ўзбекистоннинг МДХдаги иштирокини, республика Президенти И. А. Қаримовнинг таъкидлашича, қўйидаги давлатлар белгилаб беради:

**1. Янги мустақил республикалар илгари ягона давлатнинг таркибий қисми әди.**

2. Республика иқтисодиёті ягона транспорт ва энергетика тизимиға эга бўлган собиқ умумиттифоқ иқтисодий макони доирасыда шаклланди ва ривожланди.

3. Барча мустақил республикаларда, хусусан Ўзбекистонда ҳам собиқ Иттифоқ кўламида яқин қариндошлугчиллик алоқаларига эга бўлган кўп миллатли аҳоли шайди.

4. Ёш мустақил давлатлар ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муносабатлардаги халқаро мақомини мустахкамлашы учун вақт зарур.

Ўзбекистон Ҳамдүстлик доирасыда бошқа мустақил давлатлар билан фаол ҳамкорлик қилаётгандығы туғилини қўйидагилар таъминланмоқда:

Бирлашган Қуролли Кучлар орқали миллий мудоғуларни мувофиқлаштириш, миллий ҳудуд яхлитлигини ва давлат чегарасини ҳимоя қилиш;

Ҳамдүстликдаги бошқа давлатлар киритган фантехника тараққиёті ютуқларидан баҳраманд бўлиш;

— транспорт тармоғидан фойдаланиш, деңгиз порттарига чиқиш, хорижий мамлакатларга молларни транзит йули билан етказиб беришда имкониятнинг кенглиги;

— кескин экология муаммоларини ҳал этиши чора тадбирларини биргаликда амалга ошириш, табиий оғатлар ва фалокатларнинг оқибатларини тугатишда ўзаро ёрдам бериш.

Ўзбекистон Ҳамдустликдаги шериклари билан ўз муносабатларини кўп томонлама давлатлараро шартномалар ҳамда битимлар доирасида ҳам, шунингдек тўридан-тўғри икки томонлама мулоқотлар, ўзаро машфаатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ўрнатиш асосида ҳам йўлга қўйиш нияти дадир.

Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги мамлакатлари билан ўзаро муносабатларидағи энг муҳим масала — МДҲга аъзо мустақил давлатлар билан тенг ҳуқуқли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда унинг потенциалига таянишdir.

Аъзо-давлатлар, шунингдек ҳамдустлик органлари, шу жумладан давлат раҳбарлари Кенгаси, Ҳукумат бошлиқлари Кенгashi, Иқтисодий Кенгаш, Иқтисодий суд, Мудофаа вазирлари Кенгashi, Ташки ишлар вазирлари Кенгashi ва ҳамдустликнинг бошқа органларининг ҳуқуқ ва вазифалари тўғрисидаги масалалар илмий қизиқиш ўйғотади.

Ҳамма аъзо давлатлар бир хилда ҳуқуқ ва бир хилда вазифаларга эга. Барча аъзо давлатлар МДҲ органларида тенг ҳуқуқли аъзо ҳуқуқига эгадирлар. Улар МДҲнинг ташки чегараларида уларнинг тегишли органлари фаолиятини ҳар томонлама мувофиқлаштириш йули билан барқарор аҳволни ҳимоя қилиш ва таъминлаш бўйича зарур чораларни амалга оширадилар.

— Аъзо-давлатлар ўзларининг ҳалқаро мажбуриятларига мувофиқ ҳар қандай ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ёки бошқа мажбурлаш, шунингдек террорга асосланган ёки қўпорувчилик фаолиятларда тўғридан-тўғри билвосита ёрдам курсатишдан ва келишмовчилик атрофидаги кескинлик босқинидан холис турадилар.

Аъзо-давлатлар МДҲ органлари актларини бажарадилар, давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро алоқани ривожлантиришга кумаклашадилар.

Аъзо-давлатлар ўз ички ва ташқи сиёсатларини олиб бораётганда шерикчилик, бир-бирорвларининг қонуний манфаатларини ва ҳар қандай аъзо давлатнинг ҳолати ген ҳукуқларига, унинг жисмоний ёки юридик шахснiga тараф этишини ҳисобга олиш асосида ўзаро ҳаракат қилинилар. Аъзо-давлатлар ҳамкорликнинг тегишли ҳужжатларда мустаҳкамланган мақсадларини амалга ошириша бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар ва кўмаклашадилар.

Давлат бошликлари Кенгаши ва ҳукумат бошлиқлари Кенгаши МДҲдаги энг юқори органлар ҳисобланади.

Давлат бошлиқлари Кенгашида Ҳамкорликка аъзо барча давлатлар бошлиқлари даражасида вакиллар бўлади. Унда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тўғрисидаги Битим ва мазкур битимни ривожлантиришдаги бошқа ҳужжатларда кузда тутилган умумий манфаатлар соҳасидаги Ҳамкорликка аъзо барча давлатлар фалиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ принципиал масалаларни мухокама қиласди.

Давлат бошлиқлари Кенгаши бир йилда камида иккни марта ўтказилади. Кенгашнинг навбатдан ташқаримажлиси Ҳамдўстликка аъзо бўлган ҳар қандай давлат ташаббуси билан чақирилади.

Ҳукумат бошлиқлари Кенгашида Ҳамдўстликка аъзо барча давлатлар ҳукумат бошлиқлари даражасидаги вакиллар бўлади. У Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар соҳасидаги ҳамкорликларини мувофиқлаштиради.

Кенгаш стратегик ҳарбий кучларни жойлаштириш ва моддий, ижтимоий таъминлаш шарт-шароитини таъминлашга кўмаклашади, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий химоялаш ва пенсияж билан таъмин этиш масалалари бўйича келишилган сиёсат ўтказишни таъминлайди.

Давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқлари Кенгашларининг МДҲ аъзолари ҳисобланган давлатларнинг ҳар бири битта овозга эга бўлган қўшма мажлиси ўтказилиши мумкин.

МДҲ аъзоси ҳисобланмаган давлат вакиллари Кенгашлар мажлисида умумий келишилган ҳолда қарор-қабул қилишда қатнашмай, кузатувчи сифатида иштирок этишлари мумкин.

Кенгашларнинг расмий тили МДҲ давлатларининг

даълат тили ҳисобланади. Ишчи тили рус тилидир. МДҲ органларининг фаолияти МДҲ Низоми ва Устави билан таргига солинади.

**МДҲ давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқлари** Кенгашлари Мувофиқлаштирувчи Комитети МДҲнинг ижро органи ҳисобланади. У МДҲ Низоми ва Устави мувофиқ доимий асосда ҳаракат қиласди.

Комитет аъзо-давлатлар Доимий муҳтор вакиллари ва Когибиятдан иборат бўлади.

**Мувофиқлаштирувчи Комитет** Котибияти унга юкли тилган вазифаларнинг бажарилishi учун ўз ходимлари га эга бўлади. Унинг вазифалари, жумладан, қўйидагилардан иборат:

— давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқлари Кенгашлари мажлисларини гайёрлаш ва ўтказиш, шунингдек, Ҳамдустликнинг бошқа органлари ишини мувофиқлаштириш ва уларга ёрдам бериш;

— давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқлари Кенгашлари топшириқлари ижросини ташкил этиш;

— давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқлари Кенгашлари топшириқларининг бажарилishi бўйича таклифлар тайёрлаш;

— Ҳамдустликнинг юқори органлари томонидан қабул қилинган актлар ҳал қилинишини ҳисобга олишини ташкил этиш;

— улар ўртасидаги ўзаро ёрдами амалий ҳал этиши бўйича ахборот ва таклифлар тайёрлаш;

— битим ва қарорлар бажарилishi устидан назоратни амалга ошириш;

— давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқлари Кенгашлари номидан ишлаб чиқиш ва келишиб олиш учун МДҲнинг тегишли тармоқлари маслаҳат-кенгашини чакириш.

МДҲ қошида: Иқтисодий Кенгаш, Иқтисодий суд, Мудофаа вазирлари ва чегара қўшинлари қўмондонлиги Кенгashi ишлайди.

**МДҲ органлари фаолиятини маблағ билан таъминлаш** харажатлари аъзо-давлатларнинг хизмат юзасидан бўлган иштироки тартиби бўйича тақсимланади ва МДҲ органлари бюджети тўғрисидаги маҳсус битим асосида ўрнатилади.

**МДҲ бюджети** ҳукумат бошлиқлари Кенгashi тақдимиға кура давлат бошлиқлари Кенгashi томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати йўналишларидан би-

ри Ҳамдустлик мамлакатлари билан тўғридан-тўғри ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистоннинг МДҲдаги иштирокини қўйидаги ҳодилар белгилаб беради. Булар хусусида И. А. Каримовдининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли» (1992 йил) ва «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» (1993 йил) асарларида уқтириб ўтган.

Республика ичкарисида куч-қудратимиз ишончли ва мустаҳкам булиши, хонадонимизни авайлаб-асраш, мавжуд чегараларни сақлаб қолиш учун қудратли потенциалга эга бўлган Россия томонидан мадад зарур.

Иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, тангликтан чиниш йўлларини белгилашда ўзаро таъсир ғоят катта. Ўзбекистоннинг иқтисодиётини соғломлаштириш учун Россиядан республикамизга ҳаётий муҳим ресурслар — металл, нефть, ёғоч ва тахта, транспорт воситалари, технология ускуналари ва бошқа моллар узлуксиз ётказиб берилиши алоҳида аҳамиятга эга. Айни вақтда Ўзбекистон Россияга пахта толаси, кунжара, хом ипак, мева-сабзавот маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотларини ётказиб бераётган асосий давлатdir.

Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги Россия билан дўстликни сақлаб қолишини истаётганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Собиқ марказ билан эмас, балки айни Россия билан дўстликни сақлаб қолишини хоҳлашмоқда. Ўзбекистон бошқа мусулмон давлатлари (Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Эрон, Покистон, Туркия мамлакатлари) билан ҳам ўзаро муносабатларни — шу жумладан кўп томонлама асосда чуқурлаштиришга интилмоқда.

Ўзбекистоннинг Хитой ва Ҳиндистон каби буюк давлатлар, Жанубий-Шарқий Осиёдаги янги индустрималь мамлакатлар билан ҳам муносабатлари самарали ривожланиб бормоқда.

Ҳозирги кунда Америка Қўшма Штатлари, Германия, Испания, Франция, Италия бошқа етакчи давлатлар билан тенг ҳуқуқли ўзаро ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятлар очилмоқда.

Бутун ташқи иқтисодий фаолиятимизни ташкил этишни чуқур ислоҳ қилишга тўғри келади.

Чиндан ҳам қисқа мурдат ичида Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигига узил-кесил ҳал қилиниши керак бўладиган кўплаб муаммолар вужудга келди. Бунинг учун, биринчидан, ҳамкорликда турли уюшмаларнинг жаҳон-

шумул тажрибасини ўрганиш, иккинчидан, давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларининг тез-тез учрашиб туриши, учинчидан, ҳар қандай масала лойиҳаларини муҳокама қилиш лозим.

**Янги таркиб топган Ҳамдўстлик — Марказий Осиё Ҳамдўстлиги.** 1993 йил 3—4 январда Тошкентда Узбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Үрта Осиё ва Қозоғистон мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашиб, бозор муносабатларига ўтиши даврида минтақа давлатларида сиёsat ва иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш борасидаги кенг доирадаги масалаларни муҳокама қилдилар.

Учрашувнинг асл мақсади истиқололга ҳеч кимнинг дахл қилмаслиги учун ҳар бир давлат ўз йўлидан, ўзаро тинч-тотув ва ҳамкорликда, жисплашган ҳолда ҳаракат қилишдан иборат эди. Мазкур мамлакатлариниң ҳар бири ўз манфаатларини ўйлаб иш тутиши табиий Шу билан бирга уларни ягона мақсад — иқтисодий муаммоларни қандай қилиб бўлмасин тезроқ ва осонроқ бартараф этиш, минтақада ўзаро фойдали муносабатларни йўлга кўйишидир.

Мазкур мустақил давлатлар ўртасидаги тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли иқтисодий, ижтимоий алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фойдали фикр алмашинди.

МДҲ мамлакатларида вужудга келаётган вазият шошилинч чоралар кўришни талаб этарди. Бу **Марказий Осиё давлатларининг янги Ҳамдўстлигини**<sup>1</sup> барпо этиши учун барча шарт-шароитларни яратганди. Лекин бу Үрта Осиёдаги собиқ республикалар ва Қозоғистон МДҲ билан алоқаларни бутунлай узмоқчи, деган сўз эмас. Улар имзоланган ҳужжатларга амал қилишга, тенг ҳуқуқли ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом этиришга тайёрдирлар. Аммо биринчи навбатда бу давлатлар ўз манфаатларини ҳисобга оладилар. Марказий Осиё мамлакатлари мавжуд чегараларни эътироф этадилар, улар МДҲдаги бошқа давлатлар, айниқса, Россия Федерацияси билан бундан бўён ҳам мустаҳкам ҳамкорлик қилишга таёрдирлар.

<sup>1</sup> Маданияти, удуми, тили умумий бўлган қадимдан қушни — Марказий Осиё давлатлари ўз йўлларидан борадилар. 55 миллиондан ортиқ одам яшайдиган Марказий Осиё минтақаси узининг иқтисодий салоҳияти билан энг равнақ топган мамлакатлар билан баҳслаша олади.

Учрашувда бир-бирларига элчилар юборишга қарор қилинди ва бу масалани белгиланган тартибда ҳеч кеңиқтирмай ҳал қилишлик Ташқи ишлар вазирликларига топширилди.

Давлат бошлиқлари фикрлашиб олиш натижасида ҳукуматларга нарх сиёсати, алоқаларни ривожлантириш, энергия манбалари билан таъминлаш, Орол ва Каспий денгизлари муаммолари билан боғлиқ бўлган масалаларни миңтақа давлатларининг манбаатларини кўзлаб ишлаб чиқиши топширилдилар.

Гомонлар Оролни сақлаб қолиш халқаро жамғармасини тузиш тӯғрисида қарор қабул қиласидилар. Жамғарманинг мажлисларини Қизил Ўрда, Нұкус ва Тошховузда ўтказиш зарур деб топилди.

Давлат бошлиқлари миңтақа ягона ахборот доирасини ташкил этиш тӯғрисида қарор қабул қиласидилар. Телевидение маркази Тошкентда, республикалараро газета таҳририяти эса Олмаотада жойлашади. Айни бир пайтда Марказий Осиё давлатларининг Форс кўрфази ва Тинч океангча чиқиши масаласи ҳам урганилади.

Тошкент учрашуви якунлари юзасидан Қўшма ахборот қабул қилинди.

Давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимлар ижросини мунтазам назорат қилиб боришининг аниқ воситаларини ишлаб чиқиш тӯғрисида бир фикрга келинди.

Шундай қилиб, Марказий Осиё миңтақасидаги мустақил суворен давлатлар бошлиқларининг Тошкентдаги учрашуви янги йилнинг дастлабки кунларида йирик сиёсий воқеа бўлди. Кенг доирадаги бу учрашув 1993 йилнинг биринчи иш кунида ўтганлигининг ўзи музокара қилинадиган масалалар ўта муҳим эканлигидан далилат беради. Чунки МДҲ ута муракқаб, дардчил, зиддиятлар асосида ривожланмоқда.

Тошкентдаги матбуот конференциясида Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигига шу қадар шошилиб жаноза ўқилмаслиги кераклиги уқтирилганди. Тӯғри, 1993 йил 22 январда Минскдаги учрашув оғир ўтди. Айниқса МДҲ Устави кескин муҳокама қилинди, Украина, Туркманистон ва Молдова раҳбарлари унинг қабул қилиншига қарашчи чиқишиди. Шунга қарамай турли сабабларга кўра уч марта кечикирилган Минск учрашуви бурилиш вазифасини ўтади.

МДҲга жаноза ўқилишига эрта, бунинг учун ҳеч қан-

дай асосли сабаб йўқ. Кўпдан-кўп нохуш тахминларга қарамай, Минскдаги учрашув МДҲ барҳам топиши бир ёқда турсин, ҳатто ўз мавқенини мустаҳкамлади. Учрашув кун тартибига 14 та масала киритилган эди. Уларнинг энг муҳимлари:

- МДҲ Устави;
- иқтисодиёт бўйича Маслаҳат кенгашини тузиш ҳақида;
- стратегик ядро кучларини тақсимлаш тўғрисида;
- рубль зонасидаги давлатларнинг давлатлараро банкини тузиш;
- Тожикистон билан Афғонистон уртасидаги чегарани мустаҳкамлаш учун МДҲнинг тинчлик ўрнатувчи ҳарбий бўлинмаларини юбориш;
- фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш ва бошқалардан иборат.

Учрашув қатнашчилари Давлатлараро банк барпо этиш бўйича битимга эришдилар. Қимматдор қоғозлар бозорини тартибга солиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Қолган вақтнинг ҳаммаси МДҲ Устави лойиҳасини муҳокама қилишга бағишлианди. Қизғин тортишувлардан кейин янги ҳужжат ишлаб чиқишига қарор қилинди. Ҳозирча бу ҳужжатнинг номи йўқ. Аммо унда МДҲ мамлакатларининг истисносиз ҳаммаси Ҳамдўстликдаги аҳволдан ташвишланаётгани ва МДҲ ичидағи муносабатларни тартибга солишга кўмаклашадиган ҳужжатни қабул қилиш зарур деб ҳисоблаётгани тўғрисида гап боради. Бу ҳужжат Ҳамдўстликнинг ҳозирги аҳволдан қутилишига ёрдам бериши, бинобарин, биринчи галда иқтисодий муаммоларни амалда ҳал этишга кўмаклашиши лозим.

Минскда Тожикистон — Афғонистон чегарасини мустаҳкамлаш учун ўн кун мобайнида Ҳамдўстлик мамлакатларининг тинчлик ўрнатувчи кучлари қўшимча қисмларини юборишга қарор қилинди.

Шундай қилиб МДҲнинг олий даражада Минскда уtkазилган учрашувни ниҳоясига етди. МДҲ барҳам топиши ўринига ўз мавқенини мустаҳкамлади.

Шу йил апрель ойида Москвада Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг сўнгги учрашуви қисқа, лекин жуда самарали бўлиб ўтди. Унда 26 та муҳим ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатлар МДҲ мамлакатларида ўзаро фойдали ҳамкорлик ва иқтисодиётни барқарорлаштириш

үчун кенг истиқболлар очиб берилиши шубҳасиз деб матбуотда эълон қилинди.

«Йқтисодий иттифоқ — ҳақиқатдир» — деди Президентимиз Ислом Каримов.

Москвада йиғилган барча давлат бошлиқлари Евроосиё иттифоқини тузиш, яъни эски давлат тузимига қайтиш тўғрисидаги таклифлар мутлоқ асоссиз, деб ҳисоблашди, аммо Евроосиё иттифоқини тузиш тўғрисидаги масала ўртага қўйилгани йўқ. Бу иттифоқни тузиш ташаббусини кўтариб чиққан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевни ўзи учрашувга келаолмади, чунки у бу таклифларни аслида хомхаёл таклиф эканлигини англади, шекилли. Эски тузумга қайтиш йўқ ва қайта-рилмайди ҳам, деди Президентимиз Ислом Каримов журналистлар билан сұхбатида.

Учрашувнинг энг муҳим жиҳатлари тўғрисида гапирганда миллий ёки этник жиҳатдан, тили ва дини жиҳатидан камчиликни ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш конвенциясига тўхталмаслик мумкин эмас. Узбекистон бу ҳужжатга имзо чеккани табиий ҳолдир.

Учрашувда мудофаа муаммоларига алоҳида эътибор берилди. Коллектив тинчлик кучларининг Тожикистанда булиш муддати, таркиби ва вазифалари ҳақида; колектив тинчлик кучлари қўмондони тўғрисида; Россия Федерацияси, Марказий Осиё ва Қавказорти давлатларининг учунчи мамлакатлар билан чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш хусусидаги музокараларининг бориши тўғрисидаги каби муаммолар кўриб чиқилди. Ҳали ҳал қилинмаган муаммолар бор, лекин уларни ҳал этишдан ўзини четга олиш мумкин эмас деб қайд этилди.

«Халқ сузи» рўзномасидаги «Москва учрашуви: ҳам-фикрлик сари қийин йўл» ахборотида «учрашувда имзоланган ҳужжатлар қоғозда қолиб кетмайди, балки иш беради, деб умид қиласиз, афсуски, илгари бундай ҳоллар кўп бўлган эди...» деб қайд этилди. Шунинг учун биз Ҳамдустлик давлатлари билан биргаликда ишлайдиган бўлсак, фақат ўзаро фойдали, тенг ҳуқуқли асосда ишлашимиз керак. Узбекистон республикасининг сиёсати ана шунга асосланган.

## МУНДАРИЖА

|   |     |
|---|-----|
| Үзбекистонда адолатли демократик ҳуқуқий давлат аркони-<br>нинг беш асосий тамойили (Муқаддима ўрнида). А. Х.<br><i>Сайдов</i>  | 3   |
| <b>I боб.</b> Мустақил Үзбекистоннинг биринчي Конституцияси:<br>миллӣ истиқбол ва умумбашарӣ истиқбол қомуси.<br><i>A. X. Сайдов</i>  | 11  |
| <b>II боб.</b> Үзбекистон ҳудудида мустақиллик ҳакидаги ғоялар-<br>нинг шаклланиши ва ривожланиши. <i>Ж. Тошқулов</i>   | 30  |
| <b>III боб.</b> Қонунийлик — Үзбекистон давлатчилигининг пойде-<br>воридир. <i>А. Х. Сайдов</i>   | 66  |
| <b>IV боб.</b> Ҳокимиятлар тақеимланиши назарияси ва Үзбекистон<br>давлат органлари тизимининг такомиллашуви. <i>Х. Одил-<br/>кориев</i>                                    | 74  |
| <b>V боб.</b> Үзбекистон Республикаси давлат қурилишида янги<br>босқич. <i>К. Комилов</i>   | 92  |
| <b>VI боб.</b> Үзбекистон Республикаси олий вакиллик ҳоки-<br>мият органи. <i>Р. Каюмов</i>   | 100 |
| <b>VII боб.</b> Үзбекистон Республикаси ижроия ҳокимиятининг<br>олий идоралари <i>У. Чориёров</i>   | 112 |
| <b>VIII боб.</b> Үзбекистон Республикасининг маҳаллӣ ҳокими-<br>ят вакиллик органлари тизимининг ижтимоий-иқтисодий<br>ва ташкилий-ҳудудий асоси. <i>С. А. Абдураззоқов</i> | 127 |
| <b>IX боб.</b> Давлат ҳокимиятининг маҳаллӣ бошқарув ва ўзи-<br>ни ўзи бошқариш органлари. <i>А. Ваҳобов</i>  | 139 |
| <b>X боб.</b> Үзбекистон Республикасида сайлов ўтказиш тарти-<br>би. <i>О. Т. Ҳусанов</i>   | 146 |
| <b>XI боб.</b> Үзбекистон Республикаси Конституциявий назорат<br>қўмитаси. <i>Ш. З. Уразаев</i>   | 156 |
| <b>XII боб.</b> Үзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти тизи-<br>мида Ҳўжалик суди. <i>Р. А. Хачатуров</i>  | 167 |
| <b>XIII боб.</b> Үзбекистон давлати — асосий иқтисодий ислохот-<br>чи. <i>А. Х. Сайдов</i>  | 176 |
| <b>XIV боб.</b> Үзбекистон Республикасининг давлат рамзлари.<br><i>Л. А. Каримова</i>   | 185 |
| <b>XV боб.</b> Үзбекистон Республикаси — ҳалқаро ҳуқуқ субъ-<br>екти. <i>Ф. Боқаева</i>   | 191 |
| <b>XVI боб.</b> Иттифоқдан — мустақил давлатлар ҳамдӯстлиги-<br>га. <i>Л. М. Бурхонова</i>  | 203 |
| <b>XVII боб.</b> Мустақил давлатлар ҳамдӯстлиги аъзоларининг<br>ҳуқуқий статуси. <i>М. М. Файзиев</i>   | 210 |

Научно-популярное издание

На узбекском языке

## РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН — НЕЗАВИСИМОЕ ГОСУДАРСТВО

Муҳаррир *X. Мансурова*

Рассом *A. Бахромов*

Техник муҳаррир *Л. Раҳимов*

Босмахонага 26.05.94 й. да берилди. Босишга 23.11.94 да рухсат этилди. Қоғоз бичими  $84 \times 108 \frac{1}{32}$ . Босма табоги 7,25 л. Шартли босма табоги 12,06 л. Нашриёт ҳисобот табоги 15,4. Адади 10 000. нусха. 4411-буортма, Нархи шартнома асосида.

Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Адолат» нашриёти. 700047, Тошкент, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча 2-уй.

24.70  
428

9